“Дорокўз” афсонасида бошқачароқ ҳолатни кузатамиз. Эътиборли жиҳат шундаки, Дорокўз афсонаси Г.П.Потанин 1895 йили Кўкчатов уездидан ёзиг олган Жаке ботир ҳақидаги қазоқ афсонасининг биринчи кисмига мазмунан анча яқин келади. В.М.Жирмунский ўз мақоласида афсонани тўлиқ келтирган. Бу афсонада айтилишича, Жаке ботир исмли овчи куз вақти кеч кириб қолгач, ўрмонда тўхтаб, олов ёқиб гўшт пиширади. Тунда гулхан ёнига панжаларини енгига яширган бир аёл келиб ун чиқармай ўтиради. Жаке ботир аёлнинг олдига гўшт ташлайди. Аёл гўштни енги билан олиб ейди. Овчи шунда аёлнинг тирноклари жездан эканлигини сезади. Аёл гўштни саб ўрмонга кириб кетади. Жаке ботир ётиш вақти эҳтиётдан бир гўлага чакмонини ёпиб, одам шаклига солиб, ўзи бир чеккада пойлаб ўтиради. Бир қанча вақт ўтиб аёл изига қайтиб, ўзини чапон ёпилган гўлага ташлайди. Жаке ботир унинг коқ манглайнини қўзлаб отади. Жезтироқ жон ҳолатда қочади. Эрталаб овчи отига миниб, кон изи билан бориб бир чукурдан жезтироқни жонизсиз ҳолатда топади ва жез чангалини қўлинни кессиб олади. Шундан кейин Жаке ботир форда Бир кўзли улкан одамга дуч келади. Жаке ботир ва Бир кўзли улкан воқеаси мазмунан анъанавий сюжетга деярли мос келади.

Дорокўз ва Жаке ботир афсоналари киёс килинса Дорокўз афсонасида жезтироқ ва бир кўзли дев сюжети бир-бирига сингдириб юборилганлигига гувоҳ бўламиз. Бизнинг бундай хulosага келишимизга жезтироқ образига ўйғун бўлган темиртироқ ва рўйитан деб

номланувчи образларнинг Дорокўз афсонаси ёзиб олинган худудда мавжуд эканлиги ҳам асос бўлмоқда.

Темир тирноқ – темир панжали девсифат мавжудод. Рўйитан – темир тирнокли, олмос қўлли одам.

Биз ёзиб олган рўйитан ҳақидаги афсона, эртаклар [Айтувчилар: Раҳматулла Юсуф ўғли, Сори Юсуф ўғли, Бибишой Қарши кизи. Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани, Қоракса ва Қўштамғали қишлоқлари] Жаке ботир афсонасига жуда яқин. Бу афсона, эртакларнинг қаҳрамони Кутум саёқ (Кутум мерган) исмли овчи. Ушбу ном В.М.Жирмулский мақоласида келтирилган қаҳрамонлар орасидаги Утум ботир исмiga ҳамоҳанг, лекин ахборотчилар Кутум саёни тарихий шахс – Чинмас уруғининг Саёқ тўпининг бобоси сифатида талқин этишади. Қаҳрамонни бу холда локаллаштириш бошқа халқлар орасида ҳам учрайди. Хусусан, бир кўзли дев ҳақидаги қозоқ афсоналарининг кўпчилик қаҳрамонлари тарихий шахс сифатида тилга олинган. Умумалан, қаҳрамонни муайян урут, жой билан болгаб аташ бу хил афсоналар учун типологик ҳолатдир.

Рўйитан афсонасининг қисқача мазмуни қуидагича: Подишо Кутум саёққа Оқтоб (Нурота тоғ тизмасининг жанубий қаноти) дараларини санаб чиқиши буюради. Кутум саёқ шу мақсадда тоғ кезиб, Лангар тоғига (Оқтоб тизмасининг гарбий қисми) келиб, олқар гўштини қайнатиб ўтирган пайти, икки қўлини қўлтиғига қисган баҳайбат одам келиб қолади. Кутум саёқ унинг қўлини яшириб индамай ўтирганидан рўйитан эканлигини билади. Гўшт пишгач Кутум саёқ ўз қўли билан рўйитанни ҳам овқатлантиради. Кутум саёқни ўлдириш мақсадида келган рўйитан овчининг меҳмондўстлиги эвазига ўз режасини кечга қолдириб, изига қайтади. Кутум саёқ рўйитаннинг нияти бузуклигини билиб, ётиш олдидан ўрнига узун бир тошни (бошқа бир вариантда тўнка) ётқизиб, тошнинг бир учига телпагини, иккинчи учига салласини ўраб, устига чопонини ёпиб қўяди-да, ўзи милтигини ўклаб, четда пойлаб ўтиради. Тун оққан вақти рўйитан келиб:

– Санаб келдим уч юз олтмиш дарапни,

Ҳозир кўрдим икки бошли балони,

Кутум саёқ баломи? – деб икки қўллаб чопон ёпилган тошни одам хаёл қилиб чанглалайди. Рўйитаннинг олмос қўллари тошни майдалаб юборади. Кутум саёқ:

Темир туёқ ўлдингми?! – деб төпкени босади. Рўйитан ўлади. Кутум саёқ Оқтоворнинг дараси уч юз олтмишта эканлигини билиб, рўйитаннинг олмос қўлларини ўлжа қилиб, орқага қайтади. Шундан кейин Кутум саёқнинг ёввойи түя билан бўлган олишуви ҳикоя қилинади. Кутум саёқ такибчи түяни илонлар подшосининг ёрдамида ўлдириб, мансилига қайтади. Кутум саёқ уйига келгач, оғир касал бўлиб ётиб қолади. Уни кўришга одамлар келиб туршиши. Охирида бир чол келиб: “Ҳар ким рўйитанни ўлдирса, ўзиям олти ойдан кейин оламдан ўтади” дейди. Кутум саёқ ҳам олти ойдан кейин вафот этади. Биз Кутум саёқ ва рўйитан ҳақидаги афсананинг нисбатан тўлиқ вариантини [Айтувчи: Раҳматулла Юсуф ўғли Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани, Қоракса қишлоқлари.] ихчам ҳолатда келтиридик. Ушбу вариантнинг диккатга сазавор яна бир жиҳати, унда бошқа варианtlарда (жумладан, қозоқ афсоналарида ҳам) учрамайдиган бир қадимиrudимент мотивининг мавжудлигидир. Яйни Кутум саёқнинг рўйитанни ўлдиргани учун олти ойдан кейин вафот этиши (худди Одиссея циклопни кўр килгани учун бошига оғир кунлар тушгани каби), чунки циклоп ва рўйитан мифологик тасаввурга кўра ҳомийлар ҳимоятида турувчи, магик кучга эга образлар сирасига киради ҳамда уларга зиён етказган кишилар тавки лаънатта учрайди, деб англанган. Айни пайтда темир тирноқ образи ҳам диккатга сазовор. Айтишларича[Айтувчи: К. Қаҳрамонов Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани, Пангат қишлоғи], темир тирноқ тоғда яшайди. У жуда баҳайбат бўлиб, ҳар куни тунда қишлоқка тушиб, бешикда ётган болаларни ўғирлаб кетади. Шунда одамлар уни ўлдирмоқчи бўлиб, бешикка боланинг ўрнига тўнгакни солиб қўйишиади. Темир тирноқ кечаси келиб, бола бор деб бешикнинг ичидаги тўнгакни чанглалайди-да, қўли тўнгакка тирсагигача ботиб кетади. Темир тирноқ қўлини тўнгакдан чикара олмайди. Шунда одамлар темир тирнокни уриб ўлдиришади.

Юкорида келтирилган “Кутум саёк”, “Темир тирнок”, “Рўйитан” ва “Жаке ботир” афсоналарининг бир неча мотив ва деталлари таҳлил этилса, уларга хос белги ва хусусиятлар янада ойдинлашиб, бу образларнинг бир тизимда туришилиги маълум бўлади.

1. Раҳматулла Юсуф ўғлиниң “Рўйитанинг бутун бадани темирдан факат кўзлари гўшт бўлади”, деб хикоя қилиши (Хоразм афсонасидаги Яккакўзининг ҳам ўқ ўтмас, ўтди ёнмас деб таърифланганилиги), Жаке ботирнинг жезтиринонки шешонасидан отганлиги ҳакидаги маълумотлар ибтиода бу образларнинг бир кўзли бўлганларидан далолат беради.

2. Кутум саёкнинг рўйитанинг отган вақти: “Темир туёк ўлдингми?!?” деб айтиши замирида рўйитан оёқларининг туёкли ҳайвонлар оёғига ҳашашлигидан хабар беради.

3. Темир тирнокнинг болаларга ўчлиги ва ёш болаларни тунда келиб ўғирлаб кетиши.

4. Бир кўзли мавжудотларга дуч келувчи овчиларнинг мингта кийик ёки олқар отгач, бир сир кўриши билан боғлик тасаввур. Ушбу тасаввур овчиларнинг бир кўзли мавжудотлар билан учрашуvinинг бежиз эмаслигини мантикан асослайди.

Дорокўз, темир тирнок, рўйитан образларининг ягона тизимда, яхлит тасаввур ва тушунчалар билан боғлик ҳолда қадимдан келаётганлигини, М.И.Боргояковнинг “Скиф турк (хакас) этнографик ва фольклор паралеллари” [6] мақоласида таҳлил этилган сигир туёкли, бир кўзли мифологик образлар ҳакидаги фактлар, фикр-мулоҳазалар ҳам тасдиқлайди. М.И.Боргояков қадим юонон муалифларининг асарларида тилга олинган сикифлар ҳакидаги маълумотларни хакас ва бошقا Сибирь туркий камвлари фольклоридаги фактларга киёслар экан, шундай ёзди: “Герадотнинг “эчки оёкли” одамлари хакасларнинг “Етти сигир” афсонасидаги “сигир туёкли” персонажларга жуда яқинdir. “Чатхан” (музикий соз) эртаги ҳам етти сигир ҳакида, лекин бу гал салбий характеристли бир кўзли одамлар ҳакида гап боради. Бу одамларнинг биргина кўзи бошининг чап томонида жойлашган эмиш. Чулум турклари (ғарбий Сибир) афсоналарида ҳам “сигир туёкли” одамлар иштирок этишади. Айтувчиларнинг маълумотига кўра, булар “шайтон ва иблис” тоифасига киради. Ўтмишда балътирилик хакаслар ўртасида болаларни ўғирлаб, еб кўйувчи сигир туёкли одамлар ҳакидаги хикоялар кенга таркалган” [6].

Сигир туёқларнинг болаларни ўғирлаб кетиши биз Пангатдан ёзиб олган темир тирнок ҳакидаги маълумотга айнан уйғун келаётганлиги билан аҳамиятли. Бу ҳолат айни мотивнинг ҳам қадимдан келаётганлигини билдиради. Умуман олганда мавжуд фактлар ўзаро қиёс этилса, темир тирнок, жез тирнок, дорокўз, рўйитан, сигиртуёқ образларининг бир умумий мифологик тизимдан тарқалганлигини англаш мумкин. Хусусан, темир тирнок (ўзбекларда), жезтириноқ (қозоқларда), сигир туёк (хакасларда) образларининг асосида ягона қадим туркий образ турганилиги аниқ. Ушбу образлар иштирок этган афсона ва фольклор намуналарини қиёсий ўрганиб илк бобо сюжетни тиклаш мумкин. Айни пайтда дорокўз, депагўз, бир кўзли дев образлари билан боғлик тасаввурлар ва сюжет ҳам ушбу мифологик тизимдаги муҳим ҳалқа бўлган.

Бизнинг тахминимизча, дорокўз, Яккакўз (депагўз, жалғиз кўз; жалғиз кўзди доов, еке(бир) гўзли дўв), темир тирнок (жезтириноқ, сигир туёқ) билан боғлик қадимий сюжет худди Жаке ботир афсонасида айтилганидек бир умумий занжирни ташкил этган. Жалғиз кўзининг эркак, жезтиринонкинг аёл (қозоқ афсонасида) сифатида келиши илк талкинга уйғун.

Депакўзининг ғайритабиий туғилиси мотиви (“Яккакўз” афсонаси ва “Китоби дада Кўркут”да) бу сюжетнинг бошланиш қисми бўлган.

Яккакўзининг туғилишига одамизотнинг жамият қонун-қоидалариға, Дорокўзни ўлдирган кишининг олти ойдан кейин вафот этиши, овчи (қаҳрамоннинг табиат қонунларига зид бориб, табуни бузиши) ҳакидаги тасаввур (ўзбек фольклорида) ҳам бобо сюжетнинг таянч мотивларидан хисобланган.

Албатта, даврлар ўтиши билан бу сюжет туркий ҳалқларнинг турли худудларга тарқалиши, турфа тарихий шароитлар натижасида кўплаб вайантларни вужудга келтириди. Баъзи ҳолатларда асосий сюжетнинг учкунларигина бизгача етиб келди. Айни ҳолатни дорокўз, Яккакўз ва темир тирнок образи мисолида кузатамиз. Лекин ушбу образларнинг

деярли барча туркий халқ ва қавмлар орасыда кенг тарқалғаны әттиборга молик. Чунки бу хил оммавийлик факат қадим илдизга ега мифологик тизимли образлар гагина хосдир. Ҳакас олыми М.И.Боргаяков сигир түекли образлар хусусида фикрларни хulosалар экан: “А.Страбон тахминнiga құра, Гомер бир күзли циклопларни скифлар тарихидан үзлаштирган. Айтишларича, аллақандай аримасплар шундай (бир күзли) бўлишган. Улар ҳақида Аристей Проконний ўзининг “Аримасп” достонида баён этган.” деган фикрни ёзган. Олимнинг бу хulosаси қанчалик ҳақиқатта яқин эканлигини келажак тадқиқотлар исботлаг беради. Масаланинг моҳияти бугунда кўз-кўз қилинаётган юонон, миср, хинд ва бошқа бир қатор халқлар каторида туркий мифология ҳам олам, одам билан боғлиқ дунёкаралар тўлиқ камралиб, ўзига хос талқинлар олган мукаммал тизимга ега бўлганлигини билдиради. Факат бу тизим фольклор, халқ амалий санъати, шомонлик ва бошқа соҳаларга тегишли манбаларда сочилиб, ҳақиқий илмий баҳосини берувчи тадқиқотларни кутиб турибди, халос.

Яна бир муҳим жиҳат – Дорокўз, Яккақўз ва уларга ёндош образларнинг ўзбеклар хамда Марказий Осиёда яшайдган бошқа туркий халқлар фольклорида бугунги кунгача оғзаки холда авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётганини, бу образлар ушбу худудда қадимдан келаётганини кўрсатади. Айни пайтада катта кўчиш давридан ўғизларнинг ушбу сюжет ва образларни ўзлари билан Аму ва Сир худудидан Кичик Осиёга олиб борганини, “Китоби дадам Кўркут” келган аксарият сюжет ва образларнинг Марказий Осиёда шаклланганлигини далиллайди. Қолаверса, бу образлар ва сюжетнинг аксарият кисми Сибирь турклари фольклорида ҳам етакчи ўрин тутиши “Китоби дадам Кўркут” ва бошқа эпик намуналар ўзагини ташкил этувчи мотив, сюжет ва образларнинг қадим туркий мифопоэтик тафаккур меваси эканлигини қатъий ишонч туғдиради.

Адабиётлар:

1. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Ленинград: Наука, 1974.
2. Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос.– Москва: ОГИЗ, 1947.
3. Эшонқулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006.
4. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
5. Ошикнома. 4-китоб, – Урганч: Хоразм, 2009.
6. Қаранг: Боргояков М.И. Скифо-туркские (хакасские) этнографические и фольклорные параллели // НАА. 1975. – № 6. – С. 110-120.

Исаева Ш.,
Низомий номидаги ТДПУ доценти

БАДИЙ ИФОДА ВА РУҲИЯТ ТАСВИРИ СИНТЕЗИ

“Мамлакатимиздаги ёш авлодни маънан юксак инсонлар қилиб тарбиялаш давлат миқёсидаги муҳим вазифа даражасига кўтарилдики, маънавияти, онги, дунёкараши бой кишилар яшайдиган мамлакат ҳам иктиносидий, ҳам сиёсий жиҳатдан тараққий топади, алалхусус, бундай жамиятнинг кучли бўлиши ҳам муқаррардир. Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онигига сингдириши учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўрганган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган максадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз” [1, 29].

Умумдунё бадиий адабиёти ҳазинасига ўз хиссасини кўшиб келаётган ўзбек адабиётида тарихий мавзудаги асарлар сони тобора ортмоқда. Кейинги давр ўзбек насирида реал воқеиликни бутун мураккаблиги билан қамраб олиш ва уни ўз тароватида, ўз йўналиши ва зиддиятларida акс эттириши билан характерини ўзгартирди. Энг муҳими, унда эпик воқеилик тасвири билан характерлар руҳияти тасвири синтезлашди. Эпик ривояяда руҳият тасвирининг кучайиши, бошқача айтганда, воқеиликнинг характерлар руҳиятидаги таҳлилий тасвири

орқали акс эттирилиши ҳозирги ўзбек насрода психологизмнинг тобора ривожланиб бораётганидан дарак беради. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда эпик, лирик ва драматик тасвир усулларининг табиий, бетакрор уйғунлашиб келиши характерлар рухиятини янада чукурроқ, янада асослироқ ва ишончлироқ очиб беришнинг усул ва воситалари бойиганлиги туфайли амалга ошиди.

Ўзбек ижодкори Асад Дилмуроднинг асардан асарга рухият тасвири борасида ўсиб бориши унинг ҳам ёзувчи, ҳам шахс сифатида инсон рухий оламини тобора чукурроқ таҳлил ва талкин килиши туфайли юз бермоқда. Шахс фаолиятида ҳамма вақт муайян ҳолат, муайян хатти-харакат ва муайян қайфият бир хил такрорланмаслиги муқаррар. Ижодкор мана шу муайянлик фавқулодда, олдиндан башорат килиб бўлмайдиган ҳолат ва хатти-харакатлар билан алмашиниб кетишини ўзининг қатор асарларида исботлаб берди. Юзаки қаралса, инсон рухиятидаги бундай кескин ўзгаришлар характерлар мантиқига зиддек туюлади, аммо уларнинг ички оламини, рухиятидаги барча зиддиятларни асосли бадий таҳлил килиш юкорида қайд этилган парадоксга ўрин қолдирмайди, чунки рухият тасвири асардаги ҳар бир ўзгаришни бадий изоҳлаш, далиллаш учун хизмат киласди.

Маълумки, тарихий асар ёзишнинг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд. Айниқса, Абу Райхон Беруний, Паҳлавон Муҳаммад, Амур Темур, Султон Ҳусайн Бойқаро ва бошқа кўплаб жаҳонга маълум ва машҳур олимлар, саркардаларнинг хаёти ва фаолиятини ёртиш ижодкордан катта масъулият, улар яшаган тарихий-сиёсий муҳит ва умумий тарзда бўлса ҳам, ана шу олимлар яратган илмий асарлар ҳакида ҳам тўғри тасаввур бериш талаб этилади. Асад Дилмуроднинг “Паҳлавон Муҳаммад” асаридаги конфликтнинг серкисралигини, унинг бир неча характерлар орасидаги зиддиятлар билан боғлиқ ҳолда марказлашганлиги сабабли асар композицияси бироз номукаммалдек тасаввур уйғотади. Лекин эътибор билан қаралса, ундаги характерларро зиддиятлар турли-туман рухий тасвир усуллари орқали ифодаланганигини англаб олиши қийин эмас. Характерлар рухиятини ўзаро муайян зиддиятларда киёслаш, яъни образлар паралелизми ёрдамида улар ўртасидаги курашларни тасвирлаш йўлидан борган адид Паҳлавон Муҳаммад ва бир неча асар қаҳрамонлари аниқ, ишонарли очишига кенг ўрин беради. Табиийки, бу каби тасвирда асосий қаҳрамон характери етакчи ўрин тутади ва асар воқеалари, кўпинча персонажларнинг нигоҳи орқали баҳоланади. Асар қаҳрамони мураккаб характерга эга, у ҳар бир воқеа ёки шахсни ўзининг ўй-кечинмаси орқали, рухий таҳлили орқали баҳолайди. Шу сабабли асарнинг илк саҳифаларида ёк адиб ўзининг рухият тасвирида севимли усул даражасига кўтарилган эслаш приёмига мурожаат этади. Ушбу қаҳрамон ўзининг ўтмиши, ҳар бир босган қадами ва ўзи билган, таниган, мулокотда бўлган шахсларни ўз таҳлилидан ўтказади. Айни бир пайтда рухий жараённинг кенг тарқалган бу усули асар персонажларини бирин-кетин сюжет воқеаларига кириб келишларига йўл очади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Университет, 2000.

**Ёкубов И.,
Низомийномидаги ТДПУ доценти**

РОМАНИЙ ТАФАККУР ҚАМРОВИ

XX аср ибтидосида қозоқ ҳалқи поэтик тафаккурида кескин бурилишлар юзага келди. Жумладан, жаҳон адабиёти илғор анъаналарини ўзлаштириш маънавий эҳтиёж даражасига кўтарилди ва миллий заминда реалистик роман жанри пайдо бўлди [1, 3]. Бу ўзига хос ижтимоий-маданий, адабий-маданий ҳодиса эди. Чунки, бугунги кунда ҳам роман муайян ҳалқ адабиётининг бўй-басти, реалистик ва нореалистик тафаккур қудрати, тараққиёт

даражаси ҳамда бадий салохиятини белгилаб келмоқда. Бу синкетик жанрга миллат поэтик тафаккури балогат даражаси деб карапмокда. Зотан, романда ҳоҳ ташки, ҳоҳ ички воқелик бұлсın, үзининг барча мұраккаб жиҳатлари билан кенг акс этади. Жамият ҳолати ва инсоннинг үзлигини таниш йүлдідаги ружий-психологик талпинишлари теран бадий тахлил ва тадқиқ этилади. У бизни инсон ва давр, одам боласи ҳамда борлық муносабатлари мөхияттінде аңглаш сары юксалтиради.

Мазкур жанрнинг қозоқ адабиётіда карор топиши академик носир, драматург ва педагог М.У.Авезов (1897-1961) номи билан боғлиқдир. Унинг 20-йилларда Тошкентда яшаб таҳсил олиши “Чүлтон” журналида хикоя, пьеса ва мақолалари билан фаол иштирек этиши иккى қардош халқ адабий дүстлігі ва бир-бирига таъсири ёрқин намунасы бұлған зди. М.Авезов бир умр түркій халқлар адабиёті тарихининг теран тадқиқотчиси булып қолди. У айниқса, “Әр тарғын”, “Алломиши”, “Манаң” сингари халқ достонларини кенг тарғиб эттаңды. Адабиңнегі “Равнақ” романыда жанубий Қозғостан жорғандарлары ҳәёти, очарчилик йиллары мұраккаб турмуш лавҳалари үз аксина топты. Ағасыны, бу асарнинг чоп этилишини күриш Мұхтор оғага насиб эттади. “Оғыр синоң” асари ҳам адіб вафотдан сүнг нашр этилди.

М.Авезов үз умрининг салмоқлы қысмани қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир Абай Құнанбоев (1845-1904) ҳәёти ва ижодий меросинин үрганишга сарфлади. Абай ижодида Фирдавсий, Саъдий, Навоий, Фузулий асарлары таъсирини кузатди. Шарқ адабиётининг илғор ғоялари, бадий маҳорат сирлары шоир ижодининг жилоланишида мухим үрін тутишини аниклади.

Дарҳақиқат, шоирнинг “Нақлия сұзлар” фалсафий хикояси ва дидактика шеърларыда миллий менталитет табиатида үрочи үрүт-аймокчилікка орттика әльтибор беріб, бирдамлік сары интилишда сүсткашылқа ийл қўйиш каби ҳоллар кескин кораланған ва маърифат ғояси илғари сурғанды. Абай битикларининг аксарият қисми дұмбира жүрлигіда күйланған, халқ дилидан жой олган зди. Шунинг учун М.Авезов Абай мұхлислары ичидә күп бұлған, шоирнинг иккى юздан орт尼克 шеър вә түрт достонни (“Искандар”, “Масъуд”, “Азим ривояти”, “Вадим”) үз ичига олган адабий меросини чукур үрганған. Масалан “Искандар” достонидаги “Айрілғанни аїнқ, ажраганни бўри ер” қабилидаги ҳикматлар роман ёзилишида мухим йўлламна вазифасини үтаган. Бинобарин, ёзувчининг қозоқ халқи ҳәётига бағищланған “Абай иўли” эпопеясида миллатнинг XIX асрдаги зиддиятларга тұла мащақтаты ҳәёти ифодаланған, нодонлик ва жаҳолатта қарши кескин фикрлар илғари сурған. Абайнинг буюқ шоир даражасига құтарилиб, эл зөзозига сазовор бўлиш йўли холис кўрсатилған. Роман кенг қамрови, эпик кўлами ва чукур лиризми Абай меросининг М.Авезовга кучли таъсирини кўрсатади. Бу асар үз даврида ва бутун ҳам тарихий-биографик йұналишига кўра Ойбекнинг “Навоий” романы билан бир каторда саналиб келинади. Бу бежиз эмас. Ёзувчи романда Абай ижодининг ижтимоий-тарихий, фалсафий-ҳәёттій асосларини кўрсатиб берә олган. Романда шоирнинг кирк етти йиллик ҳәёт ва кураш йўли қамраб олинған. Шу маънода асардаги бош образ динамикаси орқали қозоқ халқи тарихий ривожига хос илғор фазилатларни кўриш мүмкін. Адіб ёшлиқ ва мұхабbat линияси тасвирида лиро-романтik, ота-бola үртасидаги конфликттнинг ижтимоий пафос касб эта боришида эса, реалистик услугуга амал килған. Абайнинг түйғу-кечиннамалари ифодаланған айрим үрінларда эса, пушкинона рух ёрқин кўзга ташланади. Шоир асарларыда илғари сурған фикр-қарашлар, орзу-идеалларнинг характер мантиғига сингидирилиши ҳаракат-холатлар табиийлигини таъминлаш, образны психология кашшф этишда мухим роль үйнаган. Зотан, Мұхтор оға түғры таъқидлаганадай: “Каттахарактерсиз улуг асар яратылмаганидек, улугөр сиймөларсиз ҳиссияттар терапиаги ҳамда кенг қамровлилек таъминланмайды” [2, 450]. Зумрад Орифжонова үзбек тилига үгирған “Абай иўли” асари ярим асрдан ошқынши ҳалқимизнинг севимли романларидан бири булып келмоқда.

Адабиётлар:

1. Үрта Осиө ва Қозогистон халклари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Т.: Фан, 1991.
2. Ауэзов Мұхтар. Собрание сочинений в пяти томах. Т.5. 1975.

Ёкубов И., Низомий номидаги ТДПУ доценти
Каримова Ш., Низомий номидаги ТДПУ

ФОЛЬКЛОР АНЬАНАЛАРИ ВА МИЛЛИЙ РОМАН

Миллий роман - мұрайян давр ижтимоий-эстетик тафаккури тақоғынтың тақозосига күра аник бадиий замин ва адабий тажрибалар негизида жағон адабиётидан үзлаштирилган адабий жанр. Уннинг шаклланиши ва ривожида фольклор анъаналари, хусусан халқ эпоси таъсири мухим роль үйнаши адабиётшунослиқда эътироф этилган. Жумладан, М.Қоратоев таъкидлашича, “қозоқ романы күп жсанры бой қозоқ фольклорига асосланған” [1, 123]. Бундай фикрларни үтгап асрнинг 70-йилларида С.Мирвалиев үзбек, Р.Н.Баимов татар, Ж.Наримбетов эса қоракалпок адабиётларыда шу жанрнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини кузатиш асносида илгари сурншган [2, 29; 9].

Албатта, мазкур муаммо үз-үзидан ҳар бир миллий адабиёт, хусусан қозоқ адабиётининг ривожланиши даражаси, ички имкониятлари нечоғлик бойлиги, халқ оғзаки ижодига мурожат килаётган конкрет ижодкор истеъдод ва салоҳияти, поэтик маҳорати сингари катор масалалар билан чамбарчас боғлиқлиқда ечилади. Маълумки, қозоқ адабиёти моҳир жиров ва оқинлар куйлаб келган: “Эр Таргин”, “Қамбар ботир”, “Қиз Жибек”, “Баян Сулув”, “Айман-Шолпан” каби ўнлаб қаҳрамонлик ҳамда лирик-эпик достонлар, неча минглаб қўшиқ, эртак, мақол, матал сингари жанрларда яратилган бенихоя бой фольклор анъаналарига эга. Ушбу традицияга ижодий ёндошиб келаётган қалам аҳли ҳақида сўз кетар экан, биргина үтгап аср насли мисолида кузатганимизда: М.Аvezov, С.Муқонов, F.Мусрепов, F.Мустафин, С.Сайфуллин, Б.Майлин, А.Абишев, А.Нурпеисов, И.Есенберлин, Ш.Муртозаев, А.Кекилбоев, А.Олимжонов, С.Жунусов сингари турли авлодга мансуб ўнлаб моҳир сўз санъаткорларини санашимиз мумкин. Демак, мұрайян роман ҳақида сўз кетганда, халқ оғзаки ижодига мурожаат этиш жараёни қай тарзда амалга ошиши, анъананинг жанр имкониятларини кенгайтириши, унга миллий рұх ва үзига хос қиёфа бағишилашидаги ўрнини кузатиш мұхимдир.

Анъанага мурожаат этиш конкрет ижодкор поэтик тафаккури билан боғлиқлиги нуткан назаридан Анвар Олимжоновнинг “Маҳамбет найзаси” романини кузатиш мақсадга мувофиқдир. Адіб бу образни яратиш асносида юкорида саналган анъанавий қаҳрамонлик достонлари билан бир каторда “Алломиши”, “Манас”, “Қўбланди ботир” каби асарлардан ҳам самарали фойдаланган. Маҳамбет шијоати, бехад оқилу тадбиркорлигини муболагали тасвирлаш, баш қаҳрамон сиймосида энг яхши фазилатларни умумлаштириш каби ҳоллар фикримизни далиллайди. У халқ озодлиги учун курашда фавқулодда фидойлик ва жасорат кўрсатади. Маҳамбет элнинг ардоқли оқини сифатида халқ эрки ва озодлиги учун курашади. Хива ҳонлиги, унга кўмакдош бўлган чоризм мустамлакачиларига карши турган кучларнинг етакчиларидан бирига айланади. Аркони давлат олдида ўзини жасур тутишидан Оллокулихон ва уннинг амир-амандорлари таҳлика га тушадилар. Ҳатто ҳоннинг юзидан қони кочади. Яна бир ўринда у Оренбург ҳони Жангирхондан шафқат кутмай: “Хонлигинг ҳам, фармонинг ҳам ўзингга сийлов. Сен халқ нафратига учрадинг!”, дейдиган даражадаги жасорати билан намоён бўлади [3, 11]. Бундай ўринларда халқ ботиrlарда хос бўйсунмаслик ва мардоналик қўзга ташланади. Агар биз уннинг капитан Шустиковга карата: “Сен Қўбланди ботир ҳақида эшиштганмисан? Бундан минг йил муқаддам яшаган. У ўша замонларда ёт ҳонларга баш әзмаган, бизга ҳам шуну васият қилиб қолдирган”, деган нутқига аҳамият берилса, А.Олимжонов үзи таэнгап айрим манбааларга ишора қилаётгани ҳам англашилади [3, 179]. Айни пайтда, роман муаллифи ўз даврининг фарзанди сифатида

асар яратылган давр адабий сиёсатида устувор бўлган синфиийлик тамойилини четлаб ўтолмагани хам ойдинлашади.

Қўринадики, юқоридаги сингари ўринларда фольклорга даҳлдор поэтик воситаларга мурожаат қилишда ёзувчи индивидуаллиги билан бир қаторда, достон ва роман жанр типлариаро генетик алоқадорлик ҳам якъол кўзга ташланади.

Адабиётлар:

1. Карагаев М. Проблемы и пути развития казахской прозы. См.: Фольклор, литература и история Востока (*Материалы III Всесоюзной тюркологической конференции*). – Ташкент: Фан, 1984. – С. 123.
2. Мирвалиев С. Узбек романы. – Т.: Фан, 1969. – Б. 29;
3. Олимжонов А. Маҳамбет найзаси. Роман. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
4. Наримбетов Ж. Каракалпакский роман. – Т., 1974. – С. 9.

Сыздықбаев Н. А., доцент УзГУМЯ

МУЗЫКА КАК СПОСОБ ПОСТИЖЕНИЯ ПСИХОЛОГИИ ГЕРОЕВ

(на материале романа Ч.Айтматова «И дольше века длится день» и повести А.Кекильбаева «Баллада забытых лет»)

Типологическое схождение – признак общности ярко выраженных творческих индивидуальностей. М.Б.Храпченко, рассматривая индивидуальность писателя, отмечает, что «типологическое единство в литературе – общность не статистическая, а динамическая. Это не замкнутая цель, состоящая из одинаковых звеньев, а скорее, своего рода спектр разных, находящихся в определенном соотношении цветов» [3, 248]. Поэтому при анализе типологических схождений исследователь должен, в первую очередь, обращать внимание на выявление индивидуальных черт, но исходящих из единых, общих принципов поэтики.

Анализируя роль музыки в романе Айтматова и повести Кекильбаева, мы хотим выявить ее основные черты, характерные для поэтики писателей, имея в виду типологические схождения указанные Храпченко.

Авторы с помощью музыки акцентируют что-то очень значимое в судьбах героев. Музыка поглощает слушателей, заставляет их забыть о неудачах, невзгодах, пробуждает то лучшее, на что душа человека способна. Она воспроизводит смену мыслей, нюансы чувств и настроений героев произведений. Музыка, музыкальное произведение – тончайший чувствительный инструмент, воспроизводящий душевное состояние героев, она является важным средством психологического анализа и характеристики действующих лиц.

Обращение к психологизму у Айтматова как знаку современной трактовки и современного способа письма особенно заметно на контрасте: описание Бегимай (героиня легенды о Бегимай и Раймалы-аги из романа Айтматова «И дольше века длится день») дано как стилизация классического мифологического портрета. Подобный контраст преследует две цели. Во-первых, сблизить персонажей разных временных пластов (вполне современного Едигея и легендарного акына) в единстве их переживания. Ведь любовная история Едигея заканчивается необратимостью разлуки, хотя в нем существует огромный потенциал Любви, которым этот человек наделен сполна. Это его любовь к земле, к зверям, ко всем тем, с кем он делит трудную жизнь на Буранном, его редкостная способность понимать и чувствовать чужую боль и муку, его безмолвная преданность Зарипе. В истории старого акына сильна не только горестная история разрушенной любви, трагично ощущение надвигающейся старости, отнимающей не только дни и часы жизни, но и грозящей уничтожить творческий дар, саму способность художника видеть мир как величайшее создание Творца. Во-вторых, контраст в изображении персонажей легенды обуславливает разделение повествователей: описание Бегимай сделано через восприятие влюбленного

поэта, видящего в своей возлюбленной идеал женщины-художника. Подобный прием обнаруживает еще одно, неявное, но чрезвычайно существенное свойство айтматовского текста: внутри одной авторской мифологической структуры, при кажущемся точном соответствии классическому мифу, персонажи интерпретируются не только в едином пространстве неомифа, но и в разных пространствах всего текста в целом. Психологизированный образ старого акына органично связывается с реалистическим планом произведения, а идеальный образ Бегимай, представляя собой одну из частных, если так можно выразиться, эстетических вершин мифологического пласта романа, свидетельствует о том, что Раймалы-ага оказывается сильнее и человеческой косности, и собственной старости и усталости.

«... открытолицая, со взглядом озорным и гордым, с бровями, как тетива тугими, что выдавало в ней весьма решительный характер, и вся она, та черноокая, была ладна собой, словно бы сотворена умелыми руками, – и ростом, и обличьем, и одеянием девичьим» [1, 373].

Мотив песенного состязания Бегимай и Раймалы-аги в плане мифа-источника тоже достаточно традиционен. Его ближайшим прототипом является состязание в игре на домбре девушки и парня (Биржана и Сары) в казахском фольклоре. Но и этот мотив трактуется писателями по-разному. В романе Айтматова акцент сделан на вдохновенном диалоге двух влюбленных. Кекильбаев стремится показать непобедимую власть музыки, способной передать даже то, что неподвластно слову: «Когда Даулет играл на дутаре, даже извечные враги прищелкивали языками от удовольствия» [2, 30], «Каждый из них страдал в одиночку и по-своему. Но домбра заговорила на общем для обоих языке. Хотя и Жонеут и домбррист считали, что каждый из них непостижим для другого...

В душах Жонсути росла гроза. Домбра объяснила ему самого себя. Он проникся яростным недовольством. Довольно слабости! Надо крепиться, призвать волю и твердость, разбудить, встяхнуть народ!.. [2, 48], «Мелодия взывает к размышлению, как многомудрая речь, способная указать выход отчаявшимся. Это была победа койши, победа над собой... Он давно пытался излить в звуках свои страдания» [2, 49]. «Домбра вернула ему себя. Не поднимая головы, он знал, что все безотрывно смотрят на него. Эта была подлинная власть. Но нужна она была лишь для одного – передать людям все пережитое, передуманное за годы странствий и за дни, проведенные в вонючей хижине. Ничего не утавая, ничего» [2, 51]. «Что может быть прекраснее, нежели возможность открыто, без стеснения, без утайки, без страха и угрозы унижения высказать людям все скопившееся на душе» [2, 55].

Музыка заставляет героя Кекильбаева не только задуматься о своей жизни, но и по-другому оценить окружающий его мир и трагизм существования в нем человека. Сила музыки в какое-то мгновение объединила всех слушающих, сделала понятным для них горе Жонеута, пробудила сострадание к нему. Музыка пробудила в каждом, кто слушал домбриста, самые высокие воспоминания: «когда мать, нежно склонившись, пела тихую колыбельную, предназначенную только одному – ему младенцу, или вспоминается другой час – печальный час разлуки» [2, 54].

Ч.Айтматов тоже не обходит тему власти музыки; для него ее сила – в способности влюбленных вдохновлять друг друга на творчество, в возможности песни напомнить человеку о чуде природы: «И дивились люди вокруг, что такие песни слышат они, смеялись травы вокруг, дым костров стелился вокруг, и летали птицы вокруг, веселились ребята, на двухлетках вокруг скача...» [1, 377].

Айтматов мастерски передает радостное слияние природы и человека, под влиянием музыки, Кекильбаев в описаниях природы ищет параллели между душевным состоянием Жонеута и состоянием природы: «Слякотная осень подходила к концу. Степная польнь размокла, обнажила корявые корни. Казалось, ее горечь пропитала насыщенный влагой воздух» [2, 59]. Безнадежность жизни, потерявшей смысл после смерти сыновей и брата, беспроглядность и горечь осени, перечеркнувшей прошедшее лето и стоящей на пороге холодной и жестокой зимы перекликуются друг с другом.

Таким образом, Айтматов и Кекильбаев прибегают к музыке не только для раскрытия внутреннего мира героев, полноты восприятия авторского замысла, но и для создания художественной модели мира.

Литература:

1. Айтматов Ч. Собрание сочинений в 7 томах. Т.3. – Москва, 1998.
2. Кекильбаев А. Степные легенды. – М.: Художественная литература, 1983. – 462 с.
3. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М., 1975. – С.248.

Хамракулова Х.,
Низомий номидаги ТДПУ ф.ф.н

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ”НИНГ ҮЗИГА ХОС ТАЛҚИНЛАРИ

“Хамса” туркумига киругчи достонларда ҳаёт ва ўлим фалсафаси биз англаганимиздан кўра теран ва жиддий. Унда факат ёшлар севгисининг фожиали баёни ёхуд яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг бадий талқини эмас, балки фоний дунёда ўзлигини топиш, комиллик сари интилиш ва шу орқали ёр васлига эришишдек масала мухим.

“Садди Искандарий”да Навоий асарлари орасида ҳаёт ва мамот муаммосига фалсафий нұктаи назардан мукаммал ёндашилган. Фарбда фотихлиги билан ном колдирган, аммо Шарқда ўзининг одиллиги билан шуҳрат қозонган Искандар ким? Нега унинг таърифи Farb ва Шарқда машҳур бўлган? Бу ҳақда Е.Э.Бертельснинг “Навои и Джами” китоби, хусуса, асарининг “Роман об Александре и его главные версии на Востоке” боби бизга етарли маълумотлар беради. Искандар ҳақидаги изланишлар XVIII асрдагача давом этган. Александр ҳақидаги романлар икки оқимга асосланган. Ўлимидан сўнг у ҳақдаги реал воқелик Клитарх ва Анесекрет томонидан баён этилган. Кейинчалик, бу манбалар Плутархнинг Македонский тарихини ёритишида асосий ўрин тутган. Иккинчи оқимга кўра Искандар ҳаёти афсонавийлика йўғрилган. Искандар ҳақидаги реал биография уни бевосита яқиндан билган инсонлар томонидан тарқатилган. Искандарнинг Шарқда Farbga нисбатан талқинлари бошқа кўриниши касб этган. Бертельс асосан Искандарнинг Шарқдаги талқинларига ургу берган. Уни Искандар ҳақида Farbdagi талқинлар Шарққа қай тарзда эврилганлиги қизиқтиради. У Искандар тарихини синчилаб ўрганади. Навоийгача бўлган талқинларни бир-бири билан киёслайди. Бертельснинг фикрича, Искандарни илоҳийлаштириш Миср ва Эроннинг Искандар томонидан забт қилиниши билан боғланади. Маълумки, диндорлар Шарқда сиёсий позицияга ва ўзига хос таълимотга эга бўлганлар. Искандарнинг Farbdan Шарққа юриши ва забт этиши руҳонийларнинг асрлар давомидаги таълимотларини рад килас эди. Бу таълимотга кўра подшоҳлик монархия тусини олиши ва Аллоҳ назар килган одам шоҳлик қилиши лозим эди. Шу боисдан улар, аввало, ўз обрўлари ва таълимотларини сақлаши лозимлигидан Искандар тарихи Шарқда ўзгача тус ола бошлади [1, 286].

Шарқдаги талқинларнинг аксариятида Искандар ҳақида нима қизиқарли бўлса, ана шу масалалар ёритилган. Айтиши лозимки, Шарқда Искандар бирданига илоҳий қиёфа касб этмаган. Айрим тарихий манбаларда унинг босқинчи эканлигига ургу берилган. Кўринадики, Искандар образи бадий қиёфа касб этгунга қадар турли, бир-бирига ўшамаган талқинларга ҳам сабаб бўлган. “Псевдокалисфен”да Искандар қадимги Миср подшоҳларига боғланди ва шу тарика у ҳақдаги афоналарга йўл очилди. Унинг Шарқдаги истилоси ҳам илоҳийлаштирила бошланди. Кейинрок, у ҳақдаги маълумотларга Эрон подшоси Доронинг меросхўри деган қараш ҳам қўшилди. Доро билан боғлиқ маълумотнинг асл манбаси мавжуд бўлмаса ҳам, Бертельснинг ёзишича, бу маълумот сосонийларнинг “Худойнамак” асарига киритилган. Кейинчалик, араб тарихчиси Диноварий “Китоб ул-

ахбор” асарида Искандар Доро II ва Филлипнинг қизидан туғилганлигини қайд этади. Ниҳоят, Эрон зодагонлари ва руҳонийларининг таълимотларини оқловчи ва уларни қониқтирувчи воқеелик юзага келди. Натижада, Искандарнинг Шарқдаги босқинчилигини беркитувчи талкинларга яна ҳам йўл очилди [1, 289]. Искандар ҳақидаги миш-мишлар арабларга ҳам етиб келади. Шундай бўладики, юнон афсоналарида тасвирланган Искандар билан Шарқ афсоналарида Искандар бир-биридан мутлақо фарқ қиласди. Уларни бир-бири билан боғлаш, ҳатто қийин эди. Искандар ҳақидаги ривоятнинг Куръонга кириб келиши эса у ҳақдаги ривоятларнинг шарқ мусулмон тарихида катта аҳамият касб этишига сабаб бўлди. Бертельснинг айтишича, Куръонда номи зикр этилган Искандарнинг Александр Македонский эканлиги Нёлдек асарида қатъий таъкидланган. Нёлдекнинг бу хуносага келишига VI асрда Сурияда пайдо бўлган ривоят асосий маъна бўлиб хизмат килган [1, 290]. Хулас, Алишер Навоийгача бўлган даврда Искандар тарихи обдон ўрганилган. У ҳақда тарихий ва бадиий асарлар юзага келган. Уларда бир-бирини инкор қиливчи ва айни вақтда ўзаро ўхшаш манбалар ҳам бор эди, бу Искандарнинг дунё тарихида катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади.

Искандарни адабий қаҳрамон сифатида гавдалантирган илк асар Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асариdir. Шундан сўнг у ҳамсанавислар ижодида давом эттирилди. А.Қаюмов Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асари ҳақида фикр юритар экан, “Искандар мавзусида ёзилган достонларни, албатта, машҳур фотихнинг таржимаи ҳоли ёки унинг юришлари хроникаси деб қараш мутлақо асоссиз ва хато фикрdir. Бу достонлар шу машҳур шахс орқали ўша мутафаккир муаллифларнинг ўз ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий эстетик қараваларни ифодаловчи асарлардир” [2, 243], – деб ёзди. Искандар мавзуси Алишер Навоийнинг ўз тафаккурини бемолол баён қилиши учун кенг имконият яратган. Таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий Искандарни ҳеч бир сулолага мансуб деб хисобдамайди. Достоннинг ўзида ҳам Навоийнинг Жомий билан сұхбатида бу мавзуга тўхтаб ўтилади. Шунда Жомий бу масалада Низомийга ёндашиб тўғри эканлигини маслаҳат беради. Навоий талқинича, юртга шоҳлик қилиш учун сулоланинг аҳамияти йўқ, инсоннинг тарбияси ижтимоий ҳаётда мухим ўрин тутади. Ўзи бефарзанд бўлган Файлакус Искандарни тарбиясига олади, унга маҳсус одамлар ажратади, кейинчалик уни валиҳад деб эълон қиласди. Бу ҳақда А.Қаюмов: “Инсонпарварлик, одамийлик, ана шундай фазилатларга эга бўлган зотнинг берган тарбияси инсонни шакилантирувчи асосий омилдир. Кишининг подшоҳлар наслига мансуб бўлиши эмас, балки унинг қандай шароит ва қандай одамлар таъсирида бўлиши хал қиливчи аҳамиятга эга. Ана шу объектив воситалар арбоб, хукмронни яратади. Уни шунга муносиб фазилатларга эга қилиб етиштиради” [2, 274], – деб ёзди. Алишер Навоий ўз Искандарини адолатли шоҳ тимсоли қилиб олар экан, унинг келиб чиқишидаги ихтилофларга ҳам ургу бериб ўтирайдади. Ҳатто унинг Куръондаги ўрнига ҳам тўхталмайди. Садди Искандарий тимсолида у адолатли шоҳни кўради. Ўз даври муаммоларини ҳам шоҳнинг хатти-ҳаракатлари мисолида ечишга ҳаракат қиласди. Чунки ўз даври сиёсати ва ижтимоий ҳаёти учун Искандардек подшоҳ зарур эди. Юрт шоҳига айта олмаган фикрларини Арасту ва Искандар сұхбати мисолида ифодалаб кетади. Фарҳод унинг учун қанчалик идеал қаҳрамон бўлса, Искандар ҳам Навоийнинг идеалидаги образ сифатида гавдаланган. Гарчи А.Қаюмов “Искандар идеал инсон ёки қаҳрамон эмас, идеал хукмдор ҳам эмас” [2, 276] деган хуносага келса ҳам, назаримизда, Искандарнинг адолатли шоҳ макомига кўтарилиши ҳам идеалликдир. “Ҳайрат ул-абор” достонида Искандар ҳақида ривоят берилган. Мазкур ривоятда унинг ҳам шоҳ, ҳам валий, ҳам пайгамбар эканлиги қайд этилади. Унинг табиати эса донишмандлик билан ростланганлиги уқтирилади. “Садди Искандарий”нинг бир ўрнида:

“Қаю шаҳ нечукким Скандар эди,
Ҳакими валию пайғамбар эди” [3, 452], –

деб айтилса ҳам, Навоий унинг валий ва пайғамбарлик сифатларига эътибор қаратмаган. Навоийнинг бундай йўл тутишидан Бертельс куйидаги хуносага келади: “Агар Навоий уни пайғамбар сифатида тасвирлаганида, у Ҳусайн Бойқаро учун ибрат бўла олмаган бўлар эди.

Негаки, у Аллох томонидан танланган шахсга айланган бұлар эди. Бу эса Ҳусайн Бойқарода айрим иштибохларни түгдериши мүмкін эди” [1, 286]. “Садди Искандарий” ўз даврида темурый подшохлар учун үзига хос жүрикнома ҳам эди. Навоий талқин қылған Искандар бузғунчи әмас, яратувчи шахс. У дүнёнинг сир-синаотларини ўрганишга ақд қылған. У нафакат юртни, балки үзини ҳам ислох килишга қодир. “Хамса”нинг башқа достонлари каби унда севги-мухаббат мотивларига үкадар күп ахамият берилмайды. Ҳолбуки, Навоий талқин қылған муҳаббат мотивлари ҳам жисмоний истаскаларни әмас, илохий васлни тарғиб киларади. Навоий Аллохга етишувнинг турли йўлларини кўрсатади. Агар Фарҳод ва Мажнун ишқи мисолида илохий васл тарғиб килинган бўлса, Искандар мисолида адолатни үзига шиор қылған ва шу орқали нафсиға қарши кураш эълон қилиб комиллик сифатига эга бўлган шахс намоён бўлади. “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам, “Садди Искандарий”да ҳам битта ривоятга ургу берилган. Бу – ўзими олдидан Искандарнинг қўлини тобутдан чиқариб қўйиши ҳақидаги васияти.

Гарчи асар “Садди Искандарий” деб номланган бўлса ҳам, асосий мақсад Искандарнинг девор курдириши воқеасини баён этиш әмас, балки Искандар ва Арасту мисолида Навоий тафаккурининг бадий ифодаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, турли ривоятлар ҳам асар магзини тўлдиришга хизмат қылған. Ҳусусан, Искандарнинг дарвеш билан қылған сухбати асар喬сигин очишга хизмат қылған. Бу ўринда ҳаёт ва ўлим оралигидаги инсоннинг тутган мақоми тафтиш қилинади. Ҳаёт ва ўлим муаммосининг инсон англамаларидағи ўринини ёритишида, шубҳасиз, асарнинг айриқча аҳамияти бор. Бу достонда Навоий файласуф олим, етук пир, дунё асрорларидан хабардор ҳаким сифатида намоён бўлган.

Адабиётлар:

1. Бертельс Е.Э. Поэма об Александре до Навои. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965.
2. Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд, 2-китоб. – Т.: Mumtoz so‘z, 2008.
3. Навоий Алишер. Садди Искандарий. – Т.: Faafur Fулом номидаги нашриёт- матбаа бирлашмаси, 1991.

**Матёкубова Т.,
Низомий номидаги ТДПУ доценти**

АДАБИЙ ВА АБАДИЙ ДЎСТЛИК, ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Академик Faafur Fулом жаҳондаги қўпгина улуг ёзувчилар, қатор миллӣй адабиётлар, уларнинг атоқли намоёндалари билан ижодий алоқада бўлган. Қўпгина Шарқ мутафаккирларининг асарларини ўқиб-ўргангандан, улардан ижодий таъсирланган. У Садриддин Айний, Абулқосим Лоҳутий, Николай Тихонов, Александр Твардовский, Мухтор Аvezov, Собит Муқонов, Берди Кербобов, Павло Тичина, Микола Бажан, Яқуб Колас, Мирзо Турсунзода, Самад Вурғун, Алексей Сурков, Сулаймон Рустам, Петрусь Бровка, Али Тўқонбов, Георгий Леонидзе сингари забардаст сўз усталари билан ҳамкор ва ҳамфир бўлган. Faafur Fулом ижоди ва фаолиятини кардош адабиётларнинг ҳар бири билан боғловчи анчагина. Шунинг учун ҳам «Faafur Fулом ва қозоқ адабиёти», «Faafur Fулом ва тоғиж адабиёти», «Faafur Fулом ва рус адабиёти», «Faafur Fулом ва белорус адабиёти» сингари қатор мавзуларнинг ҳар бири алоҳидаги таҳжилни талаб этади [1, 47].

Faafur Fуломнинг Абай, Жамбул, Мухтор Аvezov, Собит Муқанов,Ғабит Мусрепов, Габиден Мустафин асарлари билан яқиндан танишилиги қозоқ тилини теран билиши, бу улуг ҳалқ адабиёти ва санъатига чексиз меҳр-мухаббатини ўргасатади. Иккى ҳалқ ўртасидаги азалий дўстликни F. Fулом қозоқ шоири Қувондик Шангитбоевга ёзган жавоб хатида: “Қоплонбекда чироқ ёқилса, Тошкентда қўринади. Чимкентда тўй бўлса, ярим Тошкент қўчиб боради” [2, 34] тарзида образли ифодалаган эди.

Faafur Fулом “Курманбек”, “Манас” сингари монументал эпослар, Тўқтагул Сотилғанов, Тўғалок Мулда, Аали Тўқумбоев, Ч.Айтматов, Т.Сидикбеков, К. Жонтошев,

М.Элбоев сингари кыргиз; Бердақ, Ажиниәз каби қоракалпок; Абдулла Тұқай каби татар; Берди Кербобоев сингари туркман шоишура адиблари ижодини яқындан билар, аслиятда үқирәди.

Дархакиқат, Ф.Гулом 1956 йилда Индонезия президенти Бунг Карно билан учрашув чөғида сүзлаган нұтқида: “*Киши рухининг олий ифодаси бұлған санъат ва адабиёт халқтаримизни бир-бирларини тез англашлари үйлідеги құлай воситаларданың*” [3, 207], – дея тақидағанида тұла ҳақлы эди. Демек, у 50-йилларда адабиётта санъатта иккита улуғвор хусусиятни құрған. Улардан бириңчиси, инсон рухининг олий ифодаси бұлса, иккінчиси, жағон халқтарининг бир-бирларини тез англашларидаги коммуникатив воситалик ролидир.

Атоқлы ҳинд ёзувчиси Премчанд (*Жаннат Рай Шириавастава*) нинг ҳаёти ва “*Ватан севгиси*” хикоялар түплами, “*Мұхаббат гүшаси*”, “*Саҳна*”, “*Алдов*”, “*Күрбонга атаплан сиғири*” сингари ижтимий романларини тадқик этар экан, Ф.Гулом нафакат Премчанд да унинг издошлари ҳақида илик сүзлар айтади, балки “*Махабхараты*”, “*Рамаяна*” эпослари, шунингдес, Мадхусудан Датт, Анте Динабанду Митра, Рабиндрант Тагор, М.Гупта да бошқалар үз асарлари билан “*миллий онгни, инсоний түйгүларни үйгөтілділар, асортатиларға қарши курашаға дағырат этділар*”, – дейді. Англашиладықи, Ф.Гулом 1955 йилда классик ва замонавий адабиёттін китобхон оңг за түйгүларига таъсир етүвчи дағыткор күч деб билған. Шунинг учун ҳам у Премчанднинг: “*Адабиёт миллилар учун қон берадиган озиқидір*” [4, 211], – деган сүзларини алохіда қадрлайды. Ёзувчининг қарашлары, ғоявий-эстетик позициясини муттасил үзгаришдаги феноменал ҳодиса сифатида олиб текширады, бу билан адабий танқидни ҳаракатдаги эстетика сифатида тушунишини құрсағады. Ф.Гулом Ҳамид Ораслиға биттган мактублары, Нозим хикматдан қылған таржималари унинг озарбайжон ва усмонли турк тилларини чукур үзлаштырганлыгини құрсағады.

Умуман, кеңг күләмли, салмоқлы адабий дүстлик да ижодий ҳамкорлық самарасти үларок Fa�ур Гулом ижоди үйлден-үйлігде такомиллашиб, поэтик жиҳатдан сайқалланиб борди.

Адабиётлар:

1. Fa�ур Гулом да давр (*«Fa�ур Гуломнинг янги үзбек адабиёті таракқиетидаги үрни»* мавзусидаги илмий конференция материаллары) – Т.: Университет, 2003.
2. Fa�ур Гулом. МАТ. Үн иккінчі том. – Т.: Фан, 1990.
3. Fa�ур Гулом. Асарлар. Үн томлик. Саккизинчі том. – Т.: Адабиётта санъат, 1976.

Шоимов А.,
Низомий номидаги ТДПУ ф.ф.н

ХУСАЙН ЖОВИДНИНГ “МОРОЛ” ДРАМАСИ ҲАҚИДА

Хусайн Жовид XX аср озарбайжон адабиёттіннің эмас, балки умумтуркій адабиёттіннің ҳам беназир намояндадағы бири ҳисобланады. У ижодини лирик шоири сифатида бошлаган да ҳаётининг сүнгі дамларигача шөгряды билан машғул бұлған эса-да, үзининг ижодий камолоттін драматургияда топады. Адіб бутун фаолияти давомида бир неча шөгрій түпламалардан ташқари, “Она”, “Морол”, “Шайх Санъон”, “Иблис”, “Оғат”, “Үпкон”, “Шайдо”, “Пайғамбар”, “Амир Темур”, “Князь”, “Сиёвш”, “Хайём”, “Иблиснинг интиқоми”, “Шахло” каби 14 та драма ёзған. Ижодкор тафаккур тарзининг үзігін хослиги да орынналғы туфайли түрлі мавзудагы бу асарлар озарбайжон драматургиясы ривожида янғы бир даврни бошлада берди. Бундан ташқары улар миллий саҳна маданиятининг үсіншігінде қардош халқлар драматургиясы ривожига ҳам баракали таъсир күрсағады [1].

Хусайн Жовиднинг “Морол” драмаси 1912 йилда яратылған. Асарда XIX аср охирі, XX аср бошларидаги ҳаёттің фожиавий жиһатлары акс этади. Асар марказыда 15-16 ёшлардаги кимсасиз мәсүсма киз Морол фожиаси тұрады. Драматург бутун асар давомида Морол фожиаси сабабларини бадий инкишоф этади. Ижтимои тәнгизсизлик, адолатсизлик,

хурофт ва жаҳолатнинг авж олиши ожиз ва ҳимоясиз одамларнинг, шу жумладан, Морол фожиасининг туб сабаблари сифатида намоён бўлади.

Морол акли, тарбияли ва гўзал бир киз. У ўн беш ёшида кутилмагандан отасидан жудо бўлади. Бундан фойдаланган катта мулк эгаси Турхонбей уни онаси ва севиклиси Арслондан айриб никоҳига олади.

Муаллиф драмада миллат таназзулига сабаб бўлаётган, янгиланишларни, хотин-кизлар озодлигини кўра олмайдиган жаҳолат ахлининг келишиб бўлмас адоварини кўрсатишга харакат қылган. Ҳумойнинг очик юз билан юришини кўриб ғазабланган шахар қозиси Турхонбейга: “Келининг ислом кизи бўлгани ҳолда христианлардан фарқ қилмайди”, дея таъна қиласди. Шу ўринда муаллиф мазкур масалага нисбатан ўз қарашларини Нодирбей тилидан қўйидагича билдиради:

Н о д и р б е й. Билмадим. Фақат, менимча: шариат инсонларнинг најсом ва саодати учун яратилган бир қонундир. Ҳалқни ҳалокатли гирдобларга иттарувчи бир қонун эса ўта чирик ва маънисиз бир афсона демакдир. Щундай экан, ислом шиори ҳам, турклик табиати ҳам аёлларга “ёпин” деб асло мажбур этмас... [2]

Асаддаги Нодирбей ва Чингизбейлар Турхонбейлардан ўзларининг маърифатпарварлиги ва миллатпарварлиги билан тубдан фарқ қилишади-ки, бу ҳолат улар иштироқи билан боғлиқ эпизодларда яққол намоён бўлади.

Драмадаги ота-бала – Турхонбей ва Жамил ўзларининг тафаккур ва маънавий-ахлоқий масаласига кўра ўзаро тубдан фарқ қиладилар. Драматург ота ва ўғил муносабатлари воситасида икки ижтимоий куч – маърифат ва жаҳолат ўтасидаги айрмани бадиий гавдалантиради.

Ҳ.Жовид “Морол”да фақат саодатли ҳаёт, эркин муҳаббат масалаларигагина эмас, балки Ватан ва Миллат тақдирни масаласига ҳам катта эътибор қаратади [3]. Ўтган аср бошлиридаги кўплаб миллатпарвар сиймолар каби Ҳ.Жовид ҳам бутун туркий халқларининг озодлиги, уларнинг қадр-қиммати хусусидаги ғояларни илгари суради. Ҳ.Жовид, ўзининг ғоявий-бадиий ниятини бир ўринда асар қаҳрамонларидан бўлган маърифатпарвар ва хурфикар Чингизбей хамда Нодирбей тилидан қўйидагича ифодалайди:

Ч и н г и з б е й (у ёқдан бу ёққа юриб, ўта асабий). Афу этинг, афандим! Бундай чирик ҳақиқатлар бир неча бўши бошларгагина сизши мумкин. Муҳокамали бир одам, бу каби бўхтонларга асло қулоқ бермас. (Янада шиддатли). Озроқ инсоф қиласлик, мана ҳар миллатнинг тарихи майдонда... Ажнабийлар буюк Искандар, буюк Наполеон деба ўз қаҳрамонларига обидалар қўяётирлар, ҳақикаллар тикилаётирлар. Фақат бизлар!. Бизлар эса Тўмур каби қаҳрамонларни қонхўр, вахший деба айблаймиз.

Б е й и ў л а т (Чингизбейга). Тўғриси, бу хусусда мен сен билан ҳамфирман. Ҳақиқатан, миллатимиз ўта сўнук, ўта муҳокамасиз... Доимо душман оғзидан эшиштан бўхтонларни бир ҳақиқат билib, шунга кўра сўз сўзлар. Ҳамда бу бўхтонлар, бу ҳақоратлар Шарқ китобларига маҳсус ўта бир ҳаққислизикдир.

Муаллиф жамиятдаги аёллар ҳуқуқсизлигини тасвирлар экан, Морол билан бир қаторда озод ва эркин ҳаётга интилаётган кизларни Ҳумой образида акс эттиради.

Морол Озарбайжонлик бўлса, Ҳумой Догистонлик. Аммо уларнинг кисмати ўхашаш. Иккиси ҳам “қалбигина эркин асиralар”. Ҳумой ҳам Морол каби мактабда ўқиган. Йигирма икки ёшида – ҳали ҳаётда хеч нарса кўрмаган бир пайтда уни бутун умрини клуб ва театрларда ўтказадиган, бегам ва беташвиш ҳаёт кечирадиган Шоҳморбей исмли офицерга унаштириб қўядилар. Ўзга юртларда нишонлиси Ҳумойни унугтган Шоҳморбей айш-ишрат ва фоҳишабозликка берилиб кетади. Бошқа бир кизга илакишиб қолиб, охир-оқибат ўзини ўлдиради. Ҳумой олдида энди ҳаётнинг янги йўллари очилади. Боржомдаги курортда дам олаётган пайтда Ҳумой озарбайжонлик Жамил исмли ёш, хурфикар ҳуқуқшунос йигитни учратади. Улар бир-бирларига кўнгил қўядилар. Аммо уларнинг муносабатларига Турхонбей кескин қаршилик кўрсатади.

“Морол” драмаси ҳақида фикр юритилганда, хурофтотга қарши кураш, миллий ўзликинглаш, миллат тақдирни ҳақида қайғуриш каби масалалар ўзбек жадид адабиётига ҳам

дахлдор эканлигини кузатиш мүмкін. Хусусан, М.Бехбудийнинг “Падаркуш”, Ҳамзанинг “Заҳарли ҳәёт...”, А.Авлонийнинг “Биз ва Сиз”, Чўлпон қаламига мансуб бир қатор насрий асарларининг етакчи ғояси ҳам жаҳолатта карши кураш, Миллат ва Ватан тақдирни каби мотивлар билан сугорилганлигини айтиши жоиз [4]. Шу боис Ҳ.Жовид асаридаги фожиавийлик бергина озар ҳалқи учун эмас, балки Туркестон ҳалқлари учун ҳам хос эканлиги, уларнинг келиб чикиш омиллари ҳам бирдай ёки бир-бирига ўхшаш эканлиги маълум бўлади. Ўзбек жадид адабиёти вакилларини ташвишлантирган, миллат келажагига рахна солаётган жамиятдаги ижтимоий тенгислизик, жаҳолат ва нодонлик сингари иллатлар Ҳ.Жовидни ҳам изтиробга солади. Драмадан олингандан бизга ниҳоятда таниш бир ҳолатга эътибор каратайлик:

Т у р х о н б е й. Йўқ, менинг ўғлим бўлса, ҳабарсиз иш қўлмас. Унга шундай бир қиз топайки, ҳамто тушида ҳам қўрмаган бўлсин. Ҳам гўзал, ҳам ота-онасининг яккаю ягонаси, ҳамда ниҳоятда бой.

Н о д и р б е й. Менимча, гўзаллик завққа оид бир нарсадир. Сарват эса, ўйлаганингиз каби инсонни жуда ҳам маъсуд эта олмас. Бир қизни сарвати учун эмас, дилхоз ва тарбияли бўлгани учун олурлар.

Т у р х о н б е й. Нодир! Нодир! Ҳеч бир ҳис, ҳеч бир кувват, ҳеч бир ер йўқки, у ерда олтини, кумуш роль ўйнамасин. Амин бўлгинки, дунёнинг бутун иззати, бутун саодати фақат пул билан қўлга киритиласди.

Н о д и р б е й. (ўрнидан туриб). Ҳа, ҳамма нарса пул билан қўлга киритиласди, ишлап фазилат ва инсоният!..

Т у р х о н б е й. Йўқ! Йўқ!.. Фазилат ҳам пулладир, инсоният ҳам... [2]

Нодирбей Турхонбейлардан тубдан фарқ килади. Бу фарқ унинг маърифатпарварлиги ва тараққийпарварлигига намоён бўладики, бу ҳолат унинг иштироки билан боғлиқ юкоридори диалогда кўзга ташланади.

Нодирбей билан ёйма-ён Турхонбейлар, қозилар мухитида ўсган янги авлод вакиллари – Жамил, Хумой, Арслон ва Мороллар ҳам оила ва никоҳ масаласида мугаассиблика қарши чикадилар. Гарчи улар нобоп, норасо мухитда ўсган бўлсалар-да, улар бу мухит одат ва анъаналаридан, ахлоқ мөъёрларидан йироқдирлар. Айни пайтда улар бошқа бир ҳаёт тарзи, ёрқин келажак орзузи билан яшайдилар, ҳаракат киладилар. Оилавий ҳаётни ҳам янгичасига куришга отланадилар. Бироқ эскилил хурофот улар йўлига ғов. Мана шу туфайли янги авлоднинг фожией ҳаётни хотима топади.

Драма ўз моҳият-эътибори билан фожиа жанрига мансуб. Драматург давр ва шахс фожиасини ўткир драматик сюжет коллизиялари воситасида кўрсатиб беради. Гарчи асар Турхонбейнинг рашик туфайли ёш ва мафтункор хотини Моролни ўлдириши билан якун топса-да, аслида бу асосий фожиа эмас. Бу бергина Морол фожиаси, холос. Аслида фожиавийлик драманинг бошидан то охиригача қаҳрамонлар қисматига дахлдор воқеалар оқимида, миллат фожиасини ўзлари англаб, ўзга миллатдошларига англатишдан ҳозирча ожиз бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг изтиробларида сезилиб туради.

Адабиётлар:

1. Мамед Ҷ. Гусейн Джавид. – Баку: ЭЛМ, 1982. – 29 с.
2. Чавид Ҳ. Әсрарлари 5 чилддә, 2- чилд. – Бакы: ЭЛМ, 2009. – 34 с.
3. Яғмур З. Инсан ахтарышында. – Бакы: Күнәш нәширийаты, 1998. – 25 с.
4. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 251-268, 385-6.

Эргашева Ш.,
Низомий номидаги ТДПУ доценти

ҚОЗОҚ ШЕҮРİЯТИДА ҚАРДОШЛИК МАДХИ

Үзбек ва қозоқ халқларының қон-кариндошлик ришталари жуда қадим замонларга бориб туташади. Азалдан бир дараҳтнинг икки шохига қиёсланган бу халқларнинг нафакат тили, урф-одати, турмуш тарзи, адабиети ва санъатида ҳам муштараклық мавжуд. Ҳар икки халқ оғзаки ижоди намуналари бағоят үшшаш.

Козок халқының севимли фарзанди Абай буюк мұтафакир Навоийни үзига устоз деб билған ва унинг ижодидан рухланған. “Маҳбуб ул-кулуб” ва “Насиҳатлар” мазмунан яқинлиги бежиз эмас. Faғұр Ғулом ва Собит Мұқанов орасындағы дұстлик ҳар икки халқ фарзандлари учун ибрат намунаси бұлған. Мұхтор Аvezov ва Ойбек ҳамфирлиги “Навоий” ва “Абай үли” асарларыда яққол сезилиб туради. Үз даврида Абдулла Қодирий ижоди барча түркій тилдеги адабиёт ихлюсмандарының юксак әзтироғыға сазовор бўлған. Бу ҳақда Мұхтор Аvezовнинг: “Абдулла Қодирий (Жулқунбой) романлари пайдо бўлиши билан гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай бўлди. Унинг асарларини Курмонғози ёки Чайковский кўйларини тинглагандай, дам олиб, мирикиб, гашт килиб ўқиди киши”, деган сўзларини келтириб ўтиш кифоя.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек-қозоқ ўртасындағы дұстлик, ўзаро ҳурмат ва кон-кардошлик ҳар икки халқ адиллари учун битмас-туганмас илхом манбаи бўлиб келган ҳамда уларнинг ижод намуналарида ўз ифодасини топган.

Адабиётшунос Е.Абдувалитов “Миллий мактабларда қардош халқлар адабиетини киёсий ўрганишнинг методология асослари” деб номланған тадқиқотида “70-йиллар қозоқ шеъриятида “ўзбек” мавзуси айниқса жадал ривожланып: *М. Халимжонованинг “Дугонамга”, К.Шонгитбаевнинг “Дұстим Миртемирга”, М.Иштаровнинг “Дұстлик”, С.Мұқановнинг “Менинг республикам”, Ж.Молдагалиевнинг “Тошкент билан учрашув”, Г.Усмановнинг “Дұстлик қўшиги” ва “Қардошлиқ” шеърларини мисол келтириш мумкин. Д.Абшовнинг “Ўзбек – менинг биродарим”, Т.Ароковнинг “Ўзбекистонда”, Ж.Сиздиковнинг “Қандош ўзбек халқига”, С.Жиенбаевнинг “Оғам ўзбекка”, Б.Исхаковнинг “Ўзбек халқига” каби кўплаб асарларыда қозоқ халқынинг ўзбек биродарига муҳаббати акс этганини қайд этади*”, деб ёзди [2, 57].

Сўнгги ийллар қозоқ шеърияти намуналари билан танишар эканмиз, бу анъана ҳануз бардавом эканига ишонч ҳосил қиласмиш. Мағжон Жумабойнинг “Туркестон” шеъри нафакат ўзбек ва қозоқ, балки қадим Туронда истиқомат қиласувчи ҳар бир халқ фарзанди қалбida она заминга муҳаббат уйғотиши шубҳасиз.

Туркестон – икки дунё эшиги бу,
Туркестон – ҳар бир туркнинг бешиги бу.
Туркестон – тангри берган мукаддас жой,
Туркестон – ҳар бир туркка сочар ёғду [1, 162].

Шоир Туроннинг бетакрор табиати, тоғу-тошлари, дарё ва чўллари таърифини кўтарики мисраларда кўйлайди. Шу билан бирга, кўхна заминнинг долғали ўтишини ҳам ёдга олади. Кайхисраву Зулкарнайнни мафтун этган бу тупроқнинг довругини дунёга таратган Афросиёб ва сохибқирон Амир Темур шавкатини хотирлайди.

Туронни мактамайман манманликка,
Дөвругин билар унинг олис-чекка.
Англамок борасида юлдуз сирин
Ким бордир – тени келолса Улутбекка! [1, 164]

Беруний, Ибн Сино, Форобий сингари алломаларни вояга етказған юрт ҳар қанча фаҳрланишга арзиши, қозоқлар түркій халқларнинг бир парчаси, бўлаги эканини таъкидлайди. Она заминга муҳаббат, ватанпарварлик ва юртсеварлик гоялари мазкур шеърнинг лейтмотивини ташкил этади.

Фали Ўрмоновнинг “Дўст мадхияси” шеъри эса ўзбек халқига мурожаат тарзида битилган.

Томирдош, биз азалий дўст эканмиз,
Бу бокқа не эксак, кўш экканмиз.
Шу туйғуни улуғламай, куйга солмай,
Дейман, нега шунча маҳал буш ўтганмиз? [1, 165]

Лирик қаҳрамон шунча вақт дунёдан бехабар юрганига, ҳатто Самарқанду Зарафшонга ҳам келмаганига ўқинади. Ўз уйидан чикмаган инсонга дунё тор бир макон булишини, Олатовнинг адирини чўқки санаб ўтиб кетишига ишора қиласди. Ушбу шеърда ҳам Туркистонга Ватан, унда яшовчи халқларга эса қариндош сифатида қараш мавжуд.

Faғу Қайирбековнинг “Самарқанд” шеърида замин сайқалининг бетакрор маҳобати, “Улуғбек” шеърида эса буюк мунахжимнинг инсоният олдидаги буюк хизматлари ёдга олинади. Шоир Самарқандни афсонавий олтин қасрга қиёслар экан, асрлар довонидан магрур ўтиб келаётган бу шаҳарни Туроннинг салобати дея таърифлайди.

Ким бор – унинг тошларини силамаган,
Ким бор – уни кўрмокни бир тиламаган.
Унадидир улуғ меъмор соҳир кўли –
Асрлар шамолини эламаган [1, 166].

Шоир кўхна Самарқандни халқимизнинг бемисл тафаккури ва қудрати маҳсули эканини таъкидлаб, уни ўзбекнинг жони билан ўтирилганини айтади.

Ҳамид Эргалиевнинг “Зарафшон бўйида”, “Яна келдим Тошкентга”, Қодир Мирзалиевнинг “Бухоро бозори”, “Хусайн Бойқаронинг вазирларига дегани”, “Танти юрак” шеърларида ҳам халқимизнинг юксак салоҳияти, бағрикенглиги ва тантилиги таъсирчан мисраларда кўйланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, замонавий туркий шеъриятда Туркистон заминида яшаётган халқлар ўртасидаги бирдамлик ва дўстлик ғоялари кенг тарғиб килинмоқда.

Адабиётлар

1. Жаҳон адабиёти журнали. – Тошкент, 1999. 9-сон.
2. Е.Абдувалитов. Миллий мактабларда қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганишнинг методологик асослари. – Т., 2008.

Төртқулбаева Т.,
Әжинияз атындағы НМПИ аға оқытушысы

ҚАРАҚАЛПАҚ АЙМАҒЫ ҚАЗАҚ АҚЫН-ЖЫРАУЛАР ШЫГАРМАШЫЛЫҒЫНДА ЖЫРШЫЛДЫҚ ДӘСТҮР

Үлттық казак фольклоры мен классикалық әдебиеті осы үлттық ареал-аймақтық, этникалық тобының немесе жеке бір жазушы, ақын шығармашылығының пайда болу және қалыптасуында негізгі фактор болатыны қарақалпак аймагы ақын-жыраулар шығармашылығы үшін таңданатын жаңаңық емес. Себебі, бұл аймактағы қазак ақын-жыраулары бірден жоқ жерден пайда болған саз және сөз өнері иелері емес еді. Олардың кейірі тұған жұртта жүрген уақыттарда-ақ үлкен өнер іелері сипатында аты шыққан, халық арасында кеңішең таныс жыршы-жыраулар және ақын-жыраулар еді. Олар жаңа үлттық ортага келгенде, тек өздерін, бала-шағасын, мал-мұлқін алып келүмен шектеліп қалған жоқ, өздерімен бірге ата-бабасынан келе жатқан көп ғасырлық көніл мұлқі, рухани дүниесін де алып келді.

Ең негізгісі – олар өздері жол азабынан талай қызындық көріп, талай құрбандықтарға кездессе де, халықтың сан мың ғасырлық бай фольклоры мен классикалық әдебиестің бай үлгілерін жад сандығында ардактап ұмыттай сақтап, бұзбай сол сұлу қалпында алып келді. Бұл дүние өздерінің де, халқының да рухани күші еді. Соңдықтан да олар жаңа үлттық

фольклор, немесе жаңа үлттық әдебиет жаратамын деп уақыт мәселесінде де, шығармашылық еңбек мәселесінде де онша ұзақ уақытты күткен жоқ. Олардың бірінші кезектегі міндетті осы қолдағы бар байлыкты жогалтып алмай, таза қалпында жад сандығында сактау, оны халық арасына тарату, халыққа рухани азық ету, байыту және бұдан ері карай дамыту еди.

Жаңа үлттық орталық, қонысқа көшпен бірге келген мұндай талант иелері жогарыдағы міндетті өз халқының патриоти және үлкен сөз, саз шебері сипатында жанашырылғып адал атқарды. Бұл міндетті атқаруда олар өз халқының бай фольклоры мен әдебиеттін түдірушы ақын-жыраулар мұрагері сипатында майданға келіп, олардың көп жылдық көркем-эстетикалық дәстүрлерінен, орындаушылық және шығармашылық ұқыптылығынан мұжият пайдаланы.

Солай екен, қарақалпақ аймағы қазақ фольклоры менен қазақ әдебиеті, өзінің пайда болу және қалыптасуының алғашқы дәүірлерінде осы түбебегілі дәстүр көрінісі сипатында келіп шықты десек, асыра айтқан болмаймыз. Бұл өз кезегінде осы аймақ әдебиетшің үлттық тамырларын беріп етуші, үлттық ерекшелігін қамтамасыз етуші және жаратушы негізгі үлттық, көркем-эстетикалық факторлардан есептеледі. Олай болса, бұл мәселеге аз да болса да арнайы тоқтап ету, әлбетте, мақсатқа сай екендігі өз-өзінен белгілі.

Жоғарыда айтқанымыздай, XIX ғасырдың екінші жартысы мен XX ғасырдың басы қарақалпақ аймағы қазактары тарихтың ең бір ауыр, аса ұлы міндеттерді шешу тиіс ең жауапкершілікті қын да, күрделі кезеңдері болды. Ең басты қыннышылық, олар бұл дәүірде қарақалпақ аймағына, кейібір жерлерде ауыл-ауыл, немесе ру-ру бір қауым болып оқшаша орналасып, толық отырықыланып, биологиялық тіршілігін сактап қалуы үшін материалдық негіз тауып, шаруаларын тіктеп алғанымен, ендігі жағы қалай болады, өз тілімізді өз әдет-ғұрметтікізді, дәстүр-салттымызды, үлттық тіліміз бен үлттық жәдігерлігімізді, мәдени мұраларымызды сактап қалып, оны бұдан барлық оркендете аламыз ба, яки бұл аймактың негізгі ислері болған қарақалпақтарға қосылып, ассимиляцияланып кетпейміз бе, деген мәселелер еді, яғни бұл дәүірдегі қарақалпақ аймағы қазақ этнотобына өздігін сақтап қалу күн тәртібіндегі ең басты мәселе болды.

Мұның жақсылықта жоритын ұнамды жауаптарын бәрінен бұрын сол дәүір қарақалпақ аймағы қазактарының этнотобының басшылары, яғни айтқанда осы көшті бастап келген, ру билері мен ақсақалдары, батырлары, ең негізгісі-өз дәүірлерінің алдыңғы қатар өкілдері болған, халықтың көрер көзі және сөйлер сөзі есептелеғін жыршы, жыраулары мен ақын-жыраулары билетін де еді. Сол үшін де олар үлкен үміт және сеніммен халықты бұл аймакқа бастап келді. Себебі, бұл аймақ-олардың назарында халықты саяси-рухи және табиғи апатшылықтан уақытша сақтап қалатын физио-биологиялық баспана орталығы емес, ал оның өздігі, руханиятын, жәдігерлігін, үлттық белгісін де аман сақтап қалатын және одан еріп еркендегу көн мүмкіндігі бар, қолайлы, үлттық-мәдени орта еді.

Олардың ойынша, буд үнин толық тарихи негіздер болды.

Біздіңше, бұл пікірлерде объектив шындық бар. Шындығында да, XIX ғасырдың екінші жартысы мен XX ғасыр басында Қарақалпақ аймағында қазақ этнотобының халық сипатында үлттығын, өздігін сақтап қалуына және еркендегуіне мүмкін болған қолайлы әлеуметтік-экономикалық, мәдени, моральдық-психологиялық, рухани объектив жағдайлар және үлтаралық геосаяси, геогенетикалық үлттық этноорталық бар және қалыптасқан еді. Бұл объектив жағдайлар темендеғі факторларда көрінеді:

- 1) Қарақалпақтар аймағының ежелгі Хорезм цивилизацияның бір бөлігі болғандығы;
- 2) Бұл аймақта жасаушы түркі халықтар (қарақалпақ, өзбек, қазақ, түркмен) этнотобының тарихи-генетикалық жақындығында, тілі, діні, салт-дәстүрі, мәдениетінің ұқсастық белгілері;
- 3) Ен негізгісі-олардың туыстық, достық қатынастарында.

Бұл факторлар шындығында да, қарақалпақ аймағында қоныстанған қазақ этнотобын, өздігін сақтап қалуға көмектесумен бірге оны байытуға және дамытуға да үлкен ықпалын тигізді. Осы дәүірлердегі қарақалпақ аймағы қазақ әдебиетіндегі дәстүр және

жапандылык мәселесін зерттеуші ғалым, профессор Қ.Жұмажановтың айтқанындай, бұл аймақта іргелес отырған осы түсін халықтардың достығы, бауырмалдығы қазак этнотобының басына тар жол, тайғақ кешу кез болған қиян-кескі, аласапыран заманда бұл қыйыншылықтарды женуге көмектескен, қыз алысып, қыз берісін, төсекте басы, төсеккеде малы қосылып, бір ниетте, бір мақсатта есіп, үрім-бұтағын тен тәрбислеген.

Мұндай туыскандық байланыс ізі фольклорлық және әдеби мұра шығарушыларына де өз ықпалын тигізген. Сондыктан бірінің жырын екіншісі той-думандарда, мерекелерде жатсынбай орындаған.

Екіншіден, мұндай байланыстар олардың саз және сез шебері сипатындағы даралық шығармашылығының дамуына да жаңа бағыт-бағдарлар берін отырған [2,17].

Жалпы, жогарыдағы тарихи-генетикалық факторларды қарақалпақ аймағы қазак ақын-жыраулар мұраларының сақталуына, өз алдына дамуына үлкен мүмкіндік жаратып берген факторлар деп бағаласта болады.

Қарақалпақ аймағындағы қазак фольклоры мен әдебиеті, анығырагы осы аймақтағы жырау-акындар мұрасы бірінші кезекте үлттық мәдениеттегі мұрагерлік дәстүрлінің жемісі сипатында көліп шықты. Мұның себебі – бұл мұра (қарақалпақ аймағы қазак ақын-жыраулар мұрасы) тұтас бір үлттық қазақ фольклоры мен әдебиетінің ажырамас бір бөлігі және ерекше бір түрі болғандықтан, XIX және XX ғасырдың бірінші жартысындағы бір тұтас қазақ фольклоры мен әдебиеті өзіне дейінгі бұл әдебиет түрлерінен қандай ақын-жыраулар шығармашылығын мұра етіп қабыл алған болса, мұндай мұрагерлік дәстүрі осы дәуірдегі қарақалпақ аймағы қазақ фольклоры мен әдебиетінде де өз көркем көрінісін тапты. Сол үшін де XIX ғасырдың екінші жартысы мен XX ғасырдың бірінші жартысындағы жырау, ақындар шығармашылығы қандай болды деген сұраққа жауап іздеуден алдын «олар сусындаған, рухани-эстетикалық азық алған бұл мұралар қандай еді» деген сұраққа жауап беріп кеткен мақсатқа сай болады.

Мақаламыздың көлемі және мақсаты бұл мұралардың әр біріне анық және кең түрде тоқтап кетуді және талдауды көтермейтін болғандықтан, біз олардың жалпылық келбетін көлтіріп кетумен шектелеміз.

Осы көзкарастан бұл мәселеге көз жіберсек, қарақалпақ аймағындағы қазақ ақын-жыраулар мұрасы өзінің жанрлық, формалық қасиеттері, суреттеу тәсілдері мен басқа да көркем-эстетикалық сипаттары, жыршылық, жыраулық және ақындық, жалпы саз және сез өнері дәстүрлөрі бойынша өзіне дейінгі бір тұтас үлттық қазақ фольклоры және әдебиетінен түбегейлі айырылмайтын еді.

Сол үшін де біз «Қарақалпақ аймағындағы қазақ жырау және ақындары мұрасы түрлері» дегендеге бірінші кезекте бір тұтас үлттық қазақ фольклорының түрлерін көз алдымызға келтіреміз. Атап айтсақ, бір тұтас үлттық қазақ фольклорындағы лирикалық жанрларға кіретін тұрмыс-салт жырлары ма (төрт түлік туралы өлеңдер, наурыз өлеңдері, қыз берінші жырлары, жарапазан, бәдік, той бастар, жар-жар, беташар, ойын-сауық ән өлеңдері, жаңылтпаши, етірік өлеңдері, коштасу, жоқтау өлеңдері және т.б.), эпикалық жанрдагы ертегі және халықтың ауызша проза түрлері болған аңыздар, шешендік сездер, мифтер ме, ірі эпостық шығармалар «Алламыс батыр», «Қобыланды батыр», «Ер Тарғын», «Қамбар батыр» жырлары мен «Қозы Еркін-Баян сұлу», «Қызы Жібек», «Айман-Шолпан» сияқты гашық жырлары ма – бәрі, бәрі қарақалпақ аймағы қазақ ақын-жырауларының пір тұтқан үлттық-рухани мәдени мұралары еді. Сондыктан да қарақалпақ аймағы ақын-жыраулары, бұл үлттық-рухани эстетикалық дүниенің заңды мұрагерлері болып есептеліп қоймastaн, оның жанды орындаушылары, таратушылары және ұқықи қайта шығарушылары да болды. Олар бұл бай мұраны орындау, тарату және қайта шығару арқылы өздерінің дара шығармашылық өнерлеріне де үлкен негіз салды.

Әдебиеттер:

1. Бердібаев Р. Қәусар бұлак. – Алматы. 1989.
2. Жұмажанов Қ. Қарақалпақ аймағындағы қазақ әдебиеті. – Алматы, 2006.
3. Қарақалпақстан XIX ғасирдин екінши ярымынан XXI ғасирге шекем. – Нөкис, 2003.

Ахмедова В. А.,
Низомий номидаги ТДПУ катта үкитувчысы

ОБРАЗЛИ ТАЛҚИНДА ДРАМАТИРГ МАХОРАТИ

Адабиёттада үз сүзини айтиш, ижтимоий ҳаёт күн тартибига күйгап вазифаларни үзіде ҳал қилишга интилиш, шу орқали үзлігінін топиш ва замондошлар билан алоқа, үзаро таъсирға киришиш іжоднинг зарурый шартидир. Дарвоке, адабиёттада үзидан олдин эришган ғоявий-бадиий тажрибани үзлаштырип олмасдан туриб, үзаро таъсир хам күтилған ҳаётін натижана хам бұлмайды. Шу болис бадиий іжодға хос аңызана іжодий индивидуалликнинг шаклланиши ва камол топишида үзіга хос маҳорат мактабидир. У ранг-баранғ усуулар, тасвирий воситалар йигиндисигина эмас, балки даврнинг ижтимоий талабларига жавоб беріши йүлида адабиёт эришган улкан тажрибалар хазинасиidir. Миллий истиқолол даври ёзувчиларға іжод әркіни инъом этгани боисми ёки истиқолол таъсирі натижасыда мудраб ёттан онг үйғонаётган ва бу үйғониш таъсиріда шаклланыётган тафаккур жамиятнинг тарихий янгиланаётган ва тараққиет инъикоси сифатида бадиий эстетик компонент вазифасини бажарар экан, драматургиямизда бир қатор драмаларнинг юзага келишини табиий ҳол деб қаршиламоқ керак.

Миллий истиқолол шарофати билан үзбек драматурглари бутунги кунда жаҳон драматургиясі билан мулоктота киришмокдалар. Жаҳон драматургиясыда құлға киритилған ютуқлар ва бой берилған имкониятларни үрганиш, англаш, таҳлил қилиш ва қашф этиш драма табиитининг үзіга хос бадиий хусусиятларини, жанрнинг тараққиет тамоилларини аниклашға имкон беради. Бу даврда яратылған драмаларда, табиийкі, бириңін навбатда шу давр кечтеган замон, вокелик, шу вокелик ичра кечмиш тақдир – инсон муаммолари талқин этилади.

Янгиланаётган жамиятта миллий истиқолол таъсиріда Инсон онгода, рухиятида кечәйтган покланиш жарайғын драмада үз инъикосини топар экан, табиийкі, инсон ҳаёти үзіга хос мураккабліктер, зиддиятлары билан биргаликда талқин этилади. Бадиий іжоднинг бошқа турлары қатори драматургия хам кишиликнинг маңнавий әхтиёжи натижасыда майдонға келади ва үнга эстетик завқ- шавқ бағишилайды. У бу вазифаны маңлум дунёқрашни бадиий ифодалаш ва образлар ёрдамида эмоционал таъсир күрсатып орқали адо этади. Шунинг учун хам драма ва уннинг қаҳрамонлари үз даври учун мұхим бұлған. Жамият ҳаётінде пишиб етилаётган тенденцияларни күтәріб чиқмоги керак. Буннинг учун драматург жамиятнинг илғор кишиси, уннинг “құзи”, “қулоги” булып сергакланиб турмоги лозим.

Дунёқрашда юз берган үзгариши ва янгича ҳаёт ходисаларини қабул қилиш билан уларни бадиий ифодалаш хаммага хам бирдек тез мұяссар бұлавермайды. Бу ёзувчининг тайёрғарланағы, савиғасы, маҳоратига, шахсий-интеллектуал томонларига болгилайды. Демек, бадиий іжоднинг иккі мұхим томони – ҳаётни бадиий тушуниш ва уни акс эттириш принциплары хамма вакт үзаро мос ва бир-бириниң тасдиқлаш храктирида бұлавермайды. Зотан, ҳаётни англаша конкрет асарда үз бадиий шакли билан намоён бұлса, янгича дунёқрашнинг кириши, уннинг санъаткөр томонидан қабул килиниши үз-үзидан бадиийлашған холда асарда күрсатыш керак бўлади.

Ёзувчи ҳаётни бадиий образларда, бу орқали инсоний характерлерарда акс эттирада экан, ҳар бир бадиий асардаги фикрни ифодалаш шакли, ёритиши формаси манбаи характерерга, уннинг алоқаси, роли, үрни ва тақдирі мазмунига, хуллас яратилиш хусусиятларига бориб тақалади. Ҳар бир асар бадиийлик билан сугорилған бўлиши лозим. Бадиийлик – іжодий рухий фаолияти маҳсулі үлароқ дунёға келган асарнинг санъатта мансублигини белгиловчи

хусусиятлар мажмун. Образилик санытнинг ўзак хусусияти бўлиб, у йўқ жойда бадиийлик ҳам мавжуд эмас. Бадиийлик тарихий категория саналади, унинг талаб ва мезонлари ҳар бир даврнинг маънавий-эстетик эҳтиёжлари, бадиий диди билан боғлик ҳолда ўзгариб туради. Истиқлол даврида яратилган драмаларда ҳам бадиийлик ўзига хос шаклда намоён бўлади.

Драманинг тасвир предмети – ҳаракат, у обьектнинг пластик образини яратади, драмада – субъект – ижодкор шахси ҳам обьектга сингдириб юборилади. Агар булар драманинг турга хос белгиловчи хусусияти бўлса, драматик асарнинг курилиши, поэтик ўзига хослигини белгиловчи энг муҳим хусусият унинг саҳна учун яратилишидир. Яъни саҳнага мўлжаллаб ёзилган асар изжрони ҳам кўзда тутиши зарур бўлади. Шунга кўра драмадаги ҳаракат – сюжет воқеалари макон ва замонда чекланган бўлади. Ижро вақтига сиғиш учун асарнинг кескин конфликт асосида шиддат билан ривожланувчи сюжетга курилиши такозо этилади. Драматург асарни яратиш жараённада ўзига сюжет воқеалари ижро вақтига сиғиши масаласида қайғуриши даркор. Шунга кўра, драматик асарда сюжет воқеаларнинг кескин конфликтлар асосида шиддат билан ривожланиши заруратга айланади. Бундан ташқари, драматик асардаги сюжет воқеалари юз берадиган макон ҳам чекланган, яъни воқеалар саҳнада шартли қайта яратиш мумкин бўлган маконда келади. Масалан, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романи асосида саҳнапаштирилган пьесада воқеаларни саҳнага ва вақтга сифишириш максадида, кўп ўринлар кисқартирилган ва роман олти пардадан иборат саҳна асарига айлантирилган. Бунинг устига драмада, ҳаракат маконий ўзгаришлар жиҳатидан ҳам чекланган, яъни драматик асар воқеалари кўп билан тўрт-беш жойдагина кечиши мумкин. “Бир кошона сирлари” драмасида воқеалар Сарванинг кошонасида, “Бири кам дунё” асарида Улуғ аянинг уйида, “Бозор” драмасида Косимовнинг дала ҳовлисида, “Адабинг умри” драмасида воқеалар икки жойда: Ойбекнинг боғи ва Ички ишлар вазирилгининг қабулхонасида кечади. Драма жанр сифатида кечачётган воқеелик билан узвий боғлиқликда ривожланар экан, драматург жанр таълибидан келиб чиқиб, анъанавий услубларни ислоҳ қиласи, шу аснода тарихни мудом ҳаракатга келтирувчи одам ва олам мулоқатидаги ўзгаришларга жавоб бера оладиган талқин услугиб юзага келади.

Драмани образли талқин этиш драматургдан катта маҳорат талаб этади. Унда асарда жонлантироқчи бўлган ҳаёт материалининг барча унсурларини саҳнада қайта яратиш имконияти мавжуд эмас. Шунга кўра драматик асар аввалбошданоқ “шартлилик” касб этади. Яъни муаллиф мавжуд ижро имкониятларидан фойдаланиб, айрим ишоралар, ремаркалар, реپрикалар, киноявийлик, рамзийлик, туши каби воситалардан фойдаланиб, томошабин (китобхон) тасаввурда кўп нарсаларни ўйғотиши, бевосита саҳнада жонлантириши мумкин. Масалан, муаллиф ремаркаларида “узоқдаги тўйдан мусика янграйди” (“Бозор” драмаси), “машина овози якин келиб тўхтайди. Кабинанинг эшиги очилиб-ёпилгани эшитилади” (“Адабинг умри” драмаси), “дарвоза тарақлаб очилиб, ҳовлига шовқин-сурон солиб...”, “ҳовлида гуп-туп-гуп товуш, алланарсаннинг гурсиллаб кулагани эшитилади. Дераза ойналари зириллайди” (“Бири кам дунё” драмасида) кабилидаги ишоралар берилади, уларнинг ёрдамида саҳнада жонланган нарсани шартли жонлантириш мумкин бўлади.

Хуласа қилиб айтганда, истеъодиди ижодкорлар факат ёзувчи бўлиши учунгина асар ёзишмайди. Ёзишдан мақсад аввало жамият маънавиятига, тафаккури, маданияти, маърифати ва бадииятини ривожлантириш бурчидир. Бунинг учун аввало, тұғма истеъодид, ўз халқига хизмат қилиш даъвати, ўз иши, эли, юртига баланд эътиқоди ва ижодига маъсулият ҳисси бўлмоғи даркор.

Адабиётлар:

1. Абдусаматов Х. Драма назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2000.
2. Йўлдашев К. Ёниқ сўз. Янги аср авлоди, 2007.
3. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Т.: 2009.
4. Каримов Х. Истиқлол даври адабиёти. – Т.: Зарқалам, 2007.

Тұхтаева Н.,
Низомий номидаги ТДПУ ўқытучысы

ЯХШИЛАРНИНГ ШАРОФАТИ

Носир Фозилов нафақат ўзбек ва қозоқ адабиёти ривожида балки икки миллат хамдустлигіда хам үзига хос үрни ва овозига ега адеб. У мана салкам етмиш йилдирки, ўзбек ва қозоқ миллатининг адабий алокаларини мустаҳкамлашда жонбозлик күрсатмокда.

Биз Носир Фозиловны болалар адабиётининг, мохир таржимони хамда публицист сифатида яхши биламиз. Адебнинг “Топдиму йўқотмадим” номлы китобида ўзбек ва қозоқ халқининг атокли шоир ва ёзувчилари, замондош ижодкорлар ҳақидаги хотиралари жамланган. Вокеий ҳикоялар ва ажойиб хотиралар китобнинг безаги бўлса, яхшигина бадиий мушоҳада, ижодкорона тафтиш унинг мағзидир. Носир Фозилов ўқувчи қалбини ром этадиган бир-биридан кизик ҳикоялар катида Қудус Мұхаммадий, Ҳаким Назир, Зулфия, Одил Ёқубов, Сайд Ахмад, Сайда Зуннунова, Пўлат Мўмин, Шукур Сайдулла, Ўткир Ҳошимов сингари севимли адиларимизни ҳаётий воеалар силсисасида эслайди. Китобда уларнинг ижод ахли, дўсту ёр, шогирдларга муносабати ва мана шу муносабатлар, давра сұхбатлари кашф этган ёш ижодкорларнинг униб ўсишидаги саяй-харакатларига оид кўплаб ҳаётий воеаларга ҳамроҳ бўламиз.

Носир Фозилов ношири сифатида ўз даврида йўл қўйган хатоликларини, мафкуравий нұктай назар билан таҳрир қилинган асарлар қисмати ҳақидаги қимматли хотиралари билан ўртоқлашади. Сайдулла Сиёевнинг “Ой бориб, омон келинг” ҳикояси каби бадиий ночор асарлар яратилишида ўзи каби турғунлик йилларининг ношири ва мухаррирларини айбор деб билади: “...бунака чорасизлик билан қилинган таҳрирлар, тузатишлар Сайдулланинг ҳикоялари билан ҳажвларида талайгина. Лекин барibir, унинг бегубор күлгиси, тиғли ҳажви бу иллатларни босиб кетади... тили равоннинг имконияти хам равон бўлади... бу серкірра адеб ҳикоя ва ҳажвиялардан тортиб киносценарийгача ёзди: Мен фақат унинг устозларимиздан мерос қолиб кетган “Навоий”, “Синчалак”, замондош акаларимиз ҳадя этган “Улутбек ҳазинаси”, “Юлдузли тунлар” каби йирик эпик асарларга кўл урмайтганига ачинаман, холос. Ваҳоланки, Сайдуллада бундай имконият бор... биз ундан йирик асарлар талаб килаётганимиз орзуймиздир. Ҳай, бу орзуларимиз хам ижобат бўлиб қолар иншооллоҳ. Сайдулланинг қалами эса кундан кунга ўткирлашиб, сайқал топиб келяпти” [3,239].

Кўряпмизки, Носир Фозилов ижодкорга самимий ва жонкуярлик билан муносабат билдиради. “Топдиму йўқотмадим” китобида келтирилган воеий ҳикоялар асносида ҳар даврнинг адабий мұхити ва ёшлари ҳаётига, ижодкорлар шахси ва асарларга ўзгача меҳр билан баҳо беради.

Адеб барчани севди, дўстликни, садоқатни қадрлаб яшади. Китобда ўзбек адиларни билан бир қаторда Эрсин Қўйбоқар ўғли, Абен Сотиболдиев, Қўбей Сейдахон ўғли каби кўплаб қозоқ адиларни билан боғлиқ қизикларни лавҳалар берилган.

Носир Фозиловни Қозоғистон ёзувчilar уюшмаси аъзолари билан яқиндан танишитирган, хамда 1960 йилда биринчи марта ўзбекистонда Қозоғистон адабиёти ва санъети ўнкунлигини ўтказища яқиндан ёрдам берган Абен Сотиболдиев адеб ҳаётидаги кейинчалик хам мұхим үрин тутди. Абен Сотиболдиев иккى ҳалқ дўстлигини ифодалаган “Оқим” қисссини адидан кўлэзма ҳолатида олиб қозоқ тилига таржима килди ва “Журек әмри” номи билан Қозоғистонда чоп этди. Орадан ярим йил ўтиб асар ўзимизда чоп этилди. У “Қозоқ адабиёти” газетасида чоп этилган “Бизнинг Носир” номли маколаси билан қозоқларга илик бор Носир Фозилов номини танитди. Абен Сотиболдиев ва Мұхаммаджон Коратоевлар таклифи билан қозоқ энциклопедиясининг ўн биринчи томида Носир Фозилов ҳақида каттагина материал босилди.

Носир Фозилов иккى ҳалқ ёзувчilarини, шоирларини дўстлаштириша оға-ини тутинган кардошларнинг маслаҳатлари, хизматлари бекиёс деб билади. Фабит оға, Собит оға, Габиден

оғылар асарларини таржима қилиш орқали эса қозоқ ҳалқи ҳаёті ва турмуш тарзи, ўй-кечинималари билан ўзбек китобхонларини танишитири, ўз ўрнида ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг мустаҳкамланишига катта хисса қўшиди.

“Яхшининг шарофати деб мана шуни айтсалар керак-да! Шундай килиб, мен қозок адабиётининг Ўзбекистондаги фаол таргигботчисига айландим қолдим. Абен оғам шууриму руҳимга сингидрган бу фазилатга шу пайтгача содик қолишим-Абен оғамга бўлган хурматим, унинг покиза руҳи қаршисидаги бурчим туфайли бўлса ажабмас, деб ўйлайман”, - дейди Носир Фозилов ўз хотираларида [3, 244].

Халқимизда яхши билан юрсанг етарсан муродга деган пурмаъно нақл бор. Зеро “бировнинг муваффакиятида албатта бошқа бир кишининг холис хизмати жуда-жуда аскотади” [3, 241].

Етмиш йилдан ортиқ ўз эътиқоди, ҳаётий шиорига содик ва событ ҳолда хизмат қилаётган Носир Фозилов икки миллат китобхонлари қалбидан чукур жой олган. Адабининг ҳаёт йўли устоз-шогирлар ва дўстларга садоқат рамзига айланган десак янгишмаймиз.

Адабиётлар:

1. Суюмов. А. Жумабоев М. Болалар адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. – Т.: Фан 2004.
3. Фозилов Н. Топдиму йўқотмадим. – Т.: Шарқ, 2010.

**Омонова М.,
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси**

ЛУТФИЙ ШЕЪРЛАРИДА БАДИЙ САНЪАТЛАР

XIV-XV асрлар Марказий Осиёда туркий халқлар маданияти, санъати ва адабиёти тарихий тараққиётининг сермаҳсул бир даври ҳисобланади. Бу даврда илм-фан ва бадиий адабиётда жуда катта муваффакиятларга эришилди, улкан шоирлар етишиб чиқдилар ва улар жаҳон маданияти казинасига катта хисса қўшидилар. XIV аср ва XV асрнинг биринчи ярмида етишган Атоий, Саккокий ва Лутфий сингари шоирлар бадиий сўз адабиётнинг тараққиётида мухим ўрин тутдилар.

Навоий “малик ул-жалом” – “сўз подшоси” деб баҳолаган Мавлоно Лутфийни Шарқ адабиётининг Сайдий, Ҳофиз каби улкан намояндлари қаторига қўяди. Ўзининг “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳабbat”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” каби бир қанча асарларида қайта-қайта хурмат билан тилга олади.

Лутфий истеъоддли шоир сифатида қимматли лирик асарлар яратди. Туркий ва форсий тилдаги асарлари билан катта шуҳрат қозонди. Лутфий лирикаси ўз ҳаётйлиги, бадиий юксаклиги ва тил бойлиги билан ажralиб туради. Лутфийнинг бизгача ғазал, рубойй, қитъа, туоқ, фардлардан иборат “Девон” и етиб келган. Навоий “Ҳолоти Пахлавон Мухаммад” асарида Лутфийнинг дунёкараши ва шунга мувофиқ гоя ва образлар дунёси ҳакида фикр юритар экан, уни “зоҳир аҳли шуароси” деб атайди. Лутфий шеърияти туркий тил имкониятларини, унинг беназирлигини, айни пайтда ижодкорнинг санъаткорлиги ҳамда тафakkур оламини ёрқин намоён этган шоирдир. Шоир шеърларида, аввало, шоир инсон ва табиатни муқаддас мавжудот сифатида талкин қилади. Унинг шеърларида ҳаёт ва инсон гўзаллигини мадҳ этиш мухим ўрин тутгади. Масалан:

Бурқаъни кўттар, тенгри учун, эл сени кўрсун,
Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундор? [3, 41]

Байтда инсонларга одатда хос бўлган, ўзаро муносабатларда ишлатувчи ботиний ва зоҳир олам қиёфаси ифода топган. Демак, инсон ҳали комилликдан йирокда.

Келдим эшикка, орзум юзингдурур юргуз чиқиб,
Келгинки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдо рэрур [3, 46].

Англашиладики, шоирнинг ҳожати – дийдор, яъни комил инсонни кўриш. Бошқача айтганда, инсонни барча ҳаракатлари жаннат илинжида эмас, комиллик илинжида бўлмоғи керак. Инсон ўзида жаннатга ҳожатмандликни эмас, дийдори комилликка ҳожатмандликни хис этиши керак.

Лутфий ўз ғазалларида турлича қарашиб, кайфият, руҳий ҳолатларни намоён этишда бетакрор нағис образлар кашф этади. Ҳаётий деталлар воситасида, ташбих, ийҳом, тазод, тажнис, ташхис, тажоҳули орифона, лафъ ва нашр, радиф каби бадиий унсурлар воситасида поэтик образлар яратиб, туркӣ шеъриятни бойитди.

Лутфий шеъриятида руబойи, китъя, туюклар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Гарчиқурутмас қўзумнинггәшини,

Ҳакузвинқилсуноийнинггәшини.

Йиглама кўп, бувужуднингшишкўти,

Не қуруғин қўйегуси не ёшини [3, 109].

Лутфийнинг барча жаңлардаги шеърлари учун муҳим бир хусусият – ҳалқ мақол ва ибораларини мисраларга маҳорат билан сингдиришда ҳам кўринади. Бу каби бетакрор хусусиятлар, соддалик ва равонлик ҳар бир давр кишиси учун тушунарли эканлиги шоир шеъриятини ҳалқчиллигини таъминлаб келмоқда. Лутфий ҳалқ мақол ва таъбирларидан жуда кенг фойдаланган. Хусусан, ҳалқ мақоллари ва таъбирлари шоир шеърларини ҳам мазмунан бойитган, ҳам туркӣ тилнинг бадиий имкониятларини намоён этолган. Шоир ҳалқ мақоллари ва таъбирларини шеърларида айнан ёки қисман ўзгартирилган ҳолда ишлатган, мақол ва ҳалқ таъбирлари асосида бадиий усувлар ёрдамида турли образлар яратолган. Масалан:

Дедимки: “Рақибимни қошингидин кўтар!” Айтур:

Бир гул қаниким олида юз хор топилмас [3, 54].

Аёқинге тушар ҳар лаҳза гесу,

Масалдурким: “Чарог туби қоронгу”.

Тутармен қўзки, қўрсам оразингни,

Ки дерлар: “Оққан ориққа оқар су”.

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,

“Кишининг қўзидур, оре, тарозу”.

Қўзинг қонимдин иймонмас, ажабтур,

Ки “Кўрқар қайдаким қон кўрса ҳиндур”.

Тилар васлингни Лутфий, қилингизобат,

Ки айтурлар: “Тилоганин тилогу” [3, 95].

Беш байтдан иборат “Аёқинга тушар ҳар лаҳза гесу...” ғазали ирсоли масал санъатининг энг ўзали намунаси.

Лутфий шеърларида қўлланилган жызырау (бахши), қурылтай (мажслис, йигилиши), жарлық (фармойиши, бўйруқ) каби умумтуркий сўз ва иборалар, ҳалқона оҳанг уларнинг кўпгина туркӣ ҳалқлар шеърияти билан туташадиган нуқталарини намойиш қиласди.

Адабиётлар:

1. Лутфий. Девон. – Т., 2012.
2. Лутфий. Танланган асаллар (2-нашри). – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960.
3. Лутфий. Сенсан севарим. Ўзбек адабиёти бўстони. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1960.
4. Навоий асаллари лугати. – Тошкент, 1972.

Икромов А.Т.,
Низомий номидаги ТДПУ ўқытувчиси

РОСТЛИК – ИНСОННИ ШАРАФЛОВЧИ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТ

Истиклол шарофати билан илм-фанимиз эркин нафас ола бошлади. Тафаккуримиз янгича қарашлар билан бойиди. Ўтмишдаги алломаларимизнинг ҳәти, илмий-адабий мероси холис ва чукур ўрганилмоқда. Мустақиллик йиллари навоийшунослик ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришди.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни ўз ҳалки учун нафақат ноёб истеъоди, айни пайтда бутун ҳәётини бағишилаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиш.

Бир сўз билан айтганда, ҳалкимиз адабиётни мукаддас ва улуғ бир даргоҳ, деб билади. Ана шундай баҳонинг ўзи эл-юртимиз ҳәётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг ҳаққоний сўзи, чукур маъноли асарларига ишонч, хурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилиганини яққол кўрсатиб турибди [1, 6-7].

Дунёнинг у чеккасидан кириб, бу чеккасидан чиқинг, Навоийдек кўнгил ҳолислиги, фикр ва тушунча тозалиги, Ҳақ ва ҳақиқатга садоқатни ҳеч бир жойдан тополмайсиз. Шахси адабиёт, фалсафа, сиёsat, ҳаттоқи дин ва тасаввуғга нисбатан ҳам олий бир теранлиники тамсил этади. Навоий шахсиятидаги Дард, Изтироб, Ҳаракат, Маҳзунликдан кўз юмилса, Навоийни танимай қоласиз.

Ҳазрат Навоий ўз умри давомида тарихий ўтмишга, ижодкор салафларига, пир-у устоzlарига, ота-оналарга, барча қарияларга баланд хурмат сақлаб, уларни эъзозлашга қадрини баланд тутишга давлат этган. Асарларида бу хайрли мавзуни ажойиб донолик билан ифодалаб қолдирган. Ақли расо, диёнатди инсон яхшиликни ўзининг ҳәёти шиори килиб олиши, шундай эътиқод билан яшаш лозимлигини уқтиради.

Кила олгунча ул бўлсин шиоринг,
Ки яхши от қолгай ёдгоринг...
Бу гулшан аро йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик била чиқса от,

деб ўғит беради.

Барча буюк ижодкорларда бўлгани каби Алишер Навоий асарларида ҳам ҳаёт бутун мураккаблиги билан қаламга олинниб, таъриф ва танқид, нафрат ва муҳаббат, шукух ва тушкунлик, руҳий парвоз ва маҳзунлик туйғулари бир-бирини алмаштириб келади. Аммо шоир ушбу зиддиятларни қиёслаб тасвирлар экан, ҳамма вақт эзгу гоялар тантанасини кўзлаб фикр юритади ва комил инсон ахлоқини намуна қилиб кўрсатиб, жамият воқеалари, одамларнинг аъмолу ишларига шк мавқедан туриб баҳо беради. Шунга биноан, Навоий жамики соҳтакорлик, ёлғон ва ясама муомала-муносабатлар, зулму ситам, қаллоблигу тилёғламаликни кучли бир нафрат билан коралайди. Ва бунга муқобил равишда самимият, ростлик, сидқу сафо, адлу инсофни улуғлаб мадҳ этади.

Навоий ростликни “вужуд уйи”, яъни борликни мувозанат ва мутаносибликда тутиб турувчи устун, инсоният жамиятияни ичдан ёритувчи мунавар шамъ деб таърифлайди. Зоро, Аллоҳнинг бир исми Ҳақ, яъни ростликдир. Бутун олам ана шу Ҳақ ҳикматининг қонунияти асосида қурилган, адолат ҳам аслида ростликнинг тантанаси бўлмоги керак. Одил одам шунинг учун одилки, у ўргатда туриб ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақдан ажратади, ҳақиқатни баркарор этади. Ростлик – инсонни шарафловчи ахлоқий фазилат, имон-эътиқод асоси. Росттўй одам жасур, маънавий соғлом, осоиышта ва хотиржам бўлади. Навоий бу хислатни одамнинг ички олами, тарбиясига боғлаб тушунтиради. Чунки асл моҳияти, нияти тўғри бўлган одам ҳар ерда, ҳар қандай шароитда тўғрилик тарафида туриб, уни химоя килади. “Ростдор улким назари тўғридир”. Яъни, дунёга, одамларга, ҳаётга тўғри назар билан қарайдиган, муносабати-муомаласи ҳам тўғри одамни рост йўлдан юрадиган одам дейиш мумкин.

Ростлик, тўғрилик хусусида ўзбек халқининг севимли фарзандларидан бири Тоҳир Малик ҳам ўзининг “Хусну ҳулк” китобида пурмаъно фикрларни келтириб ўтган.

Тилимиздаги “ростлик” ва “тўғрилик” сўзлари айри-айри маъноларни англатмайди. Бу сўзларниң зидди – “эгрилик” ва “ёлгон”дир. “Амин” сўзи ростгўйлиги учун ишончли кишига айланган фазилат эгаларига нисбатан айтилади. Расулулохнинг (с.а.в) ҳали пайғамбар бўлмасларидан олдин ҳам шу ном билан иззатланганлари бизга маълум. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: “Эй Одам фарзанди! Фазабли ва хурсанд ҳолларингда ҳам тўғри сўзлашинг мартаба ва даражангни менинг наздимда юкори қиласи”. Набий муҳтарам (с.а.в) дедилар: “Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшиликларга бошлади ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ таоло ҳузурида “жуда ростгўй”, деб ёзилиб қолади”. Яна дедилар: “Банданинг иймони мукаммал бўлмайди, токи унинг қалби тўғри бўлмагунча. Қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча”.

Ҳазрат Навоий ўйтларидан бирида шундай дейди: “Агар сўз гўзаллик зайнати билан безалмаган бўлса – унга чинлик безаги етарлидир. Ёлғончининг гаплари канчалик чиройли бўлса – шунчалик қабиҳдир. Чин сўз канчалик бетакаллフу бўлмасин, сўзловчи учун таассуф йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёnsиз, садаф ҳунук бўлса ҳам инжу учун нуксонсиз”.

Сўзда Навоий не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсинг дегил.
Росттур улким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур – ўғри эрур [3, 105-107].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тўғри йўлда бўлган кишини, ростгўйлик йўлидан боргандарни Аллоҳ таоло ҳеч қачон хор қилмайди. Тўғрилик, ростлик жаннатдаги бир дарахта ўҳшатилади. Кимда-ким ср юзига ёйилган бу ростлик, тўғрилик дарахти шоҳларидан бирини маҳкам тутса, шоҳ уни тўғри жаннатга элтади. Шу сабаб этишиб келаётган, тарбияланадиган ёши-авлод онгига тўғрилик, ростлик, ҳалоллик тушунчаларини сингидириш, илм йўлидан бориц, маънавиятли, маърифатли етук шахс бўлишлари учун берилаётган барча имкониятларни амалий қўллаб кўриш биз ўқитувчиларнинг асосий бурчимизга айланмоғи зарур.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Навоий буюк шоир ва мутафаккир. Илмий тўплам. – Т., 2011.
3. Малик Т. Хусну ҳулк. 9-жилд. Одамийлик мулки-З. – Т.: Шарқ, 2010.

Бурхонова Ф.,
Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

МОДЕРН ҲИКОЯЛАРДА ШАКЛ ВА УСЛУБ

Модерн ҳикоялар бошка ижодий йуналишдаги асарлардан фақат бадиий-эстетик мақсадига кўра ёндашуви ва бошқа хусусиятларга қараб эмас, балки шакл ва мазмунига, ижодкорнинг ифода усули ва услубий ўзига хослигига кўра ҳам фарқ қиласи. Ундаги ифода усули воқеликни, қаҳрамон руҳиятини, тасвир этишдаги ноанъанавий, ўзига хос ва кутилмаган жиҳатлари билан ажralиб туради.

Шунга кўра айтиш жоизки, модерн ҳикояларидаги услубий изланишлар ҳақида гап кетгандা, фақат таҳлиллар жараёнидагина ўзига хосликни англаш мумкин бўлади. Агар шу нуқтai назардан, ўзбек модерн ҳикоянависларининг асарларига эътибор қаратсан, уларда ҳам жаҳон модерн ҳикоячилигини хос бўлган хусусиятларини кузатиш мумкин. Аввало, шуни тъъкидлаша керакки, модерн асарларда ёвузлии ва эзгулик ўртасида азалий кураш ва худди реалистик асарлардагидек эзгуликнинг тантанаси тасвири нисбий характеристерга эга. Бу типдаги асарларда воқелик бир қарашда негатив томонлари билан тасвирланаётгандек

таассурот қолдиради. Лекин, аслида эса асарларда қора бүёкларнинг кўпроқ ишлатилиши ёхуд тушкунлик кайфиятининг устуворлиги – бу ушбу гоявий мотив етакчи дегани эмас. Аксинча, эзгулик деган тушунча шунчаки жозибадор ва олийжанобликка йўргилган ҳодиса эмас, балки, худди тенг бўлинган олманинг иккинчи палласи каби ёвузлик деган тушунча билангина яхлит бир фалсафий моҳият касб этишини англатади. Шу нуқтаи назардан карасак, бадий асарнинг фалсафий негизини ташкил этувчи турли-туман ранглар киймати бир-бирига мутаносибидир ва улар бадий асардан исталган шаклда ўрин олишга ҳақлидир. Уларнинг бадий асардаги даражаси қандай бўлишидан катъий назар, бадий асарга кўйиладиган талаб битта – инсоннинг моҳиятини очиш, инсон рухиятини поэтик жиҳатдан қашф қилиш. Бу бадий асар бўёкларининг қандайлиги, қандай “изм”да ёзилишидан катъий назар кўйиладиган асосий талабдир. Шунинг учун реалистик асарларда ҳаётсеварлик (оптимизм) қанчалик етакчилик қиласа, модерн асарларда унинг акси бўлган ўлим фалсафасининг тасвирини, ёхуд қора бўёкларни, тушкунлик психологиясининг устувор бўлишини ҳам шундай табиий қабул қилмоқ керак.

Назар Эшонкул ҳикояларида ҳаёт, унинг маъноси, ящацдан мақсад нима? қабилидаги фалсафий масалалар кўпроқ шўро даврининг поэтикалашган, рамзийлашган суврати билан боғланган ҳолда тасвир этилади. Унинг “Ажр” номли ҳикояси инсон бу дунёда кечирган кечмиши учун албатта ҳисоб беражак деган гоявий мотив асосида шаклланган. Асардаги “ота” ва “бала” образларини қайсиdir маънода рамзий образ деб аташ мумкин. Яъни, ота аждодлар тимсоли, отага кўл кўтариш, худхўшлиқ қилиш энг катта гуноҳи азимдир. Бунинг учун албатта ажр бўлади. Шунинг учун ҳикояда “У” образи ҳам бор. Отанинг болага таъна-дашиноми шундаки, ўғил “У”ни унугиб, унга шак келтириб, қарши боради ва ҳамма фожеа шундан бошланади. Асарда ўғил килган гуноҳлари учун танланган замон шўро даврини эслатади. Унда тасвирланган зўравонлик, осиш, ўлдириш воқеалари шўро даврининг катагонлик сиёсатини ёдга солади. Демак, ёзувчи ажр ҳақидаги илоҳиётга даҳлдор тушунча билан ижтимоий мухитга алоқадор бўлган нукталарни бир-бирига пайвандлаб, ўйғунлаштири, шу оркали маълум фалсафий-эстетик хуносалар чиқаради. Асардаги “У”образи ва унинг мавжудлигини таъкидлаш ҳикоянинг асосий мотивларидан бирини ташкил этади. Барча нуқта ботиний ҳолатда унга бориб тулашади. Ўғил – яъни авлод, ота-аждод олдида жуда катта гуноҳлари ғоят ранг-баранг. Лекин, улар ичida энг даҳшатлиси бу худхўшлиқдир, яъни отани ўлдирмоқ.

Асарда шу гуноҳлар учун бўладиган ажр ҳам шунга яраша. Шу тариқа ҳикояда ҳам реалистик, ҳам мажозий-рамзий тарзда яшаш, ҳаёт, миллат, гуноҳ, хоинлик ва бошқа тушунчалар бир бутун ҳодиса сифатида яхлит манзара касб этади. Энг мухими бу дунёда хеч бир нарса изисиз кетмайди, барчасига улкан ажр бор деган хуносадир.

Ёзувчининг “Муолажа” ҳикояси ҳам шу типдаги ҳикоялардан ҳисобланади. Унда инсонларнинг мавжуд ҳаётдаги қолиплардан озод бўлиш истаги – исёни ва унинг оқибатида юзага келган руҳий мувозанатнинг бузилиши масаласи асарнинг асосий мотивини ташкил этади. Асарда “Қутқут” касалига йўлниси уч хил даражадаги касалнинг руҳий ҳолатлари, даволаниш жараёнлари ҳақида фикрлар юритилади. “Қутқут” касали ҳам, унга чалингланлар ва уларнинг руҳий ҳолатлари ҳам маълум даражада рамзийлашган бўлиб, аслида ҳаётдаги инсонларнинг турланувчан қиёфаларининг ўзига хос манзараларидир. Масалан: профессор телба деб таниширган бир касалнинг руҳий ҳолатини кўйидагича изоҳлади: “Касал мана шу ҳолатда жуда хавфли бўлади, унга эҳтиёт чоралари кўрмай туриб, яқинлашиш маън этилади. У сизга хеч иккиланмай ташланши мумкин, сиз унинг хаёлида кўринган зўравон ёки ўзини ўлдириш учун пусиб келаётган котил бўлиб туоласиз. Шу топда у гирт телбага айланади: “мени хўрлашаяпти” деган фикр бутун шуурига ўнашиб қолган, у хаёлидаги зўравонни нима қилиб бўлса ҳам ўлдириш тараддудига тушган. У хаёлида ўзи учун макон ясад олган. Биз шартли қилиб, унинг тасаввуридан келиб чиқиб, “озод дунё” деб атай оламиз. “Озод дунё” унга тинчлик бермайди. Ҳар бир нарса унга зўрлик бўлиб кўринади, хатто сиз ҳам унга зугум қилиш учун турганга ёки кулганга ўхтайсиз. У ўзича “озод” бўлишнинг йўл ва режаларни тузади. Бу режалар накадар жўн ва болаларча содда

булмасин, у бундан ортигига қодир эмас, чунки у телба, телбалик эса байзан болалыкка ўхшаб кетади” [1, 348].

Ушбу парчадаги макон ясаб олиш, “озод дунё” тасаввури билан яшashi ва бошқа фикрлар айни реал воқееликдаги баъзи бир одамларнинг эркинилкига интилиши истаги билан хамоҳанг туюлади. Улар фақат руҳни тан олиб жисмни эсдан чикарган кишилар тимсолида намоён бўлади. Асарда бундай кишилар жамоа томонидан жинни деб аталади.

Хикояда бу тоифали руҳий кечинмаларга йўлиқкан кишиларни ёзувчи фрейдизм концепцияси билан боғлиқ холда тасвирлагандек таассурот уйготади. Чунончи, бу жараён айникса профессор томонидан уларга берилган таърифларда яққол кўзга ташланади. Профессор таърифига кўра бу тоифадаги одамлар ўзини ғоят ақлии одам деб ҳисоблайдилар. Улар руҳий тутканоқ пайтида (ижод, илхомланиш жараённида) ўзларини бу оламдаги ўлчовларга сифатидаги тасаввур этади. Профессор талқинига кўра, биз амал қиласидаги билан дунё конун-коида, одоб-ахлоқ нормалари, улар учун гирт бемани туолиши ва ўзларининг ҳоҳиш истакларидан келиб чикиб тасаввур қилишлари, белгилашлари мумкин. Буни “исён” даври деб аташ мумкин дейди – профессор. Шундай ҳолатда оддий одамлар учун ахлоқсизлик бўлиб туюлган баъзи хатти-харакатлар улар учун табиий ҳол деб қабул қилинади ва профессор тавсиясига кўра бундай касалларни фақат “хивчин” билан уриб даволаш мумкин. Тъқидлаш жоизки, “хивчин” билан уриб даволаш анъанаси ҳалкимиз удумларига зид ҳодиса эмас. Қадим-қадимда ҳам жунунсифат одамларни мулло, эшон, дуохонлар duo ўқиб хивчин билан даволаб ҳушини жойига келтиришган. Бирок, бу ўриндаги хивчин албатта, рамзий мазмунга эта, ҳаммаёқдаги қон ва бошқа ҳидларнинг уфуриб туриши, бу касаллик ва унинг даволаш усуллари рамзий тарзда давр фожеаси билан боғланганлигини ҳам тъқидлаш зарур. “Муолажа” хикоясидаги руҳият тасвирларининг фрейдизм билан боғланиши ва узундан-узок тасвирларида бироз сунъийлик сезилиб туради. Уларда бадиий талқиндан кўра руҳиятнинг З.Фрейд асос солған психоаналитик ёндашувига кўпроқ ургу қаратиш устуворлик киlgанга ўхшайди.

Юқоридаги киска талқинлардан аён бўлаётирки, ўзбек ёзувчилари ҳам хикоячилигимизда янгича усулларда – модерн йўналишда асарлар яратишга ҳаракат қилишмоқда ва муайян натижаларга ҳам эришмоқдалар. Бирок бу изланишларда байзан ифодадаги табиийликдан кўра акл бошқаруви, назарияга мослашишга уруниш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бироқ бу жараён яққол кўриниб турадиган, бадиий начор шаклда эмас, балки имкон даражада бадиийлик қобигида намоён бўлиши билан кувонарлидир.

Адабиёт:

1. Эшонкул Н. Ялпиз хиди. –Т.: Шарқ, 2008. – Б. 348.

Исмоилов И.,
Низомий номидаги ТДПУ магистранти

ИДРОК ВА ТАЛҚИН

Адабиёт тарихида бир хил мавзуда битилган асарлар кўп учрайди. Шарқ ҳалклари бадиий тафаккурида асрлар давомида қайта ишланиб машхур бўлган ана шундай мавзулардан бири Искандар афсонасидир. Мазкур афсонанинг дастлаб қайси ҳалк ижодида, қачон вужудга келгани маълум эмас. Бироқ у барча машхур, қадимий сайёр сюжетлар сингари тури ҳалқлар ёзма ижодида қайта ишланиб, уларининг маънавий бойлиги хазинасига кўшилган. Бундай анъанвий сюжетлар Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё ҳалқлари ёзма адабиётида кўп учрайди. Масалан, Лайли ва Мажнун, Баҳромғур, Юсуф ва Зулайҳо, Хусрав ва Ширин, Гул ва Наврӯз, Вомиқ ва Узро, Тоҳир ва Зухро, Искандар ҳақидаги афсоналар асрлар давомида ижодкорларни илҳомлантириб келган. Турли даврнинг истебдодлари сайёр сюжетлар асосида асарлар яратиб, бу жараёнда ижодий индивидуалликка интилгандилар.

Үрта Осиё халқлари адабиётида мұким үрнашиб қолған анъанавий мавзулардан бири – Искандар афсонасидир. Искандар ҳақида битилган асарларнинг форс-тожик, ўзбек, қозок, кирғиз, туркман, қоракалпок, адабиётларидағы бир қанча варианatlарини уратыш мүмкін. Бұнға тарих, дин, ижтимаий-маданий алоқалар үз тәсірини үтказған. Алишер Навоийнинг XV асрда яратылған, “Хамса” таркибидағы сұнгги достони “Садди Искандарий” мазкур афсонининг минтақада мұким ва үзігә хос намуна бўлиб қолишида катта ахамиятта ега бўлди. Унинг тәсірини қозок адабиёти вакиili Абайнинг “Искандар” достони мисолида кўриш мүмкін.

Алишер Навоийнинг достони ҳам, Абайнинг достони ҳам – тарихий асар эмас. Уларда Искандар билан боғлиқ турли воқеалар орқали ижодкор үз нұктаи назарини, фикрларини ифодалайди. Навоийнинг достони ҳажман катта ва қаҳрамон бошдан кечирған кўпгина воқеалар тасвири қаламга олинса, Абай достони мұхтасар ва унинг марказида Искандар ҳамда қўшинининг чўл үртасида сувсиз қолиб кетиши, сұнгра Искандарнинг бир шаҳарга бориши воқеаси туради.

“Садди Искандарий” ва “Искандар” достонлари сюжет қамрови жиҳатидангина эмас, мазмунан ҳам жиҳдий фарқ килади. Навоий үз қаҳрамонини сулук моҳиятими англаган ва бу йўлда мақсад сари ҳар қандай машаққатни енгиги үтүвчи бадий-рамзий образ сифатида тасвирлаган. Абай эса Искандарни босқинчи ва конхӯр, инсонлар бошига кулфат келтирувчи ҳукмдор, нағсининг қули бўлган амалдор тарзида талқин этади. Абайнинг бундай ёндашувида кўпроқ тарихий фактларга таянганилгини сезиш қийин эмас. Бу икки асар үртасида маълум үхашашликлар бўлса-да, тафовутлар ҳам анчагина. Хусусан, чўлда сувсиз қолган лашкар ва лашкарбоши саросимаси, Искандарнинг сув кидириб бир сарой дарвозасига бориши, дарвозабонга ўзининг кимлигини айтиб мақтаниши, улуғ лашкар учун сийлов сўраши ва сийлов тариқасида рўмлого үралган сүякни беришлири, бунинг ҳикматини тушуна олмай, Арастунинг маслаҳати билан тарозининг бир палласига олтину зар қўйиб тортишлари, барибир сүяк томоннинг оғир келиши ҳамда ҳаким бир сиким тупроқ ташагандагина сүякнинг енгил келиши каби воқеалар Навоий асарида учрамайди. Аммо баъзи образлар номи такрорланган. Мазмун борасида эса икки асар үртасидаги фарқ янада кattалашади.

Тарозига қўйилган сүяк – кўз сүяги, иккинчи паллага қўйилган ҳар қанча сийму зардан оғир келаверади. Сийму зар устига бир сиким тупроқ ташлангандагина, сүяк енгил келади. Бунинг ҳикмати – кўз (нағф) дунё молига тўймайди, қанчадан-қанча мол-мулк, давлат, бойлик кўрмасин, яна кўрсам дейди. У қачон бу одатини қўяди? Қабрга кирганда! Бир сиким тупроқнинг сүяқдан оғир келишининг маъноси – мана шу. Бу Искандарга “сен дунёни, баҳру барни эгалладинг, аммо ит каби нағсинг ҳавосига учеб, унинг орқасидан сарсон кездинг, сен орзу қилган мол-мулк, давлатнинг моҳияти – аслида сүяқдир. Оқил одам ҳеч қачон итлариниг емиши бўлған сүякка ошиқмайди, балки ундан йирок юради, инсонлигини танимаган, кимлигидан бехабар одамгина дунёга ҳирс қўяди, уни кидиради, унга кўнгил беради, бу итнинг сүякка илҳақ бўлиб ташланishiга үхшайди. Сен умрингни нағсинга қул бўлиб, сүяк қидирған итдек үтказдинг, билсанг – бу хатодир! Шунинг учун ҳам Тангрининг дарвозаси бўлған бу эшик ҳеч қачон сенга очилмайди, сен унга нолойиксан!”, мазмунидаги танбех эди. Искандар мана шу ҳакиқатни босқинчилигининг охирида англагандан сұнг юришларини тұхтатади ва Юнонистонга қайтади.

Бироқ Навоий достонида Искандар асарнинг бошидаёт ҳаётнинг бу танбехини англаган қалб шохи сифатида тасвирланади. Ва умри давомида мазкур ҳақиқатнинг ҳаётдаги аксини кидиради, уни янада чуқурроқ мушоҳада килади, кўрмаган ва билмаган томонларини англайди. Бир сұз билан айтганда – ўзликни англапининг машаққатли йўлига сафар килади. Тинимсиз олиб борилган жантларнинг барчаси нағс ва унинг балоларига қарши Ҳақ ошиғи қалбida кечәётган ирода, сабр курашидир. Нағсни поклаш йўлида инсон рухиятида кечадиган ҳолатлар, мушоҳада завки, қалб түғёнлари, енгиси ва енгилиш – буларнинг хаммаси Навоий достонида муносиб бадий үйгулук топганки, бу хол асарни турли ёндашувлар асосида тушунишга имкон беради.

Нағс – ҳақыкат ошиғи учун энг улуг душман. Абайнинг Искандари мана шу улуг душмандан енгилган ожиз “шоҳ”. Навоийнинг адабий қаҳрамони эса бу улуг душманни енгтан улуг шоҳ. Ҳар икки асарда нафснинг маломат қилинганилиги уларнинг ўхшашлиги бўлса, муаллифларнинг мазкур масалага ёндашуви уларнинг фарқидир.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти , 1991.
2. Абай. Өлдендер мен поэмалар. – Алматы: Жазушы, 1986.
3. Нажмиддин Комилов. Хизр чашмаси. –Тошкент: Маънавият, 2005.
4. Навоий асрлари лутати.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

Бурхонова Н.,
Низомий номидаги ТДПУ магистранти

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲИҚОЯЛАРИДА МАЪНАВИЙ ТАЛҚИН

Шукур Холмирзаев XX аср ўзбек ҳикоячилигига Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ва Сайд Ахмаддан кейинги ёрқин намояндадардан биридир. Адаб ҳикояларининг тадрижий такомилини шартли равишда уч босқичга ажратиб ўрганишумкин:

1. Шўро даври;
2. 80-йилларнинг мустақилликка бўлган эврилишлар даври;
3. Истиқлол даври ҳикоячилиги.

Шукур Холмирзаев ижод оламига ўтган асрнинг олтмишинчи йиллар аввалида кириб келди. Адаб ижодини анъанавий тарзда насрнинг ҳикоячилик жанри билан бошлади. Анъанавий дейишишимизнинг боиси шундаки, шўро даврида ижод килган кўпгина насрнавислар ўз қаламини ҳикояда синаб кўриб, тажриба орттирганидан кейингина катта жангарларга, хусусан, қисса, роман жанрларига қўл урганлар. Адаб ҳам гарчи олтмишинчи йилларда, талабалик ҷоғларidaёт ҳикоя билан бирга “Ўн саккизга кирмаган ким бор?”, дея ёшлар қалбига севги-муҳабbat мотиви билан сугорилган қиссаси билан ҳам йўл топишига уринган, ижодий тажриба килган бўлса-да, асосан, ҳикоялари билан китобхон тилига тушди.

Шукур Холмирзаевнинг олтмишинчи йилларда ёзган дастлабки ҳикояларини кўздан кечирар эканмиз, уларда даврга хос ижтимоий масалалардан кўра кўпроқ маънавий муаммоларга эътибор қаратилганига гувоҳ бўламиз. Айни пайтда адаб ҳаётда ўзи учун таниш бўлган манзаралар, болалиги кечган Бойсун кенгликлари, ов гашти, овчилик шаъни ва масъулияти каби масалаларни ҳикояларига асосий мавзу сифатида танлаганини кўрамиз. Ёзувчи олтмишинчи йилларда яратган бир туркум ҳикоялар шу жиҳати билан характерлидир. Бу ҳақда адабиётшунос олим Қ. Йўлдошев шундай деб ёзади: “Ёш ёзувчи ижодининг дастлабки давриданоқ ҳаётнинг ўзига яқин ва таниш жиҳатларини қаламга олди, тасвирда самимийликка интилди, қаҳрамонлар руҳий олами таҳлилига айрича эътибор қаратди” [2, 348].

Адабнинг кўптомликларига киритилган дастлабки ҳикояси “Нотаниш олам” 1960 йилда ёзилган. Ҳикояда ўзбекона инсоний хислатлар, меҳмондўстлик, тоғликлар ҳаётига хос лавҳалар ҳаққоний деталлар орқали ифодаланади.

Ҳикоя қаҳрамон тилидан баён этилади. Баҳор фасли овга чикқан ёш овчи тажрибасизлиги туфайли ёмғирда ивиб, жар ёқасидаги овчилар паналайдиган камарчага бурилади. Камарда бир нотаниш киши гулхан ёқиб исиниб ўтирган эди. Унинг ивиб колганини кўриб олов ёнига тақлиф киласди.

Ёзувчи ҳикояда ҳар икки нотанишнинг ўзаро мулокатлари орқали уларнинг характери хусусиятларини очишига ҳаракат қиласди. Бунда диологдан фойдаланади. Уларнинг ўзаро

сүхбатидан овга чиққан очининг тажрибасизлиги, табиат сир-асрорларидан бехабарлиги аён бўлади. Аксинча, нотаниш одам кўпни кўрган, табиат ҳодисаларини “ўқий” оладиган зуқко экани маълум бўлади. Буни унинг куйидаги мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин:

“...Кўрган бўлсангиз: булат тоғдан эмас, чўлдан кўтарилётган эди. Кўриниб турибиди, бу булат тўйкан ёмғир анча-мунча маҳалда тинмайди. Агар булат тоғдан пастлаган бўлса, унинг йўриғи бошқа эди. Шуни кўра билганингизда, илгарироқ ўзингизни панага тортардингиз, сувга чўмилиб, бундай кунишиб ўтирас эдингиз” [1, 13].

Нотаниш кишининг ушбу танбеҳли мулоҳазалари боис ҳикоя қаҳрамонида унга нисбатан гайрли муносабат уйғонади. Унинг ёмғирда кучок-кучоқ ўтиң териб камарга босишига қараб, “Ҳа, пишиқ одам. Бу ўтиналарни уйига олиб кетади. Эшагиям тайёр”, деб ўйлади.

Ҳикоя давомида нотаниш кишининг хўржундан ёғлик патир ва кўй курти олиб ўтрага қўйиши, очинни ҳам дастурхонга чорлаши воқеалари билан танишамиз. Ҳикоя тугуни асар сўнгтидаги куйидаги тасвиirlарда ойдинлашади.

“У эшагига минди. Менинг хаёлимга у териб келиб камарга ташлаган ўтинлар келди.

– Амаки, ўтинингизни унутдингизми дейман?

– Йўқ, йигит, унунганим йўқ,-кулимсиради у,-сиз уйга олиб кетади деб ўйладингизми? Уйимда ўтиним бор. Мана, серёмғир кунлар бошланди. Сизу бизга уҳшаган бирон йўловчи бу камарга кириб қолгудек бўлса, совуққа кунишиб ўтирасдан, тайёр ўтинни ёқиб исинади, шулар учун тердим.

У кетди. Мен камар оғзида, ундан кўз узолмай қараб қолдим” [1, 14].

Ушбу киска экспурсиядан аён бўлаёттири, ёзувчининг асосий мақсади ёш овчи нигоҳи орқали нотаниш одамнинг характер хусусиятини, тоғликларга хос бой ҳаётий тажрибасини, энг муҳими, соғ инсоний туйғуларга тўлиқ маънавий оламини кўрсатишдир. Ёзувчи ушбу бадий ниятни киска-киска диологлар, ҳаётий лавҳа ва деталлар орқали тасвиirlашга ҳаракат килиди. Энг муҳими китобхоннинг нотаниш одамга бўлган дикқатини ҳикоя сўнгигача жалб этиб туради ва якунда унинг қалб гўзаллilikларни очиб бера олади. Ҳикоянинг эстетик киммати ҳам ана шунда.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, адаб ижодининг илк босқичидаёқ асарларида ижтимоий муаммолардан кўра маънавий олам тасвирига кўпроқ эътибор қаратди. Айни хусусият бора-бора ёзувчи эстетик позициясини белгиловчи асосий мезонга айланди. Бу адаб ижодининг энг муҳим жиҳатидир.

Адабиётлар:

1. Холмирзев Ш. Сайланма. I-жилд. Ҳикоялар. – Т.: Шарқ, 2003. – 445 б.
2. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 546 б.
3. Каримов Ҳ. Шукур Холмирзаев. – Т., 2000. – 78 б.
4. Каримов Ҳ. Истиқлол даври наасри. – Т.: Zarqalam, 2007. – 96 б.

Жабборова Д.,
Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

ДАВР ЎЗГАРИШИ ВА ЯНГИЛANIШ ЖАРАЕНИ

Ўтган асрнинг 1980-1990 йиллари инсоният тарихида янги сахифа очувчи давр сифатидаги муҳрланди.

Бу даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган реал воқеалар президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли китобида бутун тафсилотлар билан ҳаққоний ёритиб берилган. Бу асрнинг буюк тарихий ва тарбиявий аҳамияти шундаки, унда биз нафакат Ватанимизнинг янги, мустақил тарихи остонасидаги ўта зиддиятли жараёнларига аниқ факт ва воқеалар воситасида гувоҳ бўламиз,

балки юртбошимиз тимсолида бугунги шиддаткор ва мураккаб замонда тарихий шахснинг мамлакат тақдиридаги буок хизмати ва ўрнини кўрамиз.

Ана шундай ижтимоий-сиёсий мухит шароитида адабий меросга муносабат тубдан қайта курилиш-ўзгариш ва янгиланишга замин хозирлаётган эди.

Ўтган асрнинг 80 йилларнинг биринчи ярмида Чўлпон, унинг шахси, асарлари ҳакида матбуотда бирор-бир сўз айтишнинг имкони йўқ эди. Ҳатто 40-50 йилларда “адабиётда фоявийлик, партиявийлик”ни шиор килиб олган адабиётшуносларнинг мақолаларида Чўлпоннинг номи “миллатчи”, “аксилинқилобчи” сифатида қоралаб ёзилган бўлса, кейинчалик бу ном ҳатто танқид килиб ҳам ёзилмади. Чўлпонни унуттириш, унинг номини халқнинг, адабиёт муҳлислиарининг ёдидан чиқариш мақсадида айнан шундай йўл тутилгани сир эмас.

Қалбida бу буюк шоирга чексиз хурмат ва эҳтиромини сақлаган ижодкор, адабиётшунос, умуман аср ўзбек зиёлилари Чўлпонни, унинг порлок шеъриятини ёдда сақлар, унгутмас, яширинча нусхалар кўчириб, айrim давраларда ўқиб, эслаб турарди. Ўша йилларни эслаб Тоҳир Қаҳхор ёзади: “Оқшомлари баъзан номи ва китоблари таъкидланган Чўлпоннинг (бир неча шеъри киритилган “Гирик сатрлар” тўплами ҳам чон этигигач, йигиб олинганди) шеърлари ўқиларди. Уларни Бойбўта aka (Бойбўта Дўстқораев назарда тутилаёт-Д.Ж.) ўзига хос ёқимли, рубобий овозда ўқиркан, барча ром бўлиб қоларди...” [2, 29].

Ушбу эътироф миллатпарвар Чўлпоннинг ўша мустабид тузум даврида ҳам халқ хотирасида яшаганидан, унинг эътиқоди ва порлок фоялари зиёлилар, талабалар қалбига мустаҳкам ўрнашганидан далолатdir.

“Қайта куриш” деб номланган, сана нуқтаи назаридан 80-йиллар иккинчи ярмидан Ўзбекистон мустакил давлат деб ўзлон килингунгача, яъни 1991 йил сентябргача бўлган вақт оралиғи ўзига хос бир давр бўлди. Бу давр халқимизнинг ўзини англаш, кадриятлари, маданий ва адабий меросига муносабатда алоҳида тарихий аҳамият касб этди. Жумладан, Чўлпон шахси, таржима ҳоли, айrim асарлари, унга шўро замонининг 20-30-йилларида берилган “баҳо”га муносабатда ҳам.

Биз бу давр чўлпоншунослигига қизғин бошланган жараённи тадқиқ этишдан бурун айни шу жараён билан боғлиқ айrim мухим тенденцияларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, деб билдиқ.

Чунончи, 80-йиллар охири ҳали шўро тузуми амалда, комфиқанинг қарорлари чиқиб, шиорлари барадла янграб турган бир пайт эди. Шу боис, “ошкоралик” имкониятлар ҳали Чўлпон ҳакида бор ҳакиқатни очиқ айтишга изн бермас эди. Умуман олганда, ўша даврда ўзбек танқидчилигини партиявий, фоявий ўзанга солиб турадиган тирик ва обрўли адабиётшуносларнинг мавқеи жуда юқори эди.

Бу эса, ўз навбатида, адабиёт тарихи, адабий мерос, асарлар таҳлилида ўта эҳтиёткорлик билан иш қуришни тақаזו этарди. Шундай бир шароитда, ижтимоий ҳаётда рўй бера бошлаган ўзгаришлар туфайли, 80-йиллар охирида Чўлпон ва унинг адабий меросига муносабатда ҳам күшёрлик билан иш юритишини талаб этарди. Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳафталигининг 1987-йил 4 декабр сонида берилган бир саҳифа материал айни шу жиҳат билан характерлидир. Саҳифада Чўлпоннинг ўн тўрттacha шеъри берилган. Бу шеърлар орасида шоирнинг турли йилларда ҳар хил муносабат билан, масалан, Максим Горькийга бағишланган “Яхши бор, устоз!”, “Октябрнинг XVII йиллиги кунида” битилган “Бу куннинг шиори” Ўзбекистоннинг 10 йиллигига аталган “Диёрим” сингари шеърлар қаторида жуда кўп танқид килинган “Кўнгил”, “Мен ва бошқалар”, “Кўзғалиш” каби исенкорлик, тушкін кайфият оҳангидаги машҳур шеърлар ҳам бор.

Характерли томони шундаки, бу шеърлар, умуман, Чўлпон ижодидан намуналарнинг ниҳоят ўзлон килиниши комфиқанинг ноҳақ қатагон қилинган шўро даври зиёлилари хотирасига эътибори, “Сталин шахсига сифиниш”нинг оғир талафотларини бартараф этишда партиянинг жонбозлиги, адабиётга ғамхўрлиги сифатида талқин этилади. Саҳифанинг бошидаги “Қайта куриш ва маданий мерос” номли имзосиз мақолада “қайта куриш

бошланган кейинги икки йил мобайнида ошкоралик ва демократия ижтимоий тараккиётин тезлашириувчи, амалиётта юксак ургу берувчи буток омил эканлиги” таъкидланади.

Биз “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида эълон қилинган бу дастлабки сахифада 80-йиллар иккинчи ярмидан мустақилликкача бўлган вакт мобайнида Чўлпон ижодини тиклаш, ундан намуналар эълон қилиш, шоир шахси билан танишириш йўлида ўзбек танқидчилари ва адабиётшуносиги фаолиятининг тутган оқилона йўлини кузатамиз. Муроса билан, мустабид тузум талабларига зид бормаган ҳолда, ўрни билан комфирика сиёсатини олкишлаб катагон курбонлари номини, обрусини, ижодидан айрим намуналарни ҳалққа қайтариш тенденцияси айни шу давр танқидчилигининг энг долзарб вазифасига айланган эди.

Адабиётлар:

1. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1982 йил, 13 август.
2. “Дилпарвар олим”, рисола. – Т.: Баёз, 2013.

Жўраева Д.,
Низомий номидаги ТДПУ магистранти

БАХТ ЎЗИ НИМАДИР, БЕБАХТЛИК НИМА?

Шеър ўкишдан мақсад – маънавий-руҳий озуқа олиш. Кучли туйғу ва эхтирос эса шеърнинг таъсир кучини оширадиган, унга шира, тот берадиган масаллиқдир. Муҳими, ана шу туйғу ва эхтирос юксак бадиият илиа ифодаланмонги лозим.

Шоир абадий ва азалий муаммолардан ташкари, замондошларининг бугунги куни билан яшаса, кувончуғ фамларига шерик бўлса, хис-туйғулари, ўй-фикрлари, дардларини дилдан хис эта, қалб призмаси орқали ўтказа олсагина ҳақиқий ижодкор деган номга муносиб. Усмон Азим шеъриятини кузатар эканмиз, унинг ижоди бу талабларга тўла-тўқис жавоб беришига ишонч ҳосил қиласиз.

Усмон Азимнинг “Инсонни тушуниш”дан бошлаб “Юрак”, “Фонус” тўпламларигача бўлган ижодий йўли уни ижодкор сифатида анча юқорилаганидан далолат беради.

Она мавзуси санъатнинг ҳар қайси тури учун азалий ва абадий мавзулардан биридир. Зеро, тириклиқ, бардавомлик оналар туфайлидир. Ҳаваскор ижодкор сўз санъати остонасига қадам қўяр экан, энг аввало, Ватан, она мавзусига мурожаат қилишининг боиси ҳам ана шундан.

Шоирлар она ва унинг қайноқ меҳри ҳақида кўплаб шоҳ сатрлар битган. Алишер Навоийнинг ҳадиси шарифлардан илҳомланиб битган қуидаги мисраси ҳар қайси замон кишисини ҳам бефарқ қолдирмайди:

Аноларнинг оёғи остидадир
Равзай жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолин истар эсанг,
Бўл анолар оёғин туфроғи.

Усмон Азимнинг “Онамга мактуб” шеъри “Дарс” (1986 й) шеърий тўпламидан ўрин олган. Шеърнинг илк мисрасидан лирик қаҳрамон кайфияти ва руҳий олами куз фасли билан боғлиқ ҳолда ёритилганига гувоҳ бўламиз. Қайд этиш керакки, куз фасли билан боғлиқ табиат ходисаларини лирик қаҳрамон руҳиятини очишга хизмат килдириш Усмон Азим шеъриятига хос хусусиятлардан биридир.

Эрта-индин елар изгирин,
Йикиласди боғларда туман.
Англагани яшашининг сирин
Сўзлашаман ёмғирлар билан.

Лирик қаҳрамонни бундай түшкүн ҳолатдан ёр-дүстлар давраси, сұхбати халос эттөмайды. Чүнки у күмсаган, истаган нарса маст-аласт давра, манфаат асосига курилган, заиф ришиналар асосига курилган дүстлар мөхри эмас:

Масту аласт, бегам дүсту ёр.
Толиктираар қалбимни маним.
Шунда бирдан бүлади ошкор
Ёлгизлардан ёлғиз эканим.

Инсон ҳаётдан маъно тополмаган, зериккан чоғларда илиқ бир тафтни – меҳрни күмсайды. Бундай меҳрни на дүстдан, на севимли ёрдан топиб бүлади. Фақат оналаргина фарзандини бегараз севади, уни күз қароғида асрайди. Лирик қаҳрамон энг гүзәл шеърини ёзгандан сүнг онасини эслаб йиглаши бежиз эмас. Энг гүзәл шеърини яратиш хар бир ижодкорнинг орзузи. Ўзи ёзган шеърдан күнгли тўлиши ва ана шундай ном билан аташи ижодкорга мислсиз руҳий қоникиши, қувонч ҳади этади. Бундай дам эса ижодкорга умуман насиб этмаслиги ҳам мумкин. Насиб этган тақдирда эса бундай қувончлик лаҳзаларни онаизор билан баҳам кўришини истайди. Аммо она ундан олисада бўлса-чи?

Деразага ҳўл багрин босиб,
Кузак туни сургандандар хаёл –
Мен энг гүзәл шеъримни ёзиб,
Сизни эслаб йиглашим аён.

Бу сатрларда она кўкка кўтариб мақталмаган, унинг шарафига мадҳ-сано ўқилмаган. Шеърнинг бирор ўрнида она сўзи ишлатилмаган. Шеърнинг ким ҳакида эканини унинг сарлавҳасидан билиб олиш мумкин. Шундай бўлса-да, шоир ўз фикрини ўкувчига тўлалтўқис етказа олган. “Ҳақиқий шоирнинг руҳ ва фикр мақоми ўзига хос, доимо юксак бўлади. Бу ўзига хослик ва юксакликнинг муҳим бир жиҳати –оломонни қизиқтирувчи, оломонга маъқул келувчи фикр ва туйгулардан шоир қалбининг покланишидир. Акс ҳолатларда шоир оломоннинг ортидан эргашиб юрмаса, ўзи хоҳласин, хоҳламасин оломон кўйчисига айланни колаверади,” деб ёзди адабиётшунос олим Наим Каримов.

Усмон Азимнинг “Иккичи апрель” (1987 й) китобидан ўрин олган “Она келганингизда...” шеърига диккат қаратамиз:

Она, келганингизда
Кўйлак олиб бермадим...
Пулим йўқ эди, она.

Она, келганингизда,
Очилиб гаплашмадим...
Вактим йўқ эди, она.

Лирик қаҳрамон она олдида кулиб юрмаган, боиси у ўзини баҳтсиз санайди. У қанчалик баҳтсиз бўлса-да, ўксиниб ҳам йиглолмайды. Боиси бунга унинг ҳаққи йўқ. Шеърнинг сўнгги бандида лирик қаҳрамон онасига тилак билдиради:

Она, баҳтиёр бўлинг!
Сизни кўлласин тақдир.
Она, баҳт ўзи нима,
Она, бебаҳтилик надир?...

Фарзанд онани баҳтиёр бўлишини истамоқда. Лекин юқоридаги мисраларни ўқигач, бунга ишониш мумкини? Йўқ, асло. Ҳаёт синовларига зўр-базур дош бериб келаётган, баҳтсизликдан бўғилган фарзанднинг онаси ҳеч қаҷон баҳтли бўлолмаслиги аник.

Мазкур шеърда шоир характерига хос хусусиятларни ҳам, йилларнинг дард-аламли акс-садосини ҳам кўриш мумкин, кечинмаларнинг лирик ифодалари шеърга жонлилик, ҳаётий жозиба бағишилаган.

Лирик ифодани аввал уч мисралик, сўнг тўрут мисралик бандда берилиши шеърнинг бадииятини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Бундай усул фикр шиддатини ва таъсир кучини оширган. Шеърий матнда унинг яхлитлигини таъминлаб турадиган “реле”

(электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб) вазифасини бажарувчи сўзлар бўлади. Шеърда шакл яхлитлигига путур етса, мазмун ҳам парокандаликка учраши табиий. Реле сўзларнинг аҳамияти тўртлик, учлик, фард сингари кичик ҳажмли лирик шеърларда намоён бўлади. Чунки ҳажмнинг сикиқлиги уларда реле сўзларнинг бўртиб кўринишига ёрдам беради. Юкоридаги шеърда “она” сўзи ана шундай вазифани бажарган. Ҳар бир банднинг она сўзи билан бошланиб, шу сўз билан тугаши ёки аниқ йўналтирилган мурожаат китобхон фикрни шу сўз атрофига жамлайди.

Усмон Азимнинг шеърлари осон ўқилмайди, енгил “ҳазм” бўлмайди. Уларни ўқиши аспосида ўқувчи ҳам фикрлайди, ўйлашга мажбур бўлади, ўз-ўзини тафтиш киласди. Зоро, чинакам шеърият шундай бўлади, қофозларда қолиб кетмайди, юракларга кўчади, харакатлантиради, ўйлантиради, доғлантиради, хотиржамлик беради.

Адабиётлар:

1. Усмон Азим. Дарс. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. Усмон Азим. Иккинчи апрель. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
3. Усмон Азим. Юрак. – Тошкент, 2009.

Саденова А.Е.,
Әл-Фараби атындағы ҚҰУ ф.ғ.д

ҚАЗАҚ ТІЛІН МЕНГЕРУДЕ ДИСКУРСТЫҚ ҚҰЗЫРЕТТІЛІКТІҢ ҚАЛЫПТАСУЫ

Тілге, тіл үйренуге, тілдік катынас жасай білуге байланысты «тілдік құзыреттілік», «сөйлей білу құзыреттілігі» және «тілдік катынас құзыреттілігі» немесе «қатысымдық құзыреттілік» деген бірнеше ұғымдар қалыптасқан. Біріншіден, тілдік құзыреттілікті, басқаша айтқанда, лингвистикалық құзыреттілікті тілдің теориялық мәселелерін жақсы білу және оны түсінү, дұрыс пайдалана білу деп қараста болады; екіншіден, сөйлей білу құзыреттілігі өзінің ойын сез арқылы дұрыс құра білу қабілетінің болуы; үшіншіден, тілдік катынас құзыреттілігі немесе қатысымдық құзыреттілік әртүрлі адамдармен әртүрлі жағдайларда үйренген тілде сөйлесе білу қабілетінің болуы деген бірнеше түсінік бар. Мұнда басты назар қатысымдық мақсаттарды дұрыс шеше білуге аударылады. Ол тілдесімді кажет етпейтін жердің өзінде мәселені сөзбен шешуге тырыса білу дағдысының болуымен байланысты.

Сөйлеу қызметтінің 4 түрі (айту, тыңдау, оку, жазу) жалпы коммуникативтік әдіс арқылы қазак тілін менгерудің мақсаты болып табылады. Бұл мақсаттарға жету инофонның тілдік құзыреттілігін қалыптастырумен байланысты болып келеді. Тілдік құзыреттілік деп тілдің барлық деңгей бірлігін білу (тілдік жүйе) және кез келген сөйлеу құрылымын түсінү және құрастыру үшін қолданытын ережелерді айтuga болады.

Тілдік (коммуникативтік) құзыреттілік деп адамның өмірдегі шынайы жағдайда тіл арқылы катынаса алу қабілетін түсінүте болады. Қандай да бір тілді оқытуда коммуникативтік құзыреттілік әдістемелік түрғыдан арқа сүйектін және дамыттылуға тиісті басты категориялардың бірі болып табылатын және бірнеше құрамдас бөліктен тұратын күрделі ұғым.

Коммуникативтік құзыреттіліктің бірнеше түрі бар, солардың бірі – прагматикалық құзыреттілік. Бұл прагматикалық құзыреттілік сөйлеу және дискурстық сияқты түрлі аспектілерге ие. Прагматикалық құзыреттілік деп коммуникативтік ділтің (намерение) сәтті жүзеге асуымен байланысты нақты жағдаятқа жауап беретін сөйлеу ережелерінің тактикасы мен стратегиясын тандауды айтуга болады.

Дискурстық құзыреттілік – дискурстың әртүрлі түрін ажырату, олардың құрылу жолдарын білу, сөйлеу жағдаяттына байланысты дискурстың түрлерін қолданып және түсінеп білу болып табылады. Мұндағы дискурс көпмағыналы ұғым ретінде уақыт талабына сай оқытудың мақсаттары мен міндеттерінің үнемі өзгеріп отыруына байланысты жаңа мәндерге ие болып, оның рөлі мен қызметі де өзгерістерге ұшырайтыны белгілі.

Тіл үйретуге катысты әдістемелік әдебиеттерде коммуникативтік құзыреттіліктің құрамдас бөліктері – тілдік құзыреттілік пен дискурстық құзыреттіліктің жоғары деңгейін қалыптастырып, дамыту тіл менгерудің басты мақсаты ретінде көрсетіледі. Тілді қатысым арқылы менгертуде дискурстық құзыреттілікті қамтамасыз ету – ерекше назар аударылатын мәселе.

Дискурстық құзыреттілік дегеніміз диалог барысын нәтижелі жүргізуі, түрлі жағдаяттарда түрлі сөйлеу моделін, формалдарды қолдана білу болып табылады. Диалогтық дискурстар арқылы инофонның диалогқа кіру, оған белсенді араласу мен оны жүргізе білу, оны дұрыс аяқтай білу сияқты дағдысы мен машығын дамытып жетілдірін, сол негізде оның дискурстық құзыреттілігін де қалыптастыруға болады.

Дискурстық құзыреттілік – прагматикалық мәннәтінге жауап беретін сөйлеуді тудыратын және қабылдау қабілеттігін билдіретін оку үдерісінің маңызды элементі болып табылады. Ол ақпараттық-коммуникативтік, танымдық және рефлексті қызметтің сипатын көрсетеді және сөйлеу қызметтінің жетістігіне – коммуникацияға, интеракцияға, өзара

катаинасқа әсер етеді. Тіл менгеру саласындағы дискурстық құзыреттілікті қалыптастыру мәселесінің бір жағынан мәдениетаралық коммуникация үшін маңыздылығы зор.

Дискурстық құзыреттілік дискурсқа кіретін, оның құрамындағы мәтіндердің әртүрлі болуын қамтамасыз етегін фактор. Мазмұны мен түрі жағынан аяқталған және біртұтас құрылым ретінде мәтін нақты бір тақырыпқа негізделестін және қатысым актісін көрсететін, оның құрамында игерілестін лексикалық-грамматикалық материал болатын және белгілі бір тілде сөйлеушілердің сойлеу коммуникациясының үлгісі ретінде қарастырылатын сөйлеу бірлігі түргысынан алынады. Дәлірек айтсақ, мәтін, ең алдымен, белгілі бір ақпаратты жеткізуши құрал және нақты тілдік материалдың қолданылу үлгісі болып табылады. Ал қазіргі кезеңде бұл функциялар оқытудың коммуникативтік мақсаттарына сай келе бермейді, себебі қатысым актісінде негізгі нәрсө – мәтіннің мазмұны және оның тілдік формасы емес, сөйлеуші-коммуниканттардың коммуникативтік мақсаттарының болуы және олардың орындалуы. Бұл жағдайда мәтін осы (коммуникативтік) мақсатқа жетудің құралы қызметтің атқарады, ал құралды мақсаттан болған қарастыруға болмайдының анық.

Дискурстың құрамына кіретін мәтіндер сөйлеушіде төмөндегідей машиқтары мен дағдыларын қалыптастыруға мүмкіндік береді:

- мәтіннің логикалық-мағыналық құрылымын түсіне білу;
- мәтіннің композициялық жағын қамтамасыз ету (құрылымы бойынша кіріспе, негізгі болім, және қорытындының болуы);
- жоспардың әр түрін жасай білу;
- баяндау тәсілін анықтай алу (суреттеу, хабарлау, пайымдау, ой қорыту т.б.);
- баяндау тәсілдерін қолдана отырып, мәтіндердің түрлерін түзе білу;
- баяндау әдісін түсіне білу (дедуктивтік, индуктивті; дедуктивті-индуктивті; индуктивті-дедуктивті);
- баяндаудың белгілі бір әдісіне сәйкес мәтін түзе білу;
- лексикалық-грамматикалық амалдарды қолдана білу; әртүрлі мәтіндер мен олардың жеке боліктері үшін стилистикалық тәсілдерді қолдана білу;
- байланыстыруши сөздерді анықтай алу және оларды дұрыс қолдана білу.

Кез келген дискурс белгілі бір нақты әлеуметтік-мәдени мәнмәтінде және лингвомәдени қоғамдастықта пайда болады және сонда озекті болып табылады. Осыған байланысты дискурстың түрлері және мәтіннің мазмұны мен мағынасы лингвоелтанымдық фондық билім және тілдік мәдениет негізінде ғана құралады. Мысалы, мынадай шарттар орындалған жағдайда мәтінді дұрыс, адекватты үғыну, түсіну мүмкін болады:

- сөйлеуші мәтіннің дереккезімен (газет, журнал, кітап т.б.) таныс болғанда;
- баяндаудың отырган мәселеден хабардар болғанда (белгілі бір оқига, оның себебі, даму динамикасы т.б.);
- автор туралы мағлұмат болғанда (оның әлеуметтік рөлі, көзқарасы, пікірлері т.б.).

Тілді менгеру үдерісінде инофонның мәтіндерді жаттау алуы қажет емес, сөйлеу жағдаятына және коммуникативтік мақсатқа байланысты тақырып бойынша дискурс құрып, оны түсініп, қабылдауы аса ұтымды. Осыған байланысты, тіл менгертуде озара тілдесім барысында инофон ең алдымен өзінің коммуникативтік мақсатын анықтау алуы тиіс, яғни не үшін сөйлейді немесе жазады, соны негізге ала отырып, ол дискурстың тақырыбы мен түрін таңдайды. Мұнан соң қандай жағдайда (ресми немесе бейресми) және кіммен тілдесетініне байланысты мәтіннің мазмұны мен тілдік нысаны анықталады. Ал оның тұндаушысы өзімен тілдесіп отырган коммуниканттың қандай коммуникативтік мақсатты көздел отырганын және жалпы жағдаятын түсініш, бағалап, сол негізде тілдесімге бейім болуы керек. Осындай шарттар орындалған жағдайда ғана айтылып жатқан ой түсінкті болып, соған сәйкес жауап берілпіп, реакция жасалынып, жалғасын табады.

Менгеру үдерісінде қолданылатын дискурстар сол тілді менгерту мақсаттарына сәйкес болғаны дұрыс. Бұл орайда еркін сөйлеу дәрежесіне жеткеннен кейін инофон қандай ортада, кімдермен, қандай салада тілдесетін жағдайын ескерген абзал. Бұл тіл менгертудин көсіби бағдарлы және жеке тұлғага бағытталуына мүмкіндік туғызады.

Күнделікті жұмыс тәжірибесінде нақты бір дискурспен таныстыру аутентивтік, коммуникативтік жағдайты көрсететіл құрылым болып табылатын артүрлі диалогтар арқылы жүзеге асырылады. Әдетте тіл менгерудің бастапқы кезеңінде жұмыс негізінен бейресмі тілдесімге құрылған тұрмыстық, мәдени және білімдік сипаттағы дискурстар бойынша ұйымдастырылады. Мысалы: тұрмыс, мәдениет, білім тақырыбындағы хабарламалар бойынша өтініш жасау; әрекет, құбылыс, фактіге түсінкітеме беру; заттар, оқиғалар, құбылыстарды суреттеп, әңгімелу; оқига құбылыстарды талдау, бағалау; құптау немесе жоққа шығару, жауап беруден жалтару; көзін жеткізу; кеңес беру т.б.

Тіл менгерудің келесі жалғастыруышы кезеңінде реєсмі тілдесім және кәсіби қызметке байланысты дискурс түрлеріне машиқтандыру жұмысы жүргізіледі. Ауызша сөйлеу бойынша дискурсты мына түрлерде игертуге болады: іскерлік әнгіме; іскери және кәсіби мәселелерді талқылау; қайталап сұрау; пікірталас; полемика; баяндама; хабарлама, ауызша пікір беру, шолу, есеп т.б. Бір түрлі аутентивті диалогтық дискурсты талдау арқылы оның коммуникативтік мақсаты логикалық-мазмұндық және синтаксистік құрылымы, сонымен қатар мәтін ішінде байланыс құралдары да аныкталады.

Дискурстың түрі осылайша анықталғаннан соң, реєсмі немесе бейресмі тілдесім жағдаяты белгіленеді. Бұл жағдаяттар мынадай болуы мүмкін: тұрмыстық салада – үйде, отбасында; достармен кездесу – дүкенге (азық-түлік, онеркәсіп тауарлары) бару; көліктен (метро, автобус, такси, пойыз, ұшак) жүру; қалада (бейтаныс) қыдыру, болу; оку орнында (мектепте, институтта т.б.); үзілісте, демалыста; ауылдық жерде болу; кітапханада т.б. мәдени орнында болу; үй шаруасымен айналыс т.б. Келесі кезеңде осындағы жағдаяттарға байланысты туындау ықтимал қындықтар айқындалады: ата-аналар мен балалар; ұстаз береншілдегі; қаржы мәселесі; демалыс, адамың қогамдағы орны т.б.

Жағдаяттардың келесі бір тобы тіл менгерудің жоғарғы деңгейлерінде еркін сөйлеу дәрежесінә жеткен кезде кәсіби салаға байланысты болады: кәсіпорында (мекемеде) шетелдік мамандарды қабылдау; олармен кездесу; іскерлік байланыстар орнату; шарт жасасу; келіссөздер жүргізу; белгілі бір жоба, тақырып бойынша бірлесіп жұмыс жасау; кенестер, отырыстар, конференцияларға, симпозиумдарға қатысу т.б. Кәсіби саладағы мүмкін болатын қын жағдаяттар: білім алу; жаңа технологиялар; қоғам өміріндегі техникалық ілгерілеу (прогресс); мамандық таңдау, еңбекақы төлеу, әріптестермен өзара түсінушілік т.б.

Дискурстың жағдаяттардың тобы әлеуметтік-мәдени салаға байланысты. Ол сөйлеу актісіне қатысушылардың реєсмі немесе бейресмі жағдайдагы тілдесімі; саясат, экономика, ғылым, экология, мәдениет, согыс және бейбітшілік; ынтымақтастық мәселелерін талқылауы; сонымен қатар театр, кино, мұражай, концертке баруы; стадион, бассейн т.б. спорт кешендерінде баруы және басқа қоғамдық шарапаларға қатысуы; кітапханаға баруы; әдебиетке қызығушылығы; тарихи ұлы оқиғалар, ел мен қаланың әсем табиғатын және көркіті жерлерін аралауы түрішде болады.

Жағдаяттардан тағы мынадай проблемалық жағдаяттар құрыла алады: демалыс пен көңіл көтеруді ұйымдастыру; жастар мен еліміздің өміріндегі мәдениеттің, спортының, өнердің алатын орны; БАҚтың ролі мен қызметі.

Осылайша, тіл менгеруде берілген дискурстың түрлеріне байланысты жағдаяттар, проблемалар анықталғаннан кейін инофондардың мәртебесі және олардың коммуникативтік мақсаттары белгіленіп көрсетіледі. Сонымен бірге «әлеуметтік лингвистика саласы бойынша институционалдық дискурсқа» да назар аударылуға тиіс, мұнда қатысушы-агент пен клиенттің қатынасында байланысты мынадай түрлөрі болуы мүмкін: ата-аналар мен балалар; ұстаз береншілдегі; дәрігер мен науқас; сатушы мен сатып алушы; полиция қызметкері мен түрғын, делегация мүшелері мен қабылдаушы; жүргізуши мен жолаушы; конференцияға қатысушы мен мекеме (елшілік) қызметкері т.б.

Аталған жағдаяттарға тән мынадай коммуникативтік мақсат қойылуы мүмкін:

- қажетті ақпаратты сұрау, алу, хабарлау;
- шешім қабылдау үшін бір мәселені талқылау;

- өз пікірін, ұстанымының дұрыстығына әрітесінің көзін жеткізу;
- белгілі бір оқига, фактін талдау, оған баға беру;
- өз пікірін, кезқарасын білдіру;
- әрітесінің пікірін құптау немесе құптамау, жокқа шығару;
- келісу немесе келіспеу;
- өз ұсыныстарын негіздеу;
- мәселені шешудің жолын көрсету;
- фактін, деректі колденоң тарту;
- қорытындылау, талдау, сараптау, баға беру;
- идеяны қолдау немесе қарсы болу;
- сенім / сенімсіздік білдіру;
- талқыланып жатқан мәселелеге сын айту;
- белгілі бір оқиғаны, құбылысты, нысанды, адамды сипаттау т.б.

Келесі кезекте коммуникативтік мақсатқа жету құралдары ретінде узуалды тілдік құралдар таңдауды алғынады. Қазак тіліндегі шынайы әмір тақырыбын қамтитын диалогтық дискурстарда қазақ халқының сөйлеу ерекшелігі молынан қамтывады. Бұл инофонның сөйлеу тілінде диалогқа тән айтылым мәнерін диалогқа тән тілдесім дағдысын қалыптастыруға мүмкіндік береді.

Тілдесімде диалогқа қатысушылардың әлеуметтік мәртебесі барлық тілдік, тілдік емес құралдарды сөйлеушінің қатысымдық мақсат-ниетіне бағындыратын фактордың бірі болғандықтан, тілдік қатынаста инофонның әлеуметтік құзыреттілігі де жетіши, дами туследі.

Тілдік қатынастық құзыреттілік тілді менгерумен тығыз байланысты. Бұл – қарым-қатынастық мәселелерді сөйлеу құралдары арқылы шешу деген сез. Тілдік және сөйлей алушылық құзыреттіліктірінің болуы, тілдік қатынастық құзыреттілікке алды баратын аралық жол, баспаңдақ іспетті. Тіл менгеру үдерісіндегі диалогтық дискурстарды қолдануда елтану үғымдарын енгізу, қарым-қатынас үйреніп жатқан тілде жүргізіледі. Тілдесе қарым-қатынас жасау инофонның сөйлеу әрекетінің әр түрінде көптеген сөйлеу актілерін жүзеге асыра білу дағдысын қалыптастыра алады. Тілдік қатынастық құзыреттілік түрлі деңгейдегі интенциилар арқылы жүзеге асырылады. Олардың көмегімен инофон диалогқа себеп болған әрекеттің мақсаты мен әрбір серіктестің диалог үстінде пайдаланған айтылышы құрылымдарының арақатынасын салыстыра алады. Сөйлесу арқылы қарым-қатынас жасау айт羞ыда да, тыңдаушыда да оған деген қажеттілік болғанда туындаиды. Сондықтан тілді менгеру – инофонның өз алдына қойған қатысымдық міндетті шешу қабілеті.

Диалогтық дискурстардың этномаркерлі бірліктерден құралған үлгілері ұсынылады. Ал бұл үйреніп жатқан тіл халқының мәдениетін көрсетеді. Сондай-ақ басқа үлт өкілдерінен де осындай тілдік қатынас күттетінін аңғартады. Мысалы, қазақ халқы дарқандықты, жомарттықты, қонақжайлышты, жинақылықты, тәртіптілікті, алдағы әмірді болжаушылықты жақсы көреді. Бұл аталған халықтың мінезд-құлқын айқындастының жекеленген қасиеттер, инофондардың тәртібіне, әдебіес, өздерін коршаған ортага қатынасына да өз ықпалын тигізбей көмайды.

Коммуникативтік құзыреттіліктің құрамдас компоненттерінің бірі ретінде дискурстық құзыреттілікті қалыптастыру, дамытудың өзіне тән жолдары мен шарттары бар екені байқалды. Мәдениетаралық тілдесімді жүзеге асыруда дискурсты үйімдастыру, жағдаяттарды, проблемаларды анықтап, коммуникативтік мақсатқа жетудің құралдарын белгілеудің, қатысымға байланысты инофондардың әркайсысының мәртебесі, функциясын көрсетудің, сондай-ақ ресми және бейресми түрдегі диалогтық тілдесім әрекетін үйімдастырудың жолдары қарастырылды.

Әдебиеттер:

1. Программа дисциплин «Иностранный язык для неязыковых факультетов университетов и неязыковых вузов». – М., 1990.
2. Маслыко Е.А., Бабинская П.С. Настольная книга преподавателя иностранного языка. – Минск: Высшая школа, 1997.
3. Общая методика обучения иностранному языку. – М., 1991.

Тұхлиев Б.,
Низомий помидаги ТДПУ профессоры

ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Анатолий Гин «Педагогик техника усуллары» деган китобида жуда қызықарлы бир мисолни көлтиради: «Болакай ваннага чүмилиш учун боришини хоҳламайды. Онаси эса уни зұрламайды, мажбур қылмайды, балки таклиф кирилади: юр, балиқчани чүмилтирамиз! Бундай мақсад бола учун тушунарлы ва уни үзига тортади – ана энді у балиқча билан ёнма-ён қолда зүр қаноат билан чүмила бошлайды. Онаси бұлса уни мажбур қылмасдан ҳам үз мақсадыға ершиди: үзининг кирлаб кетган дүмбоқчасини бемалол ювинтириб олды.

Ақылда она оддий педагогик усулни күлладыки, бу усулни мактабда боланинг ёши ва үкүв предметининг туридан қатыый назар татбиқ этиши мүмкін бўлади» [1, 11].

Она тили ва адабиёт дарсларида бу усулни күллаша имкониятлари янада кўп. Дейлик, 5-синфда «Ўзбек халқ мақоллари» мавзуси ўтилмоқда. Ким кўп мақол билади? деган савоннинг үзиёқ ўқувчиларни фаол ҳаракатга ундаиди. Уларни туркумларга (масалан, мавзусига кўра) ажратиши эса улар учун жуда марокли машғулотта айланниши мүмкін.

Бевосита айрим ҳаётін вазиятларда кўлланган мақоллар («Бу мақолни қаерда эшитгансиз?», «Уни ким айтган эди?», «Бу мақол нима учун кўланади?») изохи ҳам ўқувчиларни фаолликка ундаиди.

Тажрибали ўқитувчилар академик лицейлар ва касб-хунар колледжларида мумтоз адабий асарларнинг матни устида ишләтгандарда луғат билан ишлашни ташкил этишида ҳам шундай үзига тортадиган иш усулларини кўплаб татбиқ этишиди.

Масалан, академик лицейларнинг биринчи босқичида Ўрхун-Энасой обидаларини ўрганиш кўзда тутилади. Кўплаб ўқитувчиларнинг эътироф этишича бу мавзуни ўрганиш анчайин кийин хисобланади. Аммо биз унинг Республика иқтидорли болаларнинг мактаби – «Нафис санъат мактаби»да шундай бошланганига гувоҳ бўлдик:

«Дарё ёқалаб кетаётган одам унинг ҳавзасидаги манзараларга маҳлис булиб кетаётган эди. Атроф жуда чиройли. Баҳор бўлганилиги учун ҳамма ёқни яшил майсалар қоплаган. Ўт-ўланлар, дараҳтлар ҳаракатга кирган. Сувнинг тошиб, шошиб келаётгани кишига завқ бағишлайди. Кутимаганда, у майсалар орасида инсоннинг бошини кўриб қолди. Тикилиб туриб, унинг росмана инсон эканлигини кўрди. Кейин бир оз тўхтаб қолди. Кимсасиз бу ерларда инсоннинг булиши ҳайратланарни эди. Тикилиб туриб, кўзига кўрининг инсон аслида инсон эмас, тош ҳайкал эканлигини билиб қолди. Бу тош ҳайкаллар кейинчалик «Ўрхун Энасой обидалари» номи остида машхур бўлган тош битикларнага алоқадор ҳайкал – балбал бўлиб, уни топган одам машхур сайёх ва олим Ядринцев эди».

Бутун синф бу ҳикояни сукут ичиди, аммо катта ҳайрат ва ҳаяжон билан эшилди. Шундан кейингина тош битиклар оламига оид воқеалар таҳлилига ўтилди.

Айрим ўқитувчиларнинг ижодкорларимизнинг ҳаёти ва ижодларини ўтишдан олдин унинг шахсиятини, ижодий үзига хослигини, муайян асарининг ижтимоий-эстетик ахамиятини кўрсатиб берадиган кизиқарли ҳикоялар билан ўқувчилар эътиборини үзига тортиб олганини кўп кузатганимиз.

Масалан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишдан олдин халқ орасида Навоий тўғрисида яратилган ривоятларни эслаш, ижодкорларнинг Навоий ҳақида айтган фикр-мулоҳазаларидан, шунингдек, адабининг үзи яратган асарларидан парча ёки намуналар

ұқиши сингари усуллардан фойдаланыш мүмкін. Буларнинг барчаси ұкувчиларни үзига тортади, ром қилиб олади, натижада ұкучининг бутун дикқат-эътибори шу мавзу устида жамланади.

Она тиili дарснинг бошланиши олдиdan бир үкитувчи ұкувчилариға шундай мурожаат килди:

— Мен сизларга ҳозир битта топишмоқ айтаман, қаны уни ким топади?

Сүңг шу топишмоқ айтилади: «Ё пир, усти кир, олти оёкли, икки туёкли».

Табиийки, бундай топишмоқлар кучли мушоҳадани, зукколикни, ҳар бир сүз ва унинг ифодалёттган маъноси устида бош котиришни талаб этади. Бундай вазифа ұкувчиларни фаолликка ундаиди, уларни мустақилликка, ижодийликка чорлайди.

Албатта, педагог-тарбиячилар олдида имкониятлар күп. Энг мухими, улардан үз үрнида ва самарали фойдаланыш керак, холос.

Бадий асар таҳлили олдига қўйилган асосий мақсадлардан бири бўлажак тил ва адабиёт үкитувчиларидағи бадий адабиёт намуналарини бадий-эстетик таҳлили қилишга оид кўнникмаларини такомиллаштиришдан, мухими, уларни бадий сўз, китоб билан ошно килишдан иборатдир. Маълумки, сўз санъатига оид дурданалардаги ҳар бир компонент муйян бадий-эстетик вазифани адо этади. Мана шу вазифани кўра олиш малакаси эса ҳаммада ҳам бир хилда шаклланган бўлмайди. Бадий асар кўп таркибли курилмадир. Аммо унинг таркибидаги бирорта ҳам унсур ўз-ўзича мавжуд бўла олмайди. У, албатта, асарнинг бошқа қисмлари билан узвий алоқадорликдагина яшай олади. Масалан, бир шеърнинг тасвир воситалари, алоҳида сўзларисиз, вазну кофияларисиз унинг ритми умумий мазмун ва мақсади юзага чиқиши мумкини эмас. Ундаги гапларнинг курилиши, гапдаги сўзлар тартиби, сўзларнинг үз ва кўчма маъноси ҳам иккинчи даражали аҳамият касб этмайди. Шунга кўра бадий асардаги мавзуу ва ғоя ҳам, тегишли таянч сўзлар, мотивлар, баён тарзи, унинг композицияси, лирик қаҳрамон ҳолати ҳам ўзаро алоқадор ҳодисалар силсиласини ташкил этади.

Факат таҳлил жараёнида буларнинг барчасини бирданига қамраб олиш имкони бўлмайди. Шунга кўра, таҳлилда бу компенантларнинг бир ёки бир нечтасинигина жалб этиши мумкин, холос. Бу таҳлил үз олдига қўйиладиган мақсад ва вазифалар билан алоқадор холда белгилаб олинади.

Таҳлилларда лексик-семантик майдонга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун асарни бир марта үқиб чиқиши кифоя қўймайди. Таҳлил айни асарни бир неча марта тақроран үқишига асосланади. Таҳлилга жалб этилган материалларнинг барчаси умумий ўрта таълим мактаблари, академики лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари дастурларидан ўрин олган асарлардир. Демак, ушбу жараён бўлажак үкитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлигига ҳам кўшимча омил бўлиб қўшилади.

Маълумки, ҳар қандай матн, у соҳи илмий, соҳи публицистик, соҳи бадий бўлсин, курилишига кўра тегишли қонуниятларга бўйсунади ҳамда тартибга солинган бутунлик сифатида намосён бўлади.

Асарни дастлабки үқишида унинг ушбу яхлитлиги кўз олдимизга келади.

Хозирги пайтда она тиili таълимида кўп яхши тажрибалар тўпланди. Афусски уларнинг орасида битта умумий камчилик ҳам қўзга ташланиб қолади. Бу таҳлил учун жалб этилган бадий матнларнинг эстетик жиҳатларига кам эътиборлиликдир. Ваҳоланки, айни мана шу жиҳатлар бадий асарларда жуда бўргиб, ёрқин тарзда намоён бўлади. Зеро, ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар «тот кийигидек ёввойи сўзларни кўлга ўргатишади», бунинг натижасида эса олам-олам завқ ва ҳузур пайдо бўлади.

Ҳазрат Навоий айтганларидай:

Чун бу насим эсти азал тоғидин,
Мунча гул очилди жаҳон bogидин...
Тангрики инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Буларнинг барчаси шуни кўрсатадики, ҳар бир дарснинг, ҳар бир машгулотнинг аник мақсади, пухта режалаштириб олинган вазифалари бўлиши керак. Улар, албатта, фикрлашга чорловчи мақсад бўлиши, ўкувчини ўйлашга, китоб ўқишига жалб этиши керак.

Адабиёт:

1. Гин А. Приемы педагогической технологии. – М.: Вита, 2003. – С.11.

Мирқосимова М.,
Низомий номидаги ТДПУ профессори

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚОЗОҚ МАКТАБЛАРИ АДАБИЙ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

XXI асрнинг биринчи чораги дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборат коммуникация манзарасида чукур ўзгаришлар содир бўлаётган даврга айланди. Бугун турли мафкуралар тўқнашуви кескин тус олаётир. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат кўдрати билан курашиб ҳар қачонгидан кўра мухимроқ аҳамият қасб этмоқда. Ёшларни Ватангга мұхаббат, бой тарихимизга, аждодлар яратган улкан маънавий бойликка садоқат руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, адабиёт дарсларида эл ардоғига сазовор бўлган санъаткорларнинг бадиий баркамол асарларини ўргатиш воситасида ўкувчилар маънавиятини юксалтириш ҳар жиҳатдан долзарб эканлиги тушунарли. Зоро, ўз ҳалқи маънавиятини юксалтириш, умуминсоний ғояларни тараним этиш ижодининг бош пафосини ташкил этган сўз съяннаткорлари шахси, яратган асарлар ёшлар қалбida юксак инсоний туйгулар чукур илдиз отишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистондаги қозоқ мактаблари учун яратилган “Қозоқ адабиёти (V-XI)” (Т.: 2006 йил) ўқув дастурини тузишда адабиёт дарсларида муайян шоир ёки ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш воситасида ёшларга эл ардоғидаги яратувчи, фидойи, истеъододли сўз санъаткорларини танитиш ва ибрат килиб килиб кўрсатиш; улар яратган асарларни ўқиб ўргатиш, таҳлил килиш орқали шахсиятига ўкувчини яқинлаштириш; ҳар бирининг ижодий қиёфасини, ўзига хос тафаккур тарзини, руҳиятини англатиш, бетакрор бадиий олами, эътиқоди, дунёкараши мөхиятини тушунишга кўмаклашиш, кечинма ва туйғуларини юқтириш орқали ёш китобхонлар маънавий дунёсини юксалтиришга эришиш мақсади қўзда тутилган. Дастурга қозоқ адабиёти, туркӣ ҳалқлар ва чет эл адабиётининг сара, бадиий баркамол асарлари камраб олинган. Ўзбек адабиётининг ҳазрат Алишер Навоий, Ойбек, Миртемир, Ўйғун, О.Ёқубов, Н.Фозилов каби истеъододлар яратган асарлар ҳам дастурдан жой олган. Шуни таъкидлашни истар эдикки, бу ижодкорлар ҳаёти билан ижод намуналарини Ўзбекистонда яшовчи қозоқ мактаблари ўкувчилари диққатига ҳавола этиш воситасида ўзбек адабиёти ҳакида тасаввур ва муайян тушунчаларни шакллантириш қўзда тутилганлиги кувонарли ҳол, албатта. Аммо, фикримизча, танлаб олинган ижодкорлар ва уларнинг дастурдан жой олган асарлари йигирма йилдан ортиқроқ даврда шаклланиб ултурган бугунги мустакилик даври ўзбек адабиётига хос янгиланишларни, жаңрий-услубий ранг-бараглники ўкувчиларга тасаввур этдиришга мутлоко ярамайди. Ҳазрат Алишер Навоий ижодидан сўнг XX аср ўзбек адабиётининг Ойбек, Миртемир каби 30-60-йиллар ва О.Ёқубов каби 70-80-йиллар ижод намуналари қаторида А.Орипов, Мухаммад Юсуф сингари 90-йиллар авлодлари ижодидан намуналарни киритиш мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз. Ўзбекситон ҳалқ ёзувчиси О.Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса” романни ўрнига “Диёнат”, “Осий банда” ёки “Улугбек хазинаси” каби ижодидаги бадиий баркамол асарларидан бирининг дастурдан жой олиши бизнингча, ўринли бўлур эди. Айниқса, туркӣ ҳалқлар адабиётини ўрганишда бу заминда буюк темурийлар давлатини барпо этган Амир Темур каби улкан шахслар образи яратилган бадиий юксак асарларни ўкувчиларга ўзбек адабиёти намунаси сифатида тақдим этиши ўз ўтмиши ва маданияти тарихини, қозоқ ва ўзбек

халқлари маңнавияти, илм-фани, давлатчилик тарихининг муштарап кирраларини тұла тасаввур килиш имконини беради. Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг "Сохибқирон" драматик достони ана шундай асарларидан биридір.

Асарнинг, хусусан, драматик достоннинг киммати құпроқ ечимга боғлиқ. Ечим қай даражада маңнодор, қай даражада хаёттій бұлса, асар шу даражада мұкаммаллық касб этади. Бир зум юқорида қайд қилинган Темур фаолиятiga тегишли воеаларни хаёлдан үтказайлик. Агар муаллиф тарих воеаларинигина тасвиrlаганда асар үкүвчилар дикқатини буткұл жаңб қимлаган бұларды. Бадий барқамол асарлардагы буюк шахслар образини үрганиши оржай үкүвчилар улуғ инсонлар дүнёсини, қалби, кураш-интилишлари мазмунини англаб, хаётті хуосалар чиқарыша үрганадилар. Хүш, нима сабабдан "Сохибқирон" драмасыда Амир Темур жаңгларда эмас, балки құпроқ үй-фиркалар искаңжасыда акс эттирилған? Асарда Темурнинг мураккаб табиати унинг Амир Ҳусайн, Султон Боязид, амирлар, үғилларига мұносабатини құрсағын орқали очық ифода этилған. Амир Темир тажрибали ҳуқумдор ва етуқ файласуғ сифатида давлатни ушлаб турувчи таянчларни: "Мұл ҳазина, ягона шох, енгилмас лашқар" – деде белгилайди. Унинг жаҳонгирлиги суруда битта чүпон бұлғандай, халқни ҳам бир подшох бошқариши кераклиги борасыдаги қаноатида намоён булади. Драмада жаҳонгирнинг фукороларига мұносабати: "Хукумдорлар сева туриб фуқароларни, умид хамда құрқұв ичра сақлаши даркор", – деган қараңда акс этади...

"Сохибқирон" драмасының таҳлил этишида "Бурчаклар" деб аталыш интерфаол усуладан фойдаланыш катта дидактик самара беради. Бу усулининг үзиге хослиги шундаки, унда үкитувчи үкүвчиларнинг фикирларини түғиrlаш имконига эга бўлмайди. Бу усульнни адабиёт үкитиши жараённда қўллашдан мақсад үкүвчиларни, биринчидан, бадий асарни үқишига үргатиши, иккинчидан, үқиган асари юзасидан ўз фикрига эга бўлишга одатлантириш, учинчидан, ва энг мухими, бу мустақил фикринг, албатта, асар матнидан келтириб чиқарилишига эришиш, тўртингидан, ӯспиринларда ўз фикри учун масъулият ҳиссисини шакллантиришдан иборатдир.

Бу усульнни қўллаганда, үкитувчининг үкүвчилар фикрини тўғриламаслиги кераклигининг сабаби шундаки, үкүвчиларда нотўғри бўлсада, ўз фикри бўлиши мухимроқдир. Үкүвчининг нотўғри фикри качондир тўғрилаб олинади, лекин үкүвчилек даврида ўз фикри бўлишига эришмаган одам бир умр шу холича қолиб кетиши мумкин. Демак, у нафақат барқамол шахс, балки умуман, шахс сифатида шаклланмай қолади. Ҳолбуки, бугунги ӯзбек ва қозоқ мактаблари олдида үкүвчиларни барқамол шахслар сифатида шакллантириш вазифаси турибди.

"Бурчаклар" усули қўлланганда ҳам худди бошқа интерфаол усуллардаги каби олдин синфдаги үкүвчиларга "Сохибқирон" асари матни үкитувчи томонидан ифодали үқиб берилади. Үкүвчилар ўз дарслекларига қараб муаллимнинг үқишини кузатиб, асарнинг ӯзларida мұлоҳаза үйғотган үрнинларни белгилаб борадилар.

Инсон қалбидаги зиддиятты кечинмаларни таъсирчан манзараларда гавдалантириш азалдан ҳам Абдулла Орипов ижодига хос етакчи хусусият саналади. Шунинг учун "Сохибқирон" драмасидан ҳам шу хусусият бошдан охир "қизил ип" бўлиб үтган.

Натижада, Амир Темур дүнә ишлари, чигалликлари, инсон қысмати мураккабликлари, одамларнинг турфа табиати ҳақида муттасил үйлайдиган мутафаккир сифатида намоён этилған. Муаллиф драматик достонда қаҳрамонга хос ички коллизияларни құрсағында қарарат кильган. "Сохибқирон" драматик достон бўлғанлиги сабабли унда қаҳрамонлар қалбидаги ҳолатлар, ўз-ӯзини инкор этиб азобланишлар жараённи муттасил ривожланишда, шиддатли тарзда гавдалантирилган. Драматик достон воеалари давомида Амир Ҳусайннинг қалбida Амир Темурга нисбатан чексиз адоват мавжудлиги; укувсиз Амир Ҳусайннинг фаросатсиз, қалтабин, манфур қиёғаси китобхон қалбida нафрат үйғотса, сохибқироннинг зийраклиги, мұлоҳазакорлиги, вазиятта қараб иш тута олиши, адолатпарварлиги унга нисбатан хурмат-эътиқод ҳисларини үйғотади. Воеалар ривожида Амир Ҳусайн пасткаш, очқұз, тубан шахс сифатида гавдаланниб боради. Улжой Туркон ва Сохибқироннинг пок мұхаббат ришталари ёрқин бўёкларда акс эттирилған. Асарнинг бу эпизодлари үкүвчиларга

кучли таъсир күрсатыб, мустақил фикрлашга ва таҳлилга ундаши аниқ.

Шунингдек, умумталим мактабларининг битириувчи синфи ўкувчилари билан бергаликда "Сохибқирон" драмасини ўрганишда "Тармоқлар" интерфаол усулидан фойдаланиш ҳам мүмкін. Бунда ўспириналар драмадаги турли образлараро муносабатлар тарзи тасвирига қўпроқ эътибор қиласидилар. Асарадаги турли персонажлар тасвири бош қаҳрамон табиятини очишига қанчалик хизмат қилгани, асар конфликтининг ечилишида қандай ўрин тутгани баҳоланади. Бу усульда ҳам синфдаги ўкувчилар уларнинг олдига қуиладиган муюммолар миқдорига қараб бир неча кичик гурухларга бўлинади ҳамда етакчи қаҳрамонларга хос хусусиятларни тармоқлаб чиқадилар.

"Бурчаклар" ва "Тармоқлар" интерфаол усусларини амалда қўллаш натижасида ўкувчиларда "Сохибқирон" драмасидаги образларнинг ҳатти-харакат ва маънавий позицияларига мустақил муносабат ўйготиш, тимсолларнинг хулқ-авторини баҳолаш юзасидан уларда ўзига хос ёндошувни ҳосил килишда самара келтириши маълум бўлди. Зотан, адабий таълимнинг бош мақсадларидан бирини ёшлиарни мустақил фикр эгаси қилиб тарбиялаш ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Орипов А. Танланган асарлар. IV жилдлик. II жилд. – Т.: F. Фулом номидаги "Адабиёт ва санъат" нашриёти, 2001. – 120 б.
2. Тұхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикасы. – Т.: Навоий номли Миллый кутубхона нашри, 2000.

Ниёзметова Р.Х.,
Низомий номидаги ТДПУ профессори

АДАБИЁТДА МИЛЛИЙЛИК МАСАЛАСИ

Ўзбек адабиётида образ яратиш билан боғлиқ равишда сўзларнинг кўлланилишида ҳар қандай ўзга адабиётда бўлгани каби миллый ўзига ҳослик мавжуд. Бундай ўзига ҳослик санъаттада ҳам амал киласиди. Методист-олим В.Г.Беленъский буни кўйидагича тушунтиради: "Ҳар бир халқнинг миллый сири унинг кийимида ва таомида эмас, балки унинг буюмларни англаш тарзидадир" [1, 190]. Дарҳақиқат, ўзбек мусаввири қўзичоқни бир хил, рус мусаввири уни бошқача тасвирлаши мумкин. Ўзбек халқи қўзичоқ орқали ўзига хос муносабатларини тимсоллайди (фарзандини қўзичноғим деб эркалайди), шу жихати билан унга бошқача қарашни ифода этади. Шундай қилиб, адабиёт ва санъатдаги миллыйлик ҳақида сўз юритганда, ".... муайян миллатга мансуб санъаткорнинг оламни кўриши орқали намоён бўладиган миллый хусусиятлар ҳакида гапириши мумкин" [2, 31].

Ўзга халқ адабиёти асарларни билан танишаётган кишида иккى хил ҳолат юз беради:

1. Ўзи учун таниш нарсаларни кўриш ниятида бўлади. "Шу таниш нарса билан учрашув юз берганда, каноатланиш, эстетик завқ хисси бошланади" [2, 31].

2. Кутимаган, нотаниш тимсолларга дуч келади. А.Н.Толстой шундай деб ёзган эди: "Ҳар бир халқ санъатда умумий идеалин ифодалаш учун ранг-баранг усусларни кўллайди ва айни шу туфайли биз идеализмнинг янги кутимаган тимсол орқали ифодаланганини кўриб, алоҳида завқ оламиз" [2, 31].

Биз ўкувчиларнинг адабий тайёргарлиги деганда таълим мазмунига адабиётда тимсол яратишдаги миллый ўзига ҳосликларни ҳам киритишини зарур деб хисоблаймизки, бу миллый тафовутлар, миллый ўзига ҳосликларни англаб етиши ўкувчиларнинг эстетик туйғулари билан бадиий дидининг ўсишига имконият яратади, ўзга тил мактабидаги ўзбек адабиёти дарсларининг самарадорлигини таъминлади.

Умуман, миллыйлик муаммоси миллый объектив воқеликни ва миллатнинг бадиий онгини, бадиий амалиёти ва эстетик тажрибасини, онгидаги миллый ассоциатив боғланишларни ўз ичига оладиган мураккаб муаммодир. Миллый хусусиятлар ҳар бир

миллатнинг шаклланишидаги конкрет тарихий шарт-шароитлар: сиёсий, иқтисодий, тарихий-географик, этник, психологик ва бошқа омиллар билан белгиланади.

"Миллий" деган түшунчага миллий мухит (табиат, маиший турмуш), миллий тарих, дин, руҳшунослик, миллий аңъаналар, маданият ҳамда адабиёттинг тарақкий этиш хусусиятлари, оламни бадиий ифодалашнинг мавжуд тажрибаси, миллий маданияттинг шаклланган амаллари, бадиий ифодалилик воситалари, миллий адабиёттинг тимсолли ва метафорик курилиши киради. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир ижодкор табиат тасвири яратиган асарларда ўз миллий рухиятидан келиб чиқиб рамзлар яратади. Маълум миллатга мансуб ижодкорларнинг ўзига хос тағфакур тарзи у яратган асарларда акс этади. Масалан, Шарқ шеъриятидаги коғиялар, ўхшатишлар, метафораларнинг узундан-узун занжири ва бошқалар. Грузинлар шеъриятида тоғлар, дарёлар, бургутлар ва бошқаларга ўхшатиш орқали анъанавий образлар яратиш усулини кўрсатиш мумкин.

Реал вокеликдаги миллийликни бадиий адабиётдаги миллийликдан фарқлаш зарур. Миллий объектив олам миллатнинг замон ва макондаги турмушки сифатида (яъни тарихи, мухити, маиший турмушки, дини, рухияти сифатида) ҳамда объектив оламни қайта яратувчи бадиий миллий олами сифатида мавжуд. У шартли бўлиб, биринчисига нисбатан иккиласмичидир.

Ўзга тилда сўзловчи ўқувчилар ўрганиши учун танланадиган бадиий асар ўзбек халқининг маълум даврдаги тарихий-адабий воқеалари фонини акс эттиради. Албатта, бу жиҳат бадиий асарда яққол бўртиб турмайди, ўқувчиларнинг эътиборини унга қаратиши иши методик йўналишида, бадиий матнни ўрганиш жараённида амалга оширилади. Бир асар билан ўзбек адабиётидаги миллийликни тўла-тўқис ўрганиб бўлмайди, албатта. Бу хусусиятлар деталлаштирилади, оз-оздан англатиб борилади.

Олимлар Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаровлар рус ва рус бўлмаган ўқувчиларнинг рус адабиётини ўрганишлари ҳакида сўз юритиб, уларнинг миллий рамзларни англашларида фарқ мавжудлигига эътиборни қаратадилар

Уларнинг фикрича, рус бўлмаган ўқувчиларда рус ҳаёт тарзи, шароит ва мухит тасвирланган рус адабиёти асарларини тушуниш ва ўрганиш қийинроқ кечади. Т.В.Романович ҳам рус бўлмаган ўқувчиларнинг рус ёзувчиларининг асарларини тушунишлари ўз миллий қадриятлари кирралари орқали амалга ошувини таъкидлаб, «бу нарса маълум коришувларни тугдириши билан шартланадиган қийинчиликларни келтириб чиқаради», – деган фикрни илгари сурган. Муаллифларнинг ўқтиришларича: «бу қийинчиликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун ёзувчи бадиий асарни ёзиша фойдаланган миллий маданият хусусиятларига доир билимлар йигиндиси бўлмиш "минифон"ни яратиш ва шу модель орқали унинг хусусиятларини ўқувчига ўргатиш зарур. ..."минифон" яратиша сўз билан тушунтиришдан ташқари тас-вирий санъат ҳамда мусиқа асарларидан фойдаланиш катта роль ўйнайди» [4, 4-8].

Лекин бадиий асарнинг ўзини ўрганишда кўрув кўрсатмалиликнинг бирор воситасини жалб этиш санъатнинг бир турини идрок этишини бошқа турини идрок этиши билан алмаштиришга олиб келади. Бунда ўқувчилар сўз билан тасвирланган бадиий образни идрок этиб ўтирамай, унинг тасвирий эквивалентига дикқатларини қаратадилар. Бу гапларнинг асар танлашга даҳли йўқ, албатта. Аммо асарга доир кўрсатмалилик танлашда бу шарт ҳам хисобга олинниши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари билан бир каторда аниқ миллийлик орқали намоён бўладиган умумий байнадминал мазмун ҳам мавжуд. Танланадиган асарларнинг бу жиҳати улар мазмунини тушунишини осонлаштиради. Эҳтимол, дастлабки кезларда, аникса, қуйи синфларда кўпроқ ана шундай муштарак асарлар ажратилгани маъкулдир.

Хуллас, ўзбек адабиёти асарларини ўрганишда ўзбек бўлмаган китобхон ўз бадиий идроки тажрибасига асосланади. Ўз миллий адабиёти нуқтаи назаридан қарайди. Асар мазмунини тушуниш ана шундай мураккаблашган вазиятларда амалга ошади.

Ўзбек адабиети асарларини осонроқ тушунишни таъминлаш мақсадида рус фольклоридан ҳам фойдаланган маъқул. Икки адабиёттга таяниш, ўзбек адабиётидан тушунилмаган нарсаларни рус адабиётидагига ўхшаш ҳодисалар орқали изохлаш ё киёслаш ўқувчилар дунёкарашига таъсир этади, уларни ўзбек адабиётини эстетик жиҳатдан англашга яқинлаштириди.

Ўқувчиларга ўзга миллий адабиёт асарини идрок этиш сари тегишлича йўл курсатиш учун ўзбек ва рус ёзувчиларининг мулоқотлари, адабий алоқаларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулас, таълим ўзга тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек адабиётини ўқитишида бадиий асардаги миллийликка, миллий рангларга, шароит тасвирига, фонга ("минифон"га) катта эътибор берилади, асар танлашда оз-оздан миллий хусусиятларни ўргатишини моделлаштириш кўзда тутилади.

Адабиётлар:

1. Беленький Г.И. Приобщение к искусству слова. – М.: Просвещение, 1990. – 190 с.
2. Методика преподавания литературы в средних специальных учебных заведениях. – М.: Высшая школа, 1987. – 31 б.
3. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура /Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного/. – М.: Русский язык, 1976. – 210 с.
4. Романович Т.В. Особенности изучения произведений русской литературы в киргизской школе: Автореферат дис. ... канд. пед. наук. – М., 1980.

Мухамедова С. Х.,
профессор ТГПУ имени Низами

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА ЗАНЯТИЯХ ПО «ОБЩЕМУ ЯЗЫКОЗНАНИЮ»

Сегодня информационные и педагогические технологии занимают важное место в образовании, в том числе и преподавании лингвистических дисциплин.

Термин «педагогическая технология» имеет более 20 дефиниций. Известные ученые В.М.Шепель, Б.Т.Лихачев, В.П.Беспалько, М.Чошанов, В.М.Монахов, Б.Л.Фарберман, У.Нишоналиев, Н.Сайдахмедов, Б.Зиёмухамедов и многие другие трактуют данное понятие с разных позиций. Педагогическая технология в работах ученых рассматривается как: процесс формирования гармонично развитой личности; комплекс методов, путей и средств образования и воспитания; комплекс организационно-методических средств педагогического процесса; выбор наиболее удобных форм и методов усвоения информации; процесс, гарантирующий обучение студента к самостоятельной работе, обучению и размышлению [1, 23].

В педагогической литературе педагогическая технология рассматривается и как: социальное явление, теоретическая наука, учебный предмет, образовательно-воспитательная система, образовательно-воспитательный процесс, педагогическая деятельность и её методики, научно-исследовательская отрасль взаимосвязанных наук [2, 37].

Известны такие педагогические технологии, как проблемное обучение, дидактические и ролевые игры, технологии конспектов ключевых сигналов, программированные образовательные технологии; коллективный метод обучения, работа в группах, компьютерные образовательные технологии, развивающие, собственные (учебные предметы), альтернативные и авторские, эмпирические, когнитивные, эвристические, креативные, инверсионные, интегративные, адаптивные, инклузивные [2, 54].

Преподавание лингвистических дисциплин имеет свои особенности, которые необходимо учитывать при выборе информационных и педагогических технологий. Имеет особое значение точный выбор педагогической технологии, обеспечивающей результативность и эффективность изучения раздела, темы.

«Общее языкознание» – сложная теоретическая дисциплина. По этой причине в преподавании данного предмета выбор педагогических технологий ограничен [3,8]. Тем не менее, преподавателями ТГПУ им. Низами в преподавании «Общего языкознания» максимально используются возможности педагогических и информационных технологий.

В настоящей статье представим разработку одного занятия по предмету «Общее языкознание» с целью обмена мнениями со специалистами данной отрасли.

Наиболее эффективной при изучении темы «Древнегреческое и Древнеримское языкознание» кажется педагогическая технология обучения в сотрудничестве. Технология обучения в сотрудничестве направлена на усовершенствование педагогического процесса и ориентирована на личности обучаемых. Технология способствует созданию творческой атмосферы, направленной на формирование личности обучающегося, также повышению качества образования. Основными видами данной технологии являются: обмен мнением в сотрудничестве, беседа в сотрудничестве, анализ в сотрудничестве, диспут, выполнение практических задач в сотрудничестве и др.

Занятия, основанные на данной технологии, организуются в форме общения: преподаватель – курс, преподаватель – малая группа, преподаватель – большая группа, преподаватель – студент, студент – студент (работа в парах), малая группа – малая группа, малая группа – курс и др.

Рассмотрим ход занятия по предмету «Общее языкознание», организованного по технологии обучения в сотрудничестве.

Тема лекции: Древнегреческое и Древнеримское языкознание

Цели занятия:

Образовательная: ознакомление студентов с представителями Древнегреческого и древнеримского языкознания, обоснование двух: философской и грамматической этапов в развитии древнегреческого языкознания. Разъяснение взглядов аномалистов и аналитиков. Анализ произведения Юлия Цезаря, Мориса Варрона, Марка Квинтилиана, Донати и др.

Воспитательная: формирование у студентов навыков совместной работы и работы с коллективом, навыков общения, уважения чужого мнения, формирование активности, лидерских качеств, творческого отношения к работе, объективной самооценки и др.

Развивающая: развитие творческого мышления студентов.

Оснащение лекции: компьютер, проектор, учебник, карточки и таблицы.

Этапы занятия:

I. Организационная часть.

II. Повторение материала прошлого занятия.

Студенты разбиваются на несколько групп (группы называются по желанию студентов, выбирается лидер группы) и каждой группе по отдельностидается задание в виде заполнения таблиц. Студенты должны их заполнить. Например, одна из этих таблиц:

1. Укажите цели и задачи предмета «Общее языкознание», назовите объект и предмет.	
2. Укажите этапы развития мирового языкознания.	
3. Каких языковедов Древней Индии вы знаете?	
4. Что такое Веда?	
5. Сколько правил в грамматике Панини?	
6. Когда составлена новая грамматика санскрита?	
7. Что означает Аштадхьян?	

ПЕДАГОГИКА ЖӘНЕ ӘДІСТЕМЕ/ПЕДАГОГИКА И МЕТОДИКА

По истечению определенного времени лидер группы зачитывает ответ. Преподаватель фиксирует все ответы на компьютере. После того как все ответы даны, преподаватель с помощью проектора демонстрирует таблицу с правильными ответами.

III. Ознакомление студентов с новой темой: «Древнегреческое и древнеримское языкознание».

IV. Информация преподавателя по новой теме (вся информация по теме предоставляется в виде презентации, т.е. с помощью слайдов). Во время лекции спрашивается мнение студентов по каждому пункту лекции, т.е. лекция проходит в интерактивной форме.

V. Закрепление материала так же основывается на технологии обучения в сотрудничестве. Студенты вновь разбиваются по группам (студенты, не сумевшие дать правильный ответ стараются быть активнее и сменить группы).

№	Учебные задания	Указания по выполнению учебного задания
1.	Ответьте на вопросы, используя свои знания по новой теме: Сколько этапов развития древнегреческого языкознания?	Обоснуйте свое мнение
2.	Каковы особенности философического этапа в развитии языкознания?	
3.	Каковы взгляды Гераклита и Демокрита? Кто такие аналогисты?	
4.	Кто такие аномалисты?	
5.	Каковы особенности грамматического этапа в развитии языкознания?	
6.		
7.	Каких Древнеримских языковедов вы знаете? Как возникло древнеримское языкознание?	
8.	Назовите недостатки древнегреческого и древнеримского языкознания?	
9.		
10		Активно участвуйте в совместной работе.

VI. По истечению отведенного времени, лидер группы называет ответ (в устной форме). Преподаватель фиксирует все ответы на компьютере. Все ответы анализируются. Все студенты, из групп, давших правильные ответы получают баллы.

VII. Обобщение нового материала проводится в форме заполнения «ЗХУ».

1. Знаю
2. Хочу знать
3. Узнал

Студенты с помощью компьютера заполняют таблицу. Таблица может быть заполнена в следующем виде:

- | | |
|---------------|--|
| 1. Знаю | Древняя Греция является источником языкознания... |
| 2. Хочу знать | Два этапа развития языкознания... |
| 3. Узнал | Сегодняшнее состояние греческого и римского языкознания... |

VIII. Заключительная часть.

Домашнее задание: составить кластер по пройденной теме.

Применение информационных и педагогических технологий на занятиях по Общему языкознанию способствует эффективному усвоению студентами теоретических и практических знаний, активизации их мышления. Кроме того, студенты-филологи совершенствуют свои навыки по информатике, чем обеспечивается межпредметная связь.

Литература:

1. Мұхамедова С., Юнусова Ш., Шайхова К. Ўзбек тили фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиши методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2012. – 118 б.
2. Мұхамедова С., Мўйдинов Қ., Мирсолиева М. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиши фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиши методикаси. – Тошкент: ТДПУ, 2012. – 106 б.
3. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2010. – 312 б.

Нишанова З.Т.,
Низомий номидаги ТДПУ профессори

ТОРТИНЧОҚЛИКНИНГ ПЕДАГОГ ФАОЛИЯТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Маълумки, педагогик фаолият касбий мақсади одамларга таълим ва тарбия беришдан иборат бўлган, жамиятнинг катта ёшдаги аъзолари томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир. Албатта, мулоқотчанлик, ташкилотчилик каби қобилиятларнинг юкори даражасини талаб қилувчи касб соҳасида ортиқча тортинчоқлик меҳнат жараёнининг самарадорлигига сезиларли салбий таъсир кўрсатишини тахмин қилиш қийин эмас. Бироқ бундай ҳолат педагогнинг таълими фоалиятига ўзига хос тарзда, тарбиявий ишига ўзгача таъсир кўрсатса керак. Ҳар қалай педагогик фаолият бевосита фаол ҳиссий бўёқдор мулоқотни тақозо этиши ушбу соҳа мутахассисларида “эмоционал куйиш”дек руҳий бузилиш эҳтимолини оширади. Махсус тадқиқотларда эса “эмоционал куйиш” синдроми шаклланган педагоглар шахсига невротизм (ҳиссий соҳанинг бекарорлиги), депресивлик (тушкун кайфиятга мойиллик), юкори даражадаги эмоционал лабиллик (ҳиссий таъсирчанлик), феминлик (аёлларга хос хусусиятларга эгалик) қаторида тортинчоқлик билан тавсифланиши аниқланган. Шунга мувофиқ қатор бошқа хусусиятлар билан бирга тортинчоқлик педагогда “эмоционал куйиш” синдроми вужудга келишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳакида тахмин қилиши ўринли. Шу тарика ҳам тортинчоқлик педагогик фаолиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, педагогик амалиётда иштирок этган битириувчи курс талабалари ўртасида ўтказилган ижтимоий-психологик сўровларнинг натижаси ҳам шуни кўрсатадики, талабалар педагогик фаолиятни самарали амалга оширишга ҳалакут берувчи шахс хусусиятлари қаторида журъатсизлик, тажовузкорлик, эътиборсизлик, унутувчанлик, ирида кучининг етишмаслиги, импульсивлик билан бирга тортинчоқликни ҳам тилга оладилар.

Ҳар қандай жамоадаги ўзаро муносабатлар муайян ижтимоий-психологик конуниятлар асосида ривожланади. Шубҳасиз, одамнинг шахсий сифатлари гурухдошларнинг унга бўлган муносабатини белгилаб берувчи гарчанд ягона бўлмаса ҳам, мухим омиллардан биридир. Шу жумладан, шахснинг тортинчоқлиги ҳам бундай хусусиятлар турига киради. Тадқиқотларнинг натижалари кўрсатишича, психологияда буллинг деб аталағидиган ҳодиса, яъни гурухдошлар томонидан узоқ муддат тазиқ қилиниш ҳолатига дучор бўлган одамлар одатда низоли вазиятлардан ўзини олиб қочишига мойиллик, таъсирчанлик, одамовилик, жисмоний кувватсизлик, ўзига паст баҳо бериш, хилма хиз психосоматик аломатлар, юкори даражадаги хавотирланувчанлик, ўқишига иштиёқнинг пастлиги, мулоқотга киришишда кийинчиликларга учраш каби хусусиятлар билан тавсифланишидан ташқари уларга тортинчоқлик сифати яққол хослиги кузатилади.

Албатта, меҳнат тажрибаси ортган сайнин мутахассис одам ҳам шахс сифатида ўзгариб боради. Ўзгариш жараёни тортинчоқлик ҳисси даражасини ҳам қамраб олишини кутиш ўринли. Негаки тажрибанинг ортиши, мутахассисда ўзига ишончни кучайтириб боради, бу эса унинг тортинчоқлик даражасини сусайтиришини кутиш ўринли. Махсус тадқиқотларнинг натижалари ҳам шуни кўрсатадики, ёш мутахассислар ўзларida тажрибали мутахассисларга нисбатан етакчиликка интилиш даражаси пастлиги ва аксинча, тортинчоқлик билан боғлиқ мойилликлар юкори бўлишини таъкидлайдилар. Қизиги

шундаки, етакчиликка ва тортнинчоқликка бўлган бундай муносабат ёш мутахассисларнинг ўзлари намуна деб ҳисоблаган мутахассисга тавсиф берган вазиятларда ҳам сақланиб қолади.

Адабиётлар:

1. Нишанова З., Рахимова И. Тортнинчоқлик психологияси. – Т.: ТДПУ, 2009.
2. Зимбардо Ф. Застенчивость. – М.: Астрел, 1999.

Калдыбекова А.С., Низами атындағы ТМПУ профессоры,
Ахмедов Т., Низами атындағы ТМПУ

«КҮЛТЕГІН» ЖӘНЕ «ТӨНҮКӨК» ЖЫРЛАРЫНДА ОТАНСҮЙГІШТІК ТӘРБІЕ

Қазір бүкіл әлем халықтары жаһандану жағдайында өмір суріп жатқаны белгілі. Жаһандану негізінен ұлттық және әлеуметтік шаруашылыктардың техникалық және каржылық жағынан дамуының нәтижесі болса да, оның әлеуметтік саяси және мәдени салаларға үлкен ықпал жасап жатқаны күмәнсіз. Міне осыдан жаһанданудың әлеуметтік феномен ретінде көп қырлы және көп құрамды екенін, оның құрамдас бөліктерінің бірі мәдени жаһандану екенін айдағанык болып отыр.

Адамзаттық мәдени құндылықтар ортақтығының күшею үрдісі мәдени жаһанданудың бір көрінісі болып табылады. Осы үдеріс барысында батыс мәдени құндылықтарының басымдық етуі өзге елдердің, халықтардың, байыргы ұлттық сипаттына кері әсерін тигізепі қақ. Бұл жағдай әрбір ұлттың, халықтың өзіндік тілі мен әдебиетін, мәдениетін, дүниестанымын сақтап қалу жолында орасан зор күш-жігер жұмысауын талап етеді.

Бұл ушін, ең алдымен, болашақ жас үрпакқа отансүйгіштік тәрбие беру, өз халқымыздың сан ғасырлық тарихын, тамырын тереңге тартқан бай әдеби мұраларымызды барынша жетік оқытуымыз керек. Соңдықтан да барша түркі халықтарына ортақ әдеби мұра болып келген «Орхон-Енисей жазба ескерткішін» жас үрпакқа кеңінен таныту, оның ішінде тарихи түрғыдан ең бір салмакты, әдеби түрғыдан құнды болып келген үлгілері «Күлтегін» және «Төнүкөк» сияқты тарихи жырлардың тәрбиелік мәнін ашу бүгінгі қундегі заман талабы болып отыр. «Орхон-Енисей жазба ескерткішінің» негізгі бөлігі XVII ғасырда Сібір, Монголия, Алтай және Орта Азиядан табылып, XIX ғасыр соңынан бастап тереңін зерттеле бастады. Бұл жазба ескерткіштерде VI-VII ғасырларда Орталық Азияда болып откен тарихи оқиғалар суреттелген. Ол оқиғалардың ішінде ең бағытты VI ғасырда Түркі қағанатының құрылуы еді. Бұл жайлы «Күлтегін» жырында былай айтылады.

«Биіктे – көк тәнірі,
Төменде кара жер жарапғанда,
Екеуінің арасында адам баласы жарапған.
Адам баласы үстінен ата-тегім
Бумын қаған, Істемі қаған отырған.
Отырып, түркі халқын
Ел-жұрттың қалыптастырған» [1, 87-88].

Бірақ мемлекет құрудан, сол мемлекетті сақтап қалудың киындығы бәрімізге мәлім. «... тарту-таралғыларға, алтын мен жібекке, табғаштың ару қыздарына өзара таласқан түрік бектері арасында астыртын айқас басталды. Кейбіреулері түрік елі алдындағы парызын, атабабалар дәстүрін ұмытты. Елді біліксіз қағандар басқарды» [1, 88]. Нәтижеде түркі елі батыс және шығыс бөліктегерге бөлінш кетті. Таң империясына багынышты хәлге түсті. «Табғаш халқына бек ұлдары құл болды, пәк қыздары құң болды». Әрине бұдан жырды оқыту барысында жас үрпакқа дұрыс қорытынды шыгарууды үйрету керек. Өз елінің көркөне, дамуына үлес коспаған жастардың бүгінгі күнде де ауыр жағдайға түсіп қалуы мүмкін екенін түсіндіріп отыру қажет. (Өзге елге жұмыс ізделет кетіп, құлдыққа түсіп қалған жастар мысалында).

«Орхон-Енисей жазба ескерткіштерінде» «түрлі дәуірлердегі түркі қағандарына шынайы бага беріледі. Біреулері мемлекетті дұрыс басқарған, басқалары халқын қын жағдайға алып келген, нәтижеде түркі елі дағдарыска үшшырайды...»

Бұл жағдайдан түркілерді Елтеріс қаған құтқарғаны, Білге Тонықек пен Күлтегіннің айрықша кызмет көрсетуі, әсіресе Күлтегіннің ерліктері баяндады» [2, 54].

Жырды бір арнага келтіретін ортақ идея бар сиякты. Бұл идея «Тонықек» жырында тіпті ашық баяндады:

«Жұқаны таптау – оңай,
Жіңішкен үзу – оңай.
Жұқа қалындаса,
(Оны тек) алып таптайды.
Жіңішке жуандаса,
(Оны тек) алып үзеді [3, 59-60].

Осы үзіндінің өзінен-ақ негізгі идея ел бірлігі екенін, бірлігі мықты ел әр қандай сокқыға қарсы тұра алатынын түсінуімізге болады. Идеясы осы болса, тақырыбы эпостық жылардағы сиякты ерлік болып келеді. «Күлтегін» жырында бейнеленген – Күлтегіннің елинің жауымен шайқасқа туғын, тамаша ерлік көрсетуі осының дәлелі секілді.

Сондай-ақ Орхон-Енисей жазба ескерткіштерінде Таң империясының (жырда Табғаш деп берілген) өзге халықтардың еркіндігіне, мәдени өміріне күйін тудырып отырғаны көрсетілген. «Күлтегін» жырында бұл жайлы былай дейді: « алтын, күміс, есірткі, қытайы жібекті шекіз сонша беретін табғаш халқының сөзі тәтті, сый-тартуы жағымды еді. Тәтті сөзбен, жағымды сый-тартумен азғырып, алыстағы халықты өзіне жақыннататын еді» [4, 57-58].

Пікірімізді қорытындылайтын болсак, «Орхон-Енисей жазба ескерткіштері» тек өткен тарихи кезеңімізге ғана тиісті дүние емес. Керісінше, оны бүгінгі жас үрпаққа кеңінен менгертуіміз, оның бүгінгі жаһандану үдерісі жүріп жатқан дәуірде үрпактың санасын көрі әсерлерден корғайтын, отансүйгіштік тәрбие берудің маңызды тәсілі ретінде пайдалануымыз керек.

Әдебиеттер:

1. Келімбетов Н. Ежелгі дәуір әдебиеті. – Алматы: Атамұра, 2005. – 87-88 б.
2. Қалдыбекова А.С. Орхон-Енисей ёзма ёдгорликларини үқитиши жараённанда талабаларни байналмінналық рухида тарбиялаш // Педагогик таълим, 2006. №4. – 54-55 б.
3. Азимов И., Рахматов М. Қадимги туркій тил. – Тошкент, 2005. – 59-60 б.
4. Аманжолов А. Түркі филологиясы және жазу тарихы. – Алматы: Санат, 1996. – 57-58 б.

Адилова С. А.,
Низомий номидагы ТДПУ доценти

ТИЛ ТАЪЛИМИДА АУТЕНТИК МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Бугунғи кунда иккінчи тилни үқитиши жараённининг максади ва вазифалари үзгариб бормоқда, иккінчи тил таълимида “билим әгаллаш” гагина әмас, балқи “коммуникатив компетентлик”ни шакллантиришта әришиң мақсадға мувофиқ деб таъқидланмокда. Коммуникатив компетентлик деғандан алоқаға оид чукур билимгә ега бўлишилик, бу борадаги ўзига хос омилкорлик, мулокотга киришиш учун зарурий бўлган ички имкониятлар тизими тушунилади. Яъни мулокотнинг вазифалари, алоқа-аралашув жараённининг ўзига хосликлири, ўрганилаётган тилдаги мулокот турлари ва хусусиятлари, вербал ва новербал алоқа воситалари, тинглаб тушуниш ва тушуниш техникаси, сұхбатдошларнинг психологик ва коммуникатив типлари, инсонларга таъсир ўтказышнинг технология ва усуллари кабилар ҳақидағы билим, күнімка, малакалар мажмұи коммуникатив компетентлик деб аталади.

ПЕДАГОГИКА ЖӘНЕ ӘДІСТЕМЕ/ПЕДАГОГИКА И МЕТОДИКА

Коммуникатив компетентликни пайдо килишда эса аутентик материалларнинг аҳамияти каттадир.

Аутентик сүзи “хақиқий”, “хақиқаттаға айнан мос келидиган”, “соғ” каби маңноларни билдиради. Аутентик матн деганда эса үрганилаёттан тил жамиятида юз берәётган воқеа-ходисаларни акс эттирувчи ва шу орқали миллатнинг ўзлигини, ўзига хосликларини күрсатувчи оммавий ахборот воситаларида қўлланадиган матнлар, аудио-видеолавхалар, зълон, кўшиқ ва реклама, латифа, турли шахсий ёзишмалар, саволнома, таомномалар, ҳатто ҳарита ёки поездлар катнови жадвали кабилар назарда тутилади. Бундай материаллар ҳажм жихатдан катта бўлмаса-да, ўзининг функционаллиги билан ажралиб туради, яъни улар табиий тил муҳитига киришиш имконини яратади, бу ўз ўринида, мутахассислар таъкидлаганидек, бошқа тилларни муваффакиятли үрганища асосий омиллардан бири хисобланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, дарсларда факат аутентик матнлардан фойдаланиш зарур деган фикрдан йироқмиз, албатта. Муайян вазиятларда анъанавий манбалардан (бадиий, илмий-оммабоп адабиётдан) олинган ва ўкув мақсадларига айнан мос келадиган матнлардан ҳам фойдаланиш лозим.

Рус тилшуносларининг фикрича, аутентик материаллар оригинал манбалардан олинган бўлиб, улар ўкув мақсадларини амалга ошириш учун мўлжалланмаган бўлади. Иккинчи томондан, бундай материаллар тил нуқтаи назаридан анча мураккаб бўлади ва доим ҳам ўқитишнинг муайян вазифаларини бажариша қўллаш учун яроқни бўлавермайди. Шунинг учун аутентик билан бир каторда ўқув-аутентик материаллардан ҳам фойдаланиш лозим. Е.В.Носонович ва О.П.Мильрудлар ўз тадқиқотларида ўқув-аутентик материаллар дарслик, қўлланма, ўқув-методик маҳмуда муаллифлари томонидан оригинал манбаларнинг барча хусусиятларини саклаган ҳолда маҳсуз яратилиши кераклигини таъкидлайдилар.

Ўқув-аутентик материаллар лексик ва грамматик жихатдан табиий ҳолатга имкон қадар якинлаشتирилган бўлиши лозим ҳамда тил үрганувчилар томонидан бундай воситаларнинг мустакил қўлланиши учун ўзига хос мотивация вазифасини бажариши керак. Демак, ўқув-аутентик материаллар муайян ўкув вазифаларини ҳал этиши учун уларга бир катор талаблар кўйилади. Жумладан,

– функционал жихатдан: аутентик материаллардаги жанр ва композициянинг ранг-бараглиги ўқувчи-талабаларни үрганилаёттан тил жамоасида қўлланиладиган қолиплашган бирикмалар, иборалар, турли хил ҳиссиятни билдирувчи оҳанглар ва бошқа тил воситалари билан таништириб бориши, уларни фаол қўллашни үргатиши керак;

– лексик жихатдан: ўкув матнларининг аутентлик даражаси, яъни софлик, ҳақиқатта мослих даражаси лексик ва фразеологик бирликларни тўғри танлаш билан белгиланади. Бундай бирликларни танлашда уларнинг табиий нуткий жараёнда қўлланилиш частотаси асосий мезон бўлиб хизмат қилиши лозим;

– грамматик жихатдан: ёзма ва оғзаки нутқда шу тилга хос бўлган грамматик шакллар ишлатилиши керак;

– тузилиши жихатидан: ўқув-аутентик матнларни тузувчи мутахассис матн тузишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ билиши, матн мантиғи, матндаги шакл ва мазмун бутунлиги, кисмларнинг ўзаро мустаҳкам мантиқий-грамматик боғлиқликда бўлишини таъминлаши лозим;

– статистик жихатдан: аутентик матннинг статистик тавсифини билиш талаб этилади, яъни нуткий жараёнга хос бўлган муайян шаклларни қўллаш частотаси билан боғлик бир катор қонуниятларни аниклаши керак бўлади. Бу ва юкорида кўрсатилган талабларга риоя қилиш методик мақсадларга хизмат киласидиган аутентик матннинг энг мақбул намуналарини яратиш имконини беради.

Шу ўринда ўқув-аутентик материалларнинг мазмунига алоҳида тўхтамоқчимиз:

– ўлкашунослика оид маълумотларни ўзидаги акс эттиранг матнлар тил үрганиш мотивациясини янада кучайтиради ва бундай материалларнинг микдори бошқаларига караганда анча кўп бўлиши керак;

ПЕДАГОГИКА ЖӘНЕ ӘДІСТЕМЕ/ПЕДАГОГИКА И МЕТОДИКА

— исталған материал (аудио-видео, газета мақоласи) да ўрганувчилар учун бирор яңгылк бұлиши лозим. Материаллар, албатта, таълим олувчиларнинг ёш хусусиятларига, қызықшыларига мос бұлиши керак, берилаёттан маълумотнинг тил жамоаси учун қанчалик мухимлігінде хам эътибор қаратилиши мақсадда мувофиқ. Маълумки, иккінчи тибли ўргатиши бүйіча олиб бориладиган дарсларда материалларнинг ахборот сиғими мухим эмас, бирок ахборот фанга нисбатан қызықшылардың мақсадыда хам ахамиятлайдыр;

— таклиф этилаёттан нутқий вазияттар табиий бұлиши шарт, материалларда маълум миқдорда хис-түйғулар хам акс эттирилиши жуда фойдалы, негаки бу холат таълим олувчиларни ўз хисларини ўрганилаёттан тилда баён этишга ундаиды ва шу тилга нисбатан ижобий муносабатны шакллантиради;

— шубҳасиз, миллатнинг тили, менталитети, маданияти узвий боғлиқдир. Ўрганилаёттан тил жамоасининг менталитетини, турмуш тарзини акс эттирадиган ўкув-аутентик материаллар ўта зарурый мәнбадыр. Шу билан бирга, миллій маданияттар ўргасидаги фарқ катта бұлган холларда таълим олувчилар учун жуда мураккаб ва тушунарсыз бұлған, специфик аутентик материал күлләнмаслығы керак;

— эстетик жиҳатдан, янын аутентик материалларнинг дизайні, безатилиши борасыда айтиш жонзек, улар қанчалик табиий бұлса, шунчалик фойдалы хисобланади. Масалан, аудиоматиллар ҳәттій тарзда әшитилиши мақсадыда уларни табиий шовқин билан бирга, ортиқа овозлардан “тозаламай” ёзиш керап. Бу нарса таклиф этилаёттан ҳолатларни шу ҳолатдагы ўзға нутқын яхшироқ тушуниш хамда айнаң шу шароитда мулокотта кириша олишни ўргатади. Мана шунда тил ўрганувчиларда реал коммуникация жараёнида қатнашиш хисси пайдо болады;

— материалларнинг ўкув мақсадыға мослигини таъминлаш учун уларни чукуррок таҳлил қилишшы қаратылған топшириктер берилеші керак. Айниқса, қўйилған масалани фараз, тахмин қилиш ўюли билан ечишга мўлжалланган топшириктер самаралидир, чунки мазкур фаолият аутентик-коммуникатив ҳаракат хисобланади ҳамда у таълим олувчининг ҳәлдій изланишларини рагбатлантиради, зехнини ўстиради, коммуникатив масалани турли ўйлар билан ижобий хал қилишшы ўргатади.

Хулоса қилип айтиши мүмкінкі, таълим олувчиларга она тили бўлмаган тибли ўргатишида аутентик ва ўкув-аутентик материалларни кўллаш орқали табиий тил мухитини яратиш, нутқий фаолияттарнинг барча турларida самараға эришиш ва шу йўсунда иккінчи тил таълимимни такомиллаштириш замонавий тил дарсларининг талабидир.

Адабиётлар ва электрон манбалар:

1. Носонович Е.В., Мильруд Г.П. Критерии содержательной аутентичности учебного текста // <http://www.prosv.ru>
2. Борозенец Г. Интегративный подход к формированию коммуникативной компетентности средствами иностранного языка. // <http://free-disser.com>
3. Словарь терминов <http://dvo.sut.ru/libr/sotciolo>
4. www.zivo.uz

Мўминова О.К., ЎзДЖТУ доценти

ЎҚИТУВЧИННИНГ НУТҚ ТЕХНИКАСИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Ўқитувчининг нутқи равон, тушунарли ва ёкимли бұлиши керак. Чунки ўқитувчининг нутқи ўқитувчи – ўкувчи муносабатини ўрнатында хамда уларнинг ўзаро тушунышларини таъминладырып асосий воситалардан биридир. Бунда ўқитувчининг ўкувчиларга мурожаати, саломлашиши, талабларни қўйиши, огохлантириши, гапириш оҳангари, юз ифодаси, нигоҳи, савол бериси ва жавоб олиш усулларининг барчаси мухим хосбландади.

Бунинг учун ўқитувчининг нутқ техникасаси яхши ривожланган бұлиши лозим. Овоз – нутқ техникасасининг энг мухим элементларидан хисобланади. Ўқитувчининг асосий меҳнат

куроли унинг овозидир. Товушларни нотұғри талаффуз килиш натижасыда күлгига қолиши, қаттық ва құпоп оханды гапириш билан үкитувчи ўзини үқувчидан узоклаشتырыши, нотұғри нафас олиш орқали пайдо бўладиган ҳансираш, юракнинг тез-тез уриб кетиши, қизариб кетиши сингарни ҳолатлар натижасыда аниқ гапира олмаслиги мумкин. Шунинг учун үкитувчи нуткига бир катор талаблар қўйилади ва ушбу талаблар касбий фаолият жараёнида хал килинади ҳамда аникланади:

1. Үкитувчининг овози тингловчиларда ёқимсиз ҳисларни уйғотмаслиги керак, аксинча, ширадор ва жозибадор бўлиши лозим.

2. Үкитувчининг овозида ҳаводорлик бўлиши керак, яъни ўз овозини бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши, ўзи учун эмас, үқувчилар тинглаши учун гапириши лозим.

3. Овоз – бу үкитувчининг куроли бўлганилиги туфайли ҳам үқувчиларга қўйган талабларини бажартира олиш охангини танлай бўлиши керак.

4. Үкитувчи вазиятга қараб овоз хусусиятларини ўзгартириб туриши лозим.

5. Үкитувчи нутқ аппаратига кўп куч тушганлиги сабабли унинг овози чидамли бўлиши зарур.

Шунга кўра, үкитувчининг овози жозибадор, ҳаводор, чидамли ва ҳаракатчан бўлиши керак. Мазкур сифатларни шакллантириш ва овозни созлаш бир катор жараёнларни ўз ичига олади. Үкитувчи овозининг ширадор ва жозибадор бўлишига ашуда дарсларида ҳамда маҳсус машқлар килиши натижасида эришса бўлади. Масалан: *Шеърларни турли темпларда, яъни секин, ўрта ва тез ўқиб кўриб, уларнинг қай бирни мувофиқ келишини билди олиши зарур бўлади. Шеърни айтиши ёки бирор бир ҳикояни сўзлаб берини жараёнида овогза зўр берини ярамайди. Матнларни овоз чиқариб ўқиши үкитувчининг фикрлари қобилиятини шакллантиришига кашта ёрдам беради. Бу машқини ҳар куни бажарни керак ва ўқиётганда тингловчиларни кўз олдига келтириб уларнинг нигоҳларига қарагандек ўқини керак. Яна уйда оила аъзолари ва дўстларига турли овозда шеър ёки матнларни гапириб берини мумкин. Улар ўзларига ёқсан овозни танлаб берадилар. Фақат шундагина овоз ёқимлилик, босиқлик каби ифодалиликка эга бўлиши мумкин.*

Нутқ техникасининг яна бир зарурий элементларидан бири дикция саналади. Дикция нутқ товушларини, бўғинларни, сўзларни аниқ талаффуз этишидир. Дикциянинг яхши бўлиши артикуляцион қонун-коидаларга риоя қилиш билан боғлик. Ноаник артикуляция нутқнинг аниклигига путур етказади ҳамда сўзловчининг гапларини тингловчилар тушунмаслигига олиб келади. Натижада коммуникатив алқа юзага чиқмайди. Шунинг учун үкитувчи дикциясини яхшилайдиган машқларни доимо бажарип юриши мақсадга мувофиқидир. Ҳатто дарс бошлашдан аввал товуш бирималарини (ро, до, зи, ми, ги, ти...) дикция билан айтиб, тайёргарлик кўриш ҳар бир сўзнинг тўғри ва аниқ айтилишига сабаб бўлади. Баъзилар жуда тез гапириди ёки аксинча секин гапириди. Шунга ўхаш камчиликларни бартараф этишга ёрдам берадиган машқлар мавжуд. Масалан: *Лабни маҳкам жуфтлагиб, ҳушиятар чалмоқчи бўлаётгандек, уни олдинга чўччайтириб чатга, ўнгга, тепага ва пастга ҳаракатлантирилади. Бу ҳолатда тишлар маҳкам қисилиши ва ияк эса қимирламаслиги керак.*

Тишларни кўрсатмаган ҳолда табассум қўлмоқчи бўлгандай лаблар чўзилади.

Юқориги лабни очиб, юқори тишлар кўрсатилади.

Пастки лабни пастга тушシリб, пастки тишлар кўрсатилади.

А товушини овосиз айтилади, тил худди эснаны пайтидаги ҳолатда бўлади.

Нутқ сўзлашда нафас олишнинг ҳам аҳамияти катта. Сўзлашни бошлашдан аввал нафас олиб олини керак. Нафас олганда ўпка ҳавога тўлади, кўкрак қафаси кенгаяди, қовурғалар кўтарилади, диафрагма эса пасайди. Ўпкага йиғилган ҳаво нутқ сўзланган пайтда иста-секинлик билан сарфланади. Тўғри нафас олиш, тўхташ, нафас чиқариши мълум миниклар орқали амалга оширилади. Чунончи, қоматни тик тутуб, бир қўлни қорининг устки қисмига, иккинчи қўлни ёнга, яъни қовурғаларнинг ҳаракатини назорат қилиши учун берудан юқорироқ қисмига қўйилади. Бурун тешикларини қимирлатмасдан бурундан аста-секинлик билан нафас олинади. (5 сония), 2-3 сония ўпкада ҳаво ушланади, сўнгра А

төвушини талағағыз қылғандай нафас чиқарылады (4-5 сония). 1-машқадағыдек нафас олинади ва нафас чиқараётганды 1, 2, 3... деб овоз чиқарып саналады. 3-машқда матнларни үқиш орқали нафас олиш текширилады. Қайси үринларда чуқур нафас чиқарылғанлығы ва нафас олинғанлығын белгилаб олиш керак бўлади. Бу каби машқлар билан үқитувчининг диафрагмаси мустаҳкамланади ва нутқий нуқсонларга йўл қўйилмайди.

Нутқда интонациянинг ахамияти жуда катта. Интонация орқали турли маъноларни ифодалаш мумкин. Шунинг учун нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлиниши (фраза, такт, бўғин, айрим товушлар)ни пухта эгаллаш зарур. Уларни нутқда тўғри кўллаш орқали гапнинг мазмуни аник англайлайди.

Ўқитувчи нутқи орқали ўқувчи тафаккурига, хулқига таъсирини ўтказади, ўқувчининг дунёкашини кенгайтира олади. Айниқса, она тили ўқитувчисининг нутқи катта ахамият касб этади, чунки ўқувчи ўқитувчисига тақлид килиш орқали унинг гапириш услубини ўзлаштириб олади. Бу маънода ўқитувчининг нутқи ўқувчи учун намунадир. Шунинг учун ўқитувчи нутқи лексик, фонетик, грамматик ва стилистик меъёлларнинг барчасига риоя килиб гапириши талаб этилади. Ўқитувчи сўзлаётган нутқида ўқувчиларнинг хиссиятига таъсир килиши ва эшиттанларини тушунишларига ҳаракат килиши керак. Хабар берилаётган ахборотнинг нафакат қизиқарли ва фойдали бўлиши, балки тингловчи, хикоя килиб берувчи ёки ўқиётган ўқувчи учун тушунарли ҳамда тарбиявий ахамияти жиҳатидан қимматли бўлиши лозим. Шундагина ўқиган асарининг мазмуни ҳақида аник, ёрқин ва жонли кўриниш намоён бўлади. Яна ўқитувчининг энг асосий вазифаларидан бири – матнларни хатосиз ифодали ўқишига ҳамда уларни ифодали гапириб бериш йўлларини ўргатишдан иборат. Ифодали ўқишини яхши эгаллаш учун нутқ техникасини (овоз, дикция, нафас олиш, интонация) пухта эгаллаш талаб қилинади. Машхур Рим нотиги Квинтилиан айтганидек, нотиқлик маҳорати тинимсиз меҳнат ва тиришқокликни, турли-туман машкларни, бой тажрибани, ақл ва янгича фикрни талаб қиласди. Умуман, ўқитувчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайғуриши, фонетика, фонологияга оид билимлардан умумий тарзда бўлса-да, хабардор бўлиши, керак бўлганда, ўз нутқидаги нуқсонларни бартараф этишга ёрдам берадиган машклардан муттасил фойдаланиб бориши мақсадга мувофик [1].

Адабиётлар:

1. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Т.: ЎзМК. – 1836.
2. Курратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

Юсупова Т.А.,
Низомий номидаги ТДПУ доценти

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИГА ДИФФЕРЕНЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ЁНДАШУВ

Узлуксиз она тили таълими тизимида турли хил матнлар асосида ўрганиладиган бой лексик ва грамматик материаллар ўз навбатида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ривожлантириш, бадий дидини юксалтириш, уларни ахлоқий камолот сари етаклаш, миллий маънавият соҳиби этиб тарбиялаш учун хизмат қиласди. Зоро, бугунги она тили дарслари уч йўналишни ўзида мужассамлаштиради: 1) ўзбек адабий тилининг қонун-қоидаларини ўрганиш; 2) мулоқот маданиятини эгаллаш; 3) сўз ишлатиш санъатини забт этиш. Юкоридаги уч йўналиш таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблардаги она тили дарслари таркибига кирган “Риторика” [3, 16-21] ва “Русская словесность” [1, 352] ўкув фанлари мазмунини бир қадар ўзида акс этириди, интеграциялади.

8-синф она тили дарсларида синтаксисни ўрганиши жараёнида морфологияни тақрорлаш иккى курсени (морфология ва синтаксис курсини) интеграциялаш тариқасида амалга ошиди. Лекин баъзи мавзуларда алоҳидаликларни ажратиш зарурити ҳам кўринади. Бундай алоҳидаликлар мавзунинг қайси жиҳатларига эътиборни кўпроқ каратиш, нималарни мустаҳкамлаш ва тақрорлашга кўпроқ вақт ажратиш кераклиги билан боғлиқ. Ушбу масала таълим мазмунига дифференциация асосида ёндашиш кераклигини англатади.

Билимлар соҳасидаги дифференциациялаш (фарқлаш) түшүнчеси, грамматик тоиғаннинг белгилари, атама, таъриф ва қоида, грамматик воситалар мәньоси ва вазифаси (функцияси) доирасида амалга оширилади. Грамматик түшүнчә атамада мужассамлашади. Атамалар тоиғалар ва уларнинг таснифида ўз ифодасини топлади. Бошқача айттанды, тил ходисалари бўлимларга ажратилади: фонетика, лексикология, морфология, синтаксис ва бошқалар. Ҳар бир бўлимни ифода этувчи тил ходисаси ўз таснифига эга. Ҳар бир морфологик тоиғага система сифатида қаралиши шундан. Ўқувчилар системани ички бўлинишлари ва таснифларига кўра ўрганишдан ташқари, уларни фарқлай билишлари ҳам талаб этилади.

Дифференциация асосида ёндашув (фарқлаб ёндашиш) таълим мазмунига ҳам алоқадор. Чунончи, тил ўрганишда таъриф ва қоидалар доимо ёнма-ён келади. Лекин улар бир-биридан кескин фарқ қиласидан түшүнчалар. Таъриф атаманинг изохи, қоида тил ходисасини қандай кўллаш кераклигини түшүнтирувчи йўрік. Таъриф атама мәньосини англаш учун зарур. Х.Курбонова она тили таълими мазмунининг янгиланиш тарихи ҳақида мушаҳада юритиб, «Таърифи билиш, аминизки, грамматикани грамматика учун ўрганишга олиб боради» [2, 72], деган фикрни билдиради. Дарҳақиқат, таъриф эмас, балки факат қоидагина тил ходисасини нутқда қандай кўллаш лозимлигини түшүнтира олади. Шунинг учун она тили ўқитувчиси ўз зътиборини морфологиядан ўтилган таърифларни такрорлашга эмас, балки қоидаларни хотираға тушириш ва унга нутқ амалиётида амал қилиш вазиятини юзага келтириш сари қаратмоги мақсадга мувофиқидir. Ўқувчи атамани унугтган бўлса, эслатилиши биланоқ унинг нима эканлигини ёдга келтиради. Тил ходисасини атама ёрдамида таҳлил қилишнинг ўзи шундан далолат беради. Шунинг учун ҳам «Она тили» дарсларидаги берилгани каби «Фонетика нималар ҳақида мәълумот беради?», «Унли товушлар деб нимага айтилади?» каби такрорлаш учун мўлжалланган саволларга камроқ тўхталиш тўғри бўлади.

Она тили дарсларидаги билим, кўникма ва малакалар устида олиб бориладиган ишларга ҳам фарқлаб ёндашиш талаб этилади. Билимда тил ходисасининг нима эканлиги, белгилари, гасири ва қўлланиши юзасидан мәълумот акс этади. Ана шу билимларни ўзлаштириш ва улардан нутқ амалиётида фойдаланиш жараённада кўникма ва малакалар шакллантирилади. Бунда икки хил мақсадга эришиш мумкин: 1) назарий мәълумотларни онгли равишда өгаллашни таъминлаш (филологик билимларни шакллантириш); 2) нутқ маданиятини ривожлантириш учун замин яратиш.

Морфология курсида ёрдамчи сўзлар, турли хил кўшишимчалар ҳақидаги билимлар нутқ маданиятини ривожлантириш учун замин яратади. Таълим мазмунига фарқлаб муносабатда бўлиш билимларнинг ушбу гурухига устувор аҳамият бериш кераклигини асослаш имконини беради.

Хуллас, 8-синф она тили дарсларидаги синтаксисни морфологиядан фарқлаш, морфологияга доир билимларни назарий ва амалий аҳамиятига кўра ажратиш, билим, кўникма ва малакаларга дифференциациялаш асосида муносабатда бўлиш таълим жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

